

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик  
фикрини ўрганиш Маркази



Миллий ғоя ва мафкура  
илмий-амалий Маркази



«Мустаҳкам оила йили»га  
багишланади

Р. Убайдуллаева, О. Ата-Мирзаев,  
М. Қуонов

## ОИЛА ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Тошкент – 2012

74.200.59 - Мозиавешт гарбесоз

Р. Убайдуллаева, О. Ата-Мирзаев, М. Куронов. Оила ва баркамол авлод тарбияси. – Тошкент, 2012. 134 б.

Монографияда мустақил Ўзбекистоннинг оила сиёсати ва ушбу сиёсатни амалга оширишда ўзбек оиласарининг хуқуқий ҳимояланиши, ривожланиши кўрсатилган ва оиласарда милий кадриятлар асосида баркамол авлод тарбиясига эътибор тобора ошаётгани, ҳалқимизнинг педагогик маданияти равнақи масалалари ёритилган.

Монография социолог, педагог олимларга, оила ва оила муносабатлари соҳасидаги мутахассисларга мўлжалланган.

Тақризчилар:

М. Бекмурадов – социология фанлари доктори, профессор

Н. Алиқориев – иқтисод фанлари доктори, профессор

10 41439  
2

© «Ижтимоий фикр» 2012

2013/61	Alisher Navoiy
	nomidagi
A 6815	O'zbekiston MK

## КИРИШ

Оила – энг қадимий ижтимоий институтлардан бири. У кўп асрлик анъаналарга таяниб яшайди, инсон учун ишончли таянч, унинг маънавияти ва ахлоқи ўчоғи ҳисобланади. Инсон ўз ҳаётининг кўп қисмини оиласда ўтказади. У жамиятда алоҳида фавқулодда муҳим ўрин тутади.

Маънавий бой ва комил шахсни вояга етказиш оила ва мамлакатдаги демократик ислоҳотларнинг умумий жараёни, халқ онгида миллӣй мафкуранинг қарор топиши, янги илғор қадриятлар билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов оила жамиятнинг асоси, миллӣй мафкура қарор топшининг таянчи деб қайд этади: «Юртимиздаги ҳар бир киши учун Ватан тушунчаси, аввало, оиласдан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқлариди».<sup>1</sup>

Оиладаги анъанавий одоб-ахлоқ ва қариндош-уругчилик муносабатлари ўзбек халқи маънавий қадриятларининг манбай ҳисобланади. Катталарни хурмат қилиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, фарзандларга ғамхўрлик қилиш, аёл ва онага хурмат билан муносабатда бўлиш унинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Оила бу ҳаётнинг абадийлиги, муқаддас урғодатларимиз ва анъаналаримизни асрорчи авлодлар изчилиги негизидир, шу билан бирга, бўлғуси авлодлардан қандай кишилар етишиб чиқишига таъсир қўлувчи негиз ҳамдир<sup>2</sup>.

Мустақил Ўзбекистонда оила қадриятлари ва қариндош-уругчилик муносабатларининг тикланиши эскича оиласий уруғ-аймоқчиликни абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий, касб-маҳорат юзасидан равнақ топишини англатади. Мустақиллик йилларида оила ва оила муаммолари давлатнинг дикқат-эътибори ва ҳимояси остида бўлди. 1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2001 йил «Она ва бола йили», 2002 йил «Соғлом авлод йили» шиори остида ўтганлиги, 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги бунинг исботидир, бу эса мазмун-

<sup>1</sup> Каримов И. Миллӣй истиқбол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 29–30-б.

<sup>2</sup> Каримов И. Оила фаровонлиги ва халқ тинчлиги. Т.6. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 382-бет.

моҳиятига кўра жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани ижтимоий ҳимоя қилишни англатади. 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилган.

2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуидагиларни таъкидлади: «... азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суюнчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замира, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч ҳожати йўқ».<sup>1</sup>

Оила – инсон учун ишончли суюнчик, унинг маънавияти ва ахлоқи негизидир. Оилавий ворислик ижтимоий ҳаётнинг асосий тушунчалари ва қоидаларини, урф-одатлар ва анъаналарни, удум ва маросимларни, халқнинг ёш авлодни тарбиялашга доир тажрибасини саклаш ва оиласдан оиласга ўтказиш имконини беради. Бу жараён ота-оналар, фарзандлар, қариндошлар ҳамкорлиги, катталарга бўлган меҳр ва ҳурмат, кичиклар ҳакида қайғуриш туфайли юз беради. Оиладаги соғлом ҳолат – ёшларда юқори маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш гаровидир. Бошқа тарафдан, оиладаги фаровонлик, бир-бирини ҳурмат қилиш, меҳр-шафқатлилик ва бир-бирини тушуниш миллий ғоя ва мағкура мақсадлари ва принципларини ишончли амалга оширишга кўмаклашади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб давлат мамлакат ёшларига, унинг улғайиши ва тарбияланишига катта аҳамият бермоқда. Ўзбекистон ёшлари республика аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ташкил этади. Ёш авлодни миллий ғоя ва мағкура, Ватанга муҳаббат ва фидойилик руҳида ахлоқий тарбиялашга асосий эътибор берилмоқда. Бунда халқимизнинг унуттилмас миллий қадрияти сифатида оиладаги одобли-ахлоқли шахсни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади.

<sup>1</sup> Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи. //Халқ сўзи. 2011. 13 декабрь.

## **Биринчи боб**

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА СИЁСАТИНИНГ АСОСЛАРИ**

Оилавий сиёсат Ўзбекистон бутун ижтимоий сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади. Базавий ижтимоий гурӯҳ сифатида инсон ва оила манфаатлари бош ўрин тутган давлат оилавий сиёсатни ишлаб чиқиш юзасидан давлат миқёсида кўрилган чора-тадбирлар барпо этилаётган демократик жамиятимизда рўй бергаётган ислоҳотлар руҳиятига мувоғиқ келади. Табиийки, давлат иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсати оила ҳаёти ва фаолиятини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ижтимоий ишлаб чиқаришда аҳолининг иш билан таъминланганилиги, оила фаровонлиги ва даромадлари иқтисодиёт соҳасидаги тадбирларига боғлиқ. Оила ўзининг барча асосий функцияларини ижтимоий соҳа муассасалари, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий таъминот, савдо-сотик, уй жой-коммунал хўжалиги билан яқин ҳамкорликда амалга оширади. Шу сабабли ижтимоий соҳанинг сақланиши ва ривожланиши, янги шароитларга унинг мослаштирилиши ижтимоий сиёсатининг асосий моҳияти сифатида қаралади.

Оила сиёсати – бу ижтимоий сиёсатининг нисбатан ўзига хос бир қисми ҳисобланади. Оилавий сиёсат ижтимоий институтлардан бири сифатида оиланинг ва бошқа ижтимоий роллар билан биргаликда оиласидаги ролларни бажарадиган индивиднинг (ота, она, эр-хотин, фарзандлар, бошқа қариндошлар) фаолият олиб боришига таъсир кўрсатади. Давлатнинг оилавий сиёсати жамият ва давлатнинг ўзига хос ижтимоий гурӯҳи сифатида оила ўртасидаги, шунингдек оила функцияларини рўёбга чиқариш юзасидан оила ичидаги шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Давлатнинг оилавий сиёсати ижтимоий сиёсатининг оила учун муҳимроқ бошқа соҳаларини ижтимоий институт сифатида бевосита оиласига мўлжалланган маҳсус чора-тадбирлар билан тўлдиради.

Ўзбекистонда давлат оилавий сиёсатининг сиёсий аҳамияти шундан иборатки, у оиланинг барча типлари манфаатларини бирлаштириди ва уларнинг ҳаёти ва фаолияти

ҳамда асосий ижтимоий функцияларини амалга ошириш учун қулай ижтимоий мухит яратишга, ҳам оила, давлат ва жамият ичидаги муносабатлар, ҳам оиланинг ўзаро муносабатларини уйғуналаштиришга, оила институти барқарорлиги учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган. Соғлом, фаровон, қонунга бўйсунувчан оила – бу давлат таянчи ва жамият тотувлиги, шунингдек сиёсий ва ижтимоий барқарорлик асосидир.

1992 йилда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим концепцияси қабул қилиниши билан оиласий тарбия ўзининг аҳамиятига кўра минтақамиз оиласарида шахслараро муносабатларнинг ўзига хослиги туфайли устувор аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари ҳар томонлама камол топган фарзанд соғлом оиласий мухитда шаклланишини бир неча марта таъкидлагани тасодифий эмас.

Оила, унинг тотувлиги ва равнақи ўзбекистонликларнинг энг юксак маънавий бойлигидир, чунки улар оиласадаги тинчлик ва тотувлик Ватанимиз равнақ топишининг гарови, республика барқарор тараққиётининг гарови эканлигини тушунади.

2011 йилда ўз мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлаган Ўзбекистонда йигирма йил ичida жаҳонда мухим аҳамиятга молик воқеалар юз берганини муболағасиз айтиш мумкин. Улар орасида оила ва никоҳ сингари муқаддас тушунчалар ўзининг янги талқинида инсонлар онгига тобора чуқуррок кириб боришини ҳамда бу жараённинг натижаси ва акси сифатида фуқаролик жамиятининг асосий ижтимоий институти хисобланган оиласи ҳимоя қилишнинг ҳуқукий, мағкуравий, демографик ва репродуктив асослари тобора такомиллашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу йўлдаги барча саъй-харакатлар ва интилишлар Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни бўлган Конституция, Оила, Маъмурий, Фуқаролик кодекслари ва бошқа кодекслар, юзлаб норматив ҳужжатлар томонидан мустаҳкамланган, ушбу ҳужжатларда аёллар ва оналар ҳамда болалар манфаатлари бош ўринни эгаллайди.

Оила ва никоҳни мустаҳкамлаш масаласига катта аҳамият берадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов

ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» деб номланган китобида қуидагиларни таъкидлади: «Оила соғлом бўлса – жамият мустаҳкам бўлади, жамият мустаҳкам бўлса – давлат барқарор бўлади».<sup>1</sup>

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг маҳсус 14-боби «Оила» деб ном олганини, бир қанча моддалари эса (63-66-моддалар) бевосита оила ва никоҳга багишланганини қайд этиш зарур. Мамлакат Конституциясига мувофиқ оила – жамиятнинг асосий бўгини у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Оиласа бунчалик жиддий муносабат у икки шахснинг танлаш эркинлиги ва тенг хукуқлилигига асосланиши билан тушунтирилади (63-модда). Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир (65-модда). Бу қоидалар, шунингдек конституциявий нормалар бўлиб, улар эркак ва аёлнинг никоҳда ихтиёрий бирлашувига асосланиб, инсон хукуқлари таъминланишининг зарур шарти ҳисобланган тенг хукуқлилик принципи асосида оила қуриш зарурлиги тўғрисидаги талабнинг ҳамоҳанг уйғунлиги сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таърифланишича, ота-оналар фарзандлари вояга етгуналарига қадар уларни боқиши ва тарбиялаши шарт, жамият ва давлат эса етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилган хайрия фаолиятлар рағбатлантирилишини таъминлаши шарт.<sup>2</sup> Шу билан бирга «вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳакида ғамхўрлик қилишга мажбурдир»,<sup>3</sup> деб кўрсатилган.

Умуман олганда бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатларида оилани қўллаб-куватлашга ҳамда болалар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган конституциявий нормалар ўз аксини топган. Уларда шунингдек эмизикли оналарга қўшимча имтиёзли танаффуслар бериш, оилавий

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 58-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 64-модда. – Т., 1992.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 66-модда. – Т., 1992.

турмуш қуришга аҳд қилган ёшларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги талаблар мустаҳкамланган. Оиланинг ёш аъзоларини, ҳомиладор аёлларни, вояга етмаган болаларни бепул тиббий ёрдам хизматлари билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш хуқуқи берилган.

Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган асосий қонунлар билан бир қаторда республикада бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган, улар орасида, биринчи навбатда куйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 21 сентябрдаги қарори, «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 25 январдаги қарори, «Аҳолининг ижтимоий ҳимояяга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда кўллаб-қувватлашнинг 2002–2003 йилларга. мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 25 январдаги қарори, «Республика болаларнинг ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 сентябрдаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги 3481-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 13 апрелдаги қарори, Президентнинг «2009–2013 йиллар. аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2009 йил 1 июлдаги 1144-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2012 йил 27 февралдаги қарори.

Қайд этилган ва бошқа ҳужжатларда мамлакатнинг кўп асрлик анъаналари ва замонавий ҳолати ҳисобга олинган ҳолда

миллий қонунчилликка киритилган умумэътироф этилган халқаро принциплар ўз аксини топган.


Ўзбекистонда кўрилган барча чора-тадбирлар, энг аввало, куйидаги бош мақсадга қаратилган: исталган ҳолатларда муҳтоҷ оиласарга мақсадли ёки аниқ мақсадли ёрдам кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш воситасида оилани ва унда тарбияланаётган фарзандларни ҳимоя қилиш, жисмонан соғлом, ақлий ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш. Бунинг учун бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлаш билан бирга давлат доимий равиша оилани қўллаб-кувватлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оиласарни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айнан шу мақсадни кўзлади.

Фармонда оила ва унда улғайиб бораётган авлоднинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари, унинг уйғун камол топиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш мустаҳкамланибгина қолмай, балки ёш оиласарни маънавий қўллаб-кувватлашни янада кучайтириш зарурлиги кўрсатилган. Шунингдек, уларга ғурурни ва яратаетган оиласари учун жавобгарлик ҳамда оиланинг катта аъзоларига ҳурмат туйгусини сингдириш, фарзандларни меҳнаткаш, халқнинг унутилмас маънавий қадриятлари руҳида тарбиялаш учун интилишга эътибор қаратилган. Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган вазифаларга эришиш учун моддий базани яратишида, кам таъминланган оиласарнинг ёш аъзоларига моддий ёрдам кўрсатишда, хусусан, тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий кўмак кўрсатишда барча ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларга катта ўрин ажратилган.

Ушбу ўринда, табиийки, бир қатор саволлар пайдо бўлади, Ўзбекистонда оила нимани англатади, унинг ўзига хослиги нимада? У қандай фаолият олиб боради? Ушбу

саволлар кўпчилик манбаларда ўз талқинини топган. Масалан, ўзбек тилининг изоҳли лугатида берилган таърифга кўра, «оила – бу ота-оналар, уларнинг фарзандлари ва яқин қариндошларидан иборат бирга яшовчи инсонлар мажмуудир»<sup>1</sup>. Социологик энциклопедияда қўйидаги таъриф берилган: «Оила – никоҳ ёки қариндошликка асосланган турмушнинг ва ўзаро жавобгарликнинг умумийлиги билан боғлиқ инсонлар бирлашмаси бўлиб, жамиятнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади»<sup>2</sup>.

1-расм. Никоҳга кираётган аёллар ва эркакларнинг ўртача ёши, %



Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида аёллар (17 ёш) ва эркаклар (18 ёш) учун никоҳ қуриш ёши турлича этиб белгиланганлиги кўрсатилган, шунингдек маҳаллий ҳокимият органлари қарорига кўра, алоҳида ҳолатларда қизларга қонунда белгиланган ёшдан эртароқ ёшда, яъни 16 ёшда турмушга чиқиш ҳуқуқи берилиши кўрсатилган. «Ижтимоий фикр» маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида белгиланган ушбу ҳуқуқий нормалар бўйича аҳоли фикрини аниқлаш мақсадида социологик сўров ўtkазилди<sup>3</sup>.

Бу жиҳатдан охирги йилларда йигирма ёшга тўлгандан кейин никоҳ қураётган қизлар улуши 1991 йилга нисбатан уч

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Иккι томли. 1-том. – М., 1981. – 526-бет.


<sup>2</sup> Иккى жилдлик социологик энциклопедия, 2-жилд. – М., 2003.– 394-бет.

<sup>3</sup> Социологик сўров 2009 йилда Ўзбекистоннинг барча минтақаларида ва Тошкент шаҳрида ўtkазилди, 1520 киши сўраб чиқилди, улардан 531 киши шаҳарлик (34,9%) ва 965 киши (63,5%) кишлоқда яшайди, эркаклар – 46,5%, аёллар – 53,5%.

баравар ошганини қайд этиш мұхим. Охирғи йилларда аёллар ўртаса 21,5 ёшда, әркаклар ўртаса 24,3 ёшда никох қурмокда.

Респондентларнинг ярмидан ками Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини билишини маълум қилди – сўраб чиқилганларнинг 47,5 фоизи (2-расм).


2-расм. Ўзбекистон Оила кодексини билиш даражалари кўрсаткичларининг тақсимланиши, %



Эркакларга (43,1%) нисбатан аёллар (51,3%), қишлоқда яшовчиларга (46,5%) нисбатан шаҳарликлар (49,2%), ўзбеклар (47,8%) ва Марказий Осиё халқларига (38,0%) нисбатан славян миллатига мансуб кишилар (57,6%), ёшларга (18-30 ёш) нисбатан ёши катта инсонлар (50 ёш ва ундан катта) – 50,3%, ўртаса маълумотли респондентларга (38,1%) нисбатан олий маълумотли респондентлар Оила кодексини кўпроқ билишини кўрсатди.


Сўров натижаларининг кўрсатишича, агар ўзбекистонликларнинг 47,5 фоизи Оила кодекси билан умумий таниш бўлса, сўраб чиқилганларнинг кўпчилиги (62,5%) Ўзбекистонда ўғил болалар ва қиз болалар учун қонунчилик томонидан турли никоҳ ёши белгиланганини билади. Оила кодекси ва қонун томонидан белгилангандай никоҳ ёшини билиш даражаси эркаклар ва аёллар маълумотли бўлгани сайин ошиб бормокда (3-расмга қаранг).

**3-расм. Оила кодекси ва қонун томонидан белгиланган никоҳ ёшини билиш даражаси киёсий кўрсаткичларининг тақсимланиши (маълумотлилиги бўйича), %**



Ўзбекистонликларнинг кўпчилиги (81,3 фоизгача) ўғил болалар ва қиз болалар учун республикада турлича никоҳ ёши белгиланганига қўшилади. Қонун томонидан белгиланган никоҳ ёши бўйича ўзбекистонликларнинг розилиги даражаси ҳам респондентларнинг миллати, ҳам яшаш жойи бўйича анча юқори. Бироқ 18–20 ёшли деярли ҳар учинчи респондент (31,6%) бу борада ўзининг норози эканлигини билдирганини таъкидлаш зарур (4-расм, 1-жадвалга қаранг).

**4-расм. Респондентларнинг ёшига қараб белгиланган никоҳ ёшига қўшилиш кўрсаткичларининг тақсимланиши, %**



Жинси, миллати, яшаш жойи бўйича эркаклар ва аёлларнинг белгиланган никоҳ ёшига қўшилиши кўрсаткичларининг тақсимланиши, %

	жинси		миллати				яшаш жойи	
	эркак	аёл	ўзбеклар	Марказий Осиё халқлари	славянлар	бошқа миллатлар	шахар	қишлок
Ҳа, қўшиламан	81,2	81,4	82,2	72,1	78,8	100,0	79,5	82,8
Иўқ, қўшилмайман	18,8	18,6	17,8	27,9	21,2	–	20,5	17,2

Ўзининг розилигини ўзбекистонликлар қуидаги омиллар билан тушунтиради:

- ўғил болаларга нисбатан қиз болалар оила қуриш мумкин бўлган даражага эртароқ етади – 26,4%;
- бу ёшдаги қиз болалар ва ўғил болалар ҳар томонлама камолга етади – 20,3%;
- эрнинг хотиндан ёши катта бўлиши керак – 13,7%;
- ўғил бола ўз оиласини бошқаришга ва таъминлашга қодир бўлиши керак – 11,6%;
- 17 ёшда қиз болалар оилавий турмушга тайёр бўлади – 6,8%;
- Тиббий нуқтаи назардан бунинг имкони бор – 0,7%;
- жавоб бера олмайман – респондентларнинг 20,5 фоизи.

Сўраб чиқилганларнинг 18,7 фоизи никоҳ қуриш учун турли ёш белгиланишига қўшилмайди, улар ўз норозилигини қуидаги сабаблар билан кўрсатади:

- ўғил болалар ва қиз болалар оила қуришда тенг ҳукуқли – 24,6%;
- ўғил ва қиз бола 20 ёшдан ошгандан кейин оила қуриши керак – 19,0%;
- бу ёшда моддий қийинчиликлар туфайли оила муайян қийинчиликларга дуч келиши мумкин – 9,9%;
- бу ёшда улар оилавий ҳаётга тайёр эмас – 6,7%;
- респондентларнинг 39,8 фоизи ўз нуқтаи назарини тушунтириб беришга қийналди.

Юқорида кўрсатилганидек, узри сабаблар бўлганда ҳокимликлар никоҳга кирмоқчи бўлган шахсларнинг илтимосига кўра, қизларнинг 16 ёшда ҳам никоҳга киришига рухсат беришга ҳақли. Сўров натижаларининг кўрсатишича, ҳар тўртинчи ўзбекистонлик бу ҳақда маълумотга эга (24,8%).

Республика аҳолиси бу масалага бир хилда муносабат билдирамайди: ўзбекистонликларнинг 73,3 фоизи қиз болалар 16 ёшда никоҳга кириши мумкинлигига қўшилмайди.

Шаҳарда ҳар учинчى респондент (30,5%) қиз болалар 16 ёшда ҳам турмуш қуриши мумкинлигини билдирган бўлса, қишлоқда ҳар тўртинчи респондент (24,2%) бунга қўшилишини билдиради.

Турли миллат вакиллари орасида славян миллати вакиллари ажralиб туради, улар орасида сўраб чиқилганларнинг 41,2 фоизи эрта турмушга чиқиш ёшига қўшилади, Марказий Осиё ҳалқлари орасида эса 36,4%, ўзбеклар орасида респондентларнинг 24,7 фоизи бунга қўшилган.

16 ёшдан эрта турмуш қуришга қарши бўлган респондентлар (1114 киши) ўз нуктаи назарини қўйидаги сабаблар билан тушунтиради:

- организм хали ёш, турмуш қуриш учун етарлича ривожланмаган – 49,2%;
- тиббиёт нуктаи назаридан бу мумкин эмас – 6,2%;
- бола ногирон туғилиши ва онанинг ўзи ҳам ногирон бўлиб қолиши мумкин – 5,6%;
- респондентларнинг 12,9 фоизи жавоб беришга қийналди.

Қизлар 16 ёшида ҳам турмушга чиқиши мумкин деб ҳисоблаган (406 киши) қўйидагиларни асосий сабаблар қилиб кўрсатади:

- никоҳга киришни кечрокқа қолдириш мумкин бўлмаган ҳолатларнинг юзага келиши – 36,0%;
- агар қиз болани турмуш қуришга тайёр деб ҳисоблаш мумкин бўлса – 20,2%;
- қиз бола қанча эрта турмушга берилса, шунча яхши – 14,5%;
- агар ёшлар буни қаттиқ хоҳлашса – 11,6%;
- жавоб бера олмайман – 17,7%.

Шундай килиб, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги (81,3%) республикада қонун бўйича никоҳ қуриш учун турли ёш белгиланганига қўшилади (аёллар учун 17 ёш ва эркаклар учун 18 ёш), яъни бу аёлларнинг камситилиши сифатида қабул қилинмайди. Шу билан бирга, кўпчилик ўзбекистонликлар ҳокимликларнинг қарорига кўра, қиз болалар учун никоҳ ёши бир ёшга (16 ёшгача – 73,3%) камайтирилишига қарши.

Эрта никоҳлар, жинсий ҳаётни эрта бошлиш ва эрта оналиктиннинг олдини олиш бўйича давлат ва жамият томонидан катта ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида республикада қизлар орасида эрта никоҳлар сони йилдан йилга камайиб бормоқда.

Хусусан, 1991 йилда турмуш кураётган барча қизларнинг 8,6 фоизи 18 ёшга тўлмаган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 2,4 фоизни ташкил этди. Бу қизларнинг 84 фоизидан ортиги 18 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшда никоҳ курганини англаатади. Мустакиллик йилларида никоҳга кирувчи ўғил болалар ёш гурухларида ҳам ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 20 ёшдан 24 ёшгача никоҳга кирадиган ўғил болалар салмоғи 15,6 фоизга камайди. 25 ёшдан 29 ёшгача бўлган ўғил болалар гуруҳида бу кўрсаткич деярли икки баравар ўсади. Шунингдек, ўттиз ва ундан катта ёшда оила курувчи ёшлар салмоғи ҳам ортмоқда.

Оила кодексининг «Никоҳ тузиш тартиби» деб номланган 13-моддасининг 5-бандини амалиётда ижро этиш ҳам ҳукумат ва жамиятнинг доимий назорати остида. Чунки, тажрибанинг кўрсатишича, алоҳида ҳолатларда никоҳ турли сабаб ва баҳоналарга кўра ФҲДЁ органлари томонидан ўз вақтида рўйхатга олинмайди. Бундан ташқари, ушбу модданинг иккинчи хат бошида “диний расм-русларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас” деб белгиланган, шу туфайли диний расм-руслар асосидагина оила қуриш амалиётда тақиқланади. Агар эр-хотинлар фарзанд туғилиши арафасида ёки фарзанд туғилгандан кейин никоҳни қонунийлаштирмокчи бўлсалар, у ҳолда ушбу модданинг бешинчи хат бошига кўра, «алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар) мавжуд бўлса, ариза берилган куни никоҳ тузилиши мумкин», фуқаролик ҳолати

хужжатларини қайд этадиган органлар бир ой тамом бўлгунига қадар ёки тибий кўрикдан ўтмай туриб никоҳ тузилишига рухсат бериши мумкин.

Оила кодексининг 16-моддаси никоҳ тузилишига монелик қиласидан ҳолатларга бағишлиланган. Бунда бундай ҳолатлар қаторида «насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опасингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида»ги никоҳлар кўрсатилган. Афсуски, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш ва бунинг натижасида тұғма нұқсонли болалар туғиши ҳолатлари ҳаётда ҳали ҳам учраб турибди. Кодекснинг ушбу хат боши айнан бундай ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қиласи. Бу йўналишда мустақиллик йилларида олиб борилган фаол фаолият туфайли бундай никоҳлар сони аввалги даврга нисбатан уч баравар камайди. Агар қариндош бўлмаган отаоналардан тұғма нұқсон билан туғилган болалар 2 ёки 3 фоизни ташкил этса, қариндош жуфтликлардан туғилган бундай болалар салмоғи 4,5–5,0 фоизни, яъни икки марта кўпчиликни ташкил этиши ушбу муаммонинг муҳимлиги ва жиддийлигини тасдиқлади.

Кодекснинг 20-моддаси «Эр-хотиннинг фамилия танлаш ҳуқуки» деб номланган ва унда миллий менталитетни ҳисобга олган ҳолда бу масалага демократик муносабат сақланган. 69-моддада ёзишича, “Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. ...Ота-онанинг хоҳишига кўра болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин”. Яъни қонун эр-хотинларга ўз хоҳишлиари бўйича умумий фамилия сифатида эр-хотиннинг фамилиясини танлаш ёки эр-хотиннинг ҳар бирига никоҳгача бўлган фамилиясини сақлаб қолиш ҳуқукини бериш билан бир қаторда фарзандга отаси ёки онасининг фамилиясини бериш имкониятини беради, бу эса демократия тамойилларига зид келмайди, балки аксинча, баъзи масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Ажralиш билан тугайдиган оилавий келишмовчиликлар ва бунинг натижасида уларнинг салбий ижтимоий оқибатлари,

шубҳасиз, ҳар бир жамиятда катта муаммо ҳисобланади. Бу жиҳатдан республикада истиқболга йўналтирилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Гарчи охирги йилларда никоҳ бекор қилиниши бўйича бирор-бир сезиларли ўсиш тенденцияси кузатилмаётган бўлса-да, умуман олганда мамлакат бўйича республиканинг айрим туманларида ажралишлар сони ортмоқда. Мустақилликнинг йигирма йиллиги мобайнинда оиласавий сиёсат ва оиласани мустаҳкамлаш соҳасида давлатнинг муайян чора-тадбирлари туфайли никоҳ коэффициентининг ўсиши билан бирга ажралишлар коэффициентининг камайиши кузатилмоқда.

Республика мустақиллигининг биринчи босқичида никоҳлар сонининг ва уларнинг нисбий кўрсаткичларининг камайиши кузатилди. Жумладан, агар 1991 йилда 270,3 минг никоҳ тузилган бўлса, никоҳ коэффициенти 12,9 %га teng бўлган бўлса, у ҳолда 2004 йилда тегишли равишда 155,8 минг никоҳ 46,0 %ни ташкил этди (2-жадвалга қаранг).

Шундай қилиб, 2004 йилда 1991 йилдагидан 114,5 минг кам никоҳ тузилди, никоҳ коэффициенти эса 6,9 %га қисқарди.

2004 йилдан кейин республикада никоҳлар сони барқарор равишида ўсиб бормоқда. 2010 йилда Ўзбекистонда 283,3 минг никоҳ тузилди, никоҳ коэффициенти эса 10,0 %ни ташкил этди.

Тақосланаётган йилларда никоҳлар сони 168,8 мингтага, никоҳ коэффициенти эса 4,0 %га ошди.

Мустақиллик йилларида 2006 йилгача эр-хотинлар ажралишлари сони қисқариши кузатилди. Жумладан, агар 1991 йилда 33,3 минг ажралиш қайд этилган бўлса, 2006 йилда 16,2 минг ажралиш қайд этилди, яъни кўриб чиқилаётган йилларда ажралишлар сони 2 марта камайди. Бирок охирги йилларда республикада ажралишлар сони бироз ошаётгани кузатилаётганини қайд этиш лозим. 2010 йилда 2006 йилга нисбатан ажралишлар сони 4,4 мингта кўпайди ва 20,6 мингни ташкил этди.

Мустақиллик йилларида ажралиш коэффициенти босқичмабосқич камайиб бормоқда. 1991 йилда ажралиш коэффициенти 1,6 %ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 0,45 %ни ташкил этди яъни у деярли 4 баравар камайди.

2013/51	A	6815	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
---------	---	------	--

**Ўзбекистонда никохлар ва ажралишлар сони динамикаси  
(мутлақ рақамларда ва көзғициентларда)**

Йиллар	Никохлар		Ажралишлар	
	Никохлар сони минг киши	100 минг кишига	Минг кишига ажралишлар сони	100 минг кишига
1980	173,6	10,9	22,5	1,4
1985	200,8	11,0	26,1	1,4
1990	217,1	10,6	29,9	1,4
1991	270,3	12,9	33,3	1,6
1995	170,8	7,5	21,2	0,9
2000	168,9	6,8	19,9	0,8
2001	170,1	6,8	15,7	0,6
2002	165,6	6,5	18,3	0,7
2003	161,7	6,3	17,6	0,7
2004	155,8	6,0	17,4	0,7
2005	184,0	7,0	16,4	0,6
2006	207,3	7,8	16,2	0,6
2007	254,4	9,6	18,2	0,5
2008	250,2	9,5	18,1	0,5
2009	272,1	9,8	19,9	0,44
2010	283,3	10,0	20,6	0,45
2011	289,0	9,8	18,6	0,6

\* Манбалар: Узбекистон рақамларда – 2000–2007 йй. Статистик түплам. – Т., 2008; Ўзбекистондаги ижтимойи тарақкүёт ва турмуш даражаси. Статистик түплам. – Т., 2009; Статистическое обозрение Республики Узбекистан 2011. – Т., 2012.

Юқорида кўрсатилган никоҳ қуриш ва ажралиш тенденциялари мамлакатда самарали оиласидан сиёсат олиб борилганининг натижаси ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини қайд этиб ўтиш зарур, унда оиласидан мустаҳкамлаш, унинг саломатлигини яхшилаш, шунингдек оиласидан маънавий мухит барқарорлигини таъминлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар қайд этилган. Ушбу Фармонни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида дин, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла раиси йиғини маслаҳатчиси институтини таъсис этиш тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Маҳаллада истиқомат қилувчи энг хурматга лойиқ шахслар, ҳаётий тажрибаси бой аёллар бундай ишга жалб этилди. Уларнинг ишлаши учун кулай шарт-шароитлар яратиб берилди, ҳар бир оила билан ишлашнинг аниқ ва муайян механизмлари белгилаб олинди. Шу муносабат билан йилдан йилга намунали маҳаллалар сони ортиб бормоқда ва уларда ажралишлар сонининг камайиши бунинг энг етакчи мезонларидан бири саналади. Бунда яраштириш комиссиялари, аёллар ва вояга етмаганлар билан ишловчи комиссиялар фаолиятини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур, улар ҳар бир маҳалланинг ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин эгаллайди. Уларнинг иши маҳаллий ҳокимликлар ва хукумат томонидан кўллаб-кувватланади.

Ўзбекистоннинг оилани мустаҳкамлашга қаратилган сиёсати бола хукуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан ўзаро ўйғун алоқада амалга оширилмоқда, чунки боланинг шахсияти, энг аввало, оиласда шаклланади. Ота-оналар хукукий саводхонлигини ошириш йўли билан ўсиб келаётган авлоднинг хукукий саводхонлигини ошириш бу соҳада олиб борилаётган етакчи чора-тадбирлардан бири ҳисобланади ва у республика хукумати томонидан ҳар томонлама кўллаб-кувватланади. Шунга мувофиқ кулай шаклда 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Конуни мазмун-моҳияти фуқаролар зътиборига етказилмоқда, вояга етмаганлар хукуқларини кафолатловчи халқаро хужожатларни миллий конунчилликка татбиқ этиш масалалари тушунтирилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенция иштирокчиси ҳисобланади ва унинг қоидаларига мувофиқ доимий равишда БМТнинг бола хукуқлари бўйича кўмитасига Конвенция қоидаларини бажариш бўйича ҳисобот тақдим этади.

Бола хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасида халқаро-хукукий нормаларни миллий

қонунчиликка татбиқ этиш (яъни уларга мувофиқлаштириш) бўйича етарлича катта иш олиб борилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бугунги кунда амалда бўлган қонунчиликда бола ҳукуклари ва манфаатларига ҳамда уларни ҳимоя қилишга алоҳида ўрин берилган. Бирок, шунга қарамай, Ўзбекистонда бола ҳукукларини ва уларни ҳимоя қилиш бўйича давлат кафолатларини таъминловчи ўзига хос қонун ҳужжатини қабул қилиш зарурати юзага келди. 2008 йил 12 августда «Бола ҳукуклари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши ана шундай ҳужжат бўлди. Мамлакатда ўсиб келаётган авлодга диққат-эътиборни янада оширишдан келиб чиқсан ҳолда ушбу ҳужжат бола ҳукукларини рӯёбга чиқариш ва уларни ҳимоя қилиш муаммосини мутлақо янги даражага чиқариш имкониятини берди.

Ўзбекистон Республикасининг Оила, Мехнат кодексларида, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда боланинг оилада яашав тарбия олиш ҳукуки, фарзанднинг фаровонлиги ва унинг тарбияси учун ота-оналар мажбурияти ва жавобгарлиги, унинг таълим олиш, меҳнат қилишга ҳукуки каби оила ва жамоат тузилмасининг асосий қоидалари кўриб чиқиласди. «Бола ҳукуклари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида боланинг оилада яашав ота-она ғамхўрлигида бўлиш ҳукуклари баён этилган. Бола манфаатларига зид келадиган ҳолатлар бундан истисно.

Ўзининг жисмоний имкониятлари туфайли таълим муассасаларига ташриф буюра олмайдиган имконияти чекланган болалар, туғма ногирон болалар учун «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ уй шароитларида таълим олиш ҳукуки ташкил этилган. Ушбу ишга жалб этилган педагогларга ҳам қўшимча имтиёзлар берилган. Улар олти соатлик дастур бўйича уй шароитларида ногирон болага зарур билим ва кўникмалар беради. Бундай ахборотни ота-оналар эътиборига етказиш бизда ўтказилаётган оилавий сиёсатнинг мухим вазифаларидан бири хисобланади. Бундан ташқари, бундай хизматни ташкил этиш Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш сиёсатига мувофиқ келади, у туфайли мактаб ёшидаги ҳар бир болани ўқув жараёнига жалб қилиш кафолатланган.

Демографик сиёсат Ўзбекистонда олиб борилаётган оилавий сиёсатнинг энг муҳим бўлими ҳисобланади, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, республиканинг бутун аҳолиси саломатлигини яхшилаш унинг бош мақсади ҳисобланади.

Давлатнинг демографик сиёсати доирасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва оилани оқилона ривожлантиришни тарғиб қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор хукумат қарорлари, Президент фармойишлари ва Фармонлари қабул қилинди<sup>1</sup>.

2009 йилда Президентнинг махсус Фармони эълон қилинди<sup>2</sup>, унинг ижро этилиши она ва бола саломатлигини сезиларли даражада мустаҳкамлайди, оилани оқилона ривожлантириш ва республика аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш асосларини шакллантиради.

Оилани ривожлантириш Ўзбекистондаги демографик ва умуман оилавий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳисобланади, туғилишни чеклаш ва оиласидаги фарзандлар сонини камайтиришни эмас, балки аёллар, оналар, болалар ва бутун мамлакат аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистонда самарали демографик сиёсатни амалга ошириш ва оилани оқилона ривожлантиришни тарғиб қилиш охирги йилларда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Туб аҳолининг репродуктив дастурлари жиддий равишда ўзгаришга учради, бу «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила манбаатларининг рӯёбга чиқишини таъминлаш бўйича 1998 йилдаги чора-тадбирлар давлат ластури тўғрисида» 1997 йил 9 декабрдаги Ф-796-сон фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соглом авлод түғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 июлдаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаoliyatiни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги ПФ-3481-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соглом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 13 апрелдаги қарори.

<sup>2</sup> Президентнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соглом бола түғилиши, жисмоний ва матнавий барқамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2009 йил 1 июлдаги ПК-1144-сон қарори.

ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик сўровлар натижалари билан тасдиқланади<sup>1</sup>.

Социологик сўров натижалари асосида Ўзбекистонда оиласдаги ҳозирги фарзандлар сонининг таҳлили икки ёки уч фарзандли оиласлар, яъни икки фарзандли (25,0%) ёки уч фарзандли (23,6%) оиласлар (*5-расмга қаранг*) энг кенг тарқалганини кўрсатмоқда.

*5-расм. Республика бўйича ва яшаш жойига қараб оиласдаги фарзандлар сони, %*



Бир ёки тўрт фарзандли оиласлар республикада унчалик эмас (тегишли равишида 12,4% ва 12,3%). Беш (6,5%), олти (4,9,0%), етти (0,4%) ёки саккиз (0,6%) фарзандли оиласлар янада кам учрайди.

Шаҳар ва қишлоқ оиласлари учун фарзандлар сони маълум даражада фарқ қиласди. Биринчидан, шаҳарда қишлоққа нисбатан бир ёки икки фарзандли оиласлар кўпроқ (тегишли равишида бир фарзандли оиласлар – 15,8% ва 10,4%, икки фарзандли оиласлар – 28,7% ва 22,9%). Иккинчидан, қишлоқдаги оиласлар шаҳарлик оиласларга нисбатан 1,7 баравар кўпроқ тўрт фарзандли бўлади (тегишли равишида 14,5% ва 8,4%). Учинчидан, 5-8 фарзандли шаҳар ва қишлоқ оиласлари фоизи яқинлашиши кузатилмоқда.

<sup>1</sup> Бу ерда 2011 йил августда республикамизнинг барча минтақаларида ўтказилган «Оила ва ахлоқ» социологик сўрови натижалари келтирилган. Ҳаммаси бўлиб 1098 респондент сўраб чиқилиди, шу жумладан шаҳарликлар – 51,5%, қишлоқ аҳолиси – 48,5%, эркаклар – 49,4%, аёллар – 50,6%. Сўраб чиқилганларнинг миллий таркиби: ўзбеклар – 87,74%, қоракалпоклар – 2,8%, қозоклар – 2,7%, тоҷиклар – 1,3%, руслар – 0,6%, татарлар – 1,6% ва бошқалар – 3,3%.

Аҳолининг маълумоти даражасига қараб ўтказилган тадқиқот таҳлили ҳам оиласаги фарзандлар туғилиши ва сони ўртасида аниқ ўзаро алоқа борлигини аникламади. Бироқ бир фарзандли оиласалар тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли (5,3%) ёки олий маълумотли (10,4%) шахсларга нисбатан ўрта (12,4%) ва ўрта маҳсус (15,0%) маълумотли шахсларга кўпроқ хос эканини қайд этиш зарур.

Республика минтақалари бўйича социологик сўров маълумотларининг қиёсий таҳлили улар ўртасида фарзандлар сони кўрсаткичларида баъзи тафовутлар борлигини кўрсатди (З-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Минтақалар бўйича оиласаги фарзандлар сони, %

Минтақалар	Фарзандлар сони									
	йўқ	бир	икки	уч	тўрт	беш	олти	етти	саккиз	
Тошкент ш.	12,2	25,7	21,6	28,4	4,7	4,7	2,0	-	0,7	
Қорақалпогистон Республикаси	13,9	9,3	29,6	29,6	8,3	5,6	1,9	0,9	0,9	
вилоятлар:										
Андижон	17,9	21,0	20,4	17,3	6,8	8,6	6,8	0,6	0,6	
Бухоро	28,9	9,6	34,6	15,4	6,7	3,8	0,0	0,0	1,0	
Жizzах	4,2	19,4	45,8	23,6	4,2	2,8	0,0	0,0	0,0	
Қашқадарё	14,0	12,1	16,4	23,6	18,8	9,1	4,8	0,6	0,6	
Навоий	1,7	17,9	21,4	35,7	12,5	5,4	3,6	1,8	0,0	
Наманган	4,8	8,5	25,4	21,1	16,9	9,9	11,3	0,7	1,4	
Самарқанд	10,2	6,2	21,0	20,5	22,6	7,2	10,8	0,0	1,5	
Сурхондарё	13,6	12,1	23,5	25,0	11,4	8,3	6,1	0,0	0,0	
Сирдарё	0,0	10,9	32,6	28,3	21,7	2,2	2,2	2,2	0,0	
Тошкент	24,3	9,4	23,5	23,5	7,6	8,2	2,9	0,0	0,6	
Фарғона	16,7	8,1	29,4	24,4	12,7	3,6	4,6	0,5	0,0	
Хоразм	18,5	9,3	23,7	26,8	14,4	5,2	2,1	0,0	0,6	
Бутиг республика бўйича	14,3	12,4	25,0	23,6	12,3	6,5	4,9	0,4	0,6	

Кўриниб турибдики, Бухоро (28,9%) ва Тошкент (24,3%) вилоятлари аҳолиси уларнинг оиласида фарзанд йўқлигини бошқа минтақаларга нисбатан кўпроқ қайд этди. Кўпроқ


Тошкент (25,7%), Андижон (21,0%) ва Жиззах (19,4%) вилоятлари респондентлари оиласи бир фарзанддан иборатлигини қайд этди. Кўпроқ Самарқанд (4 фарзанд – 22,6%, 6 фарзанд – 10,8%), Сирдарё (4 фарзанд – 21,7%), Наманган (6 бола – 11,3%) вилоятлари аҳолиси кўпфарзандли бўлиб чиқди.

Ҳозирги Ўзбекистон оилаларида аҳолининг янги репродуктив дастурлари ўз аксини топмоқда, улар ўтган асрнинг 60-70-йиллари дастурларидан тубдан фарқ қиласди.

Ўтган йилларнинг социологик сўровларида XX асрнинг 80-йиллари бошига қадар «Оилада нечта фарзанд бўлиши керак?» деган саволга туб аҳоли одатда қуийдагича баҳо берарди: «Қанча кўп бўлса, шунча яхши». «Нечта фарзандли бўлмоқчисиз?» деган саволга мутлақ кўпчилик «Худо қанча берса, шунча деб жавоб берарди».

Бугун бундай жавоблар деярли йўқ. Оилада маълум микдорда фарзанд кўриш бўйича репродуктив дастурлар ва аниқ истаклар кескин камайди. Оилада хоҳланган фарзандлар сони тўғрисида респондентлар берган жавоб натижалари шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нуқтаи назаридан 6-расмда келтирилган.

**6-расм. Яшаш жойига қараб «Оилада нечта фарзанд бўлгани яхши?» деган саволга берилган жавоблар тақсимланиши, %**



Кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ аҳолиси ўз оиласарида асосан иккита, учта ва тўртта фарзанд бўлишини хоҳлайди. Хусусан, шаҳарликларнинг 31,7 фоизи ва қишлоқ аҳолисининг 20,3 фоизи иккита, тегишили равишда 30,5 фоизи ва 23,8 фоизи учта, 23,4 фоизи ва 37,6 фоизи тўртта фарзанд кўришни хоҳлайди.

Бундай жавоблар республиканинг барча минтақалари, эркаклар ва аёллар учун хосдир. Ёш бўйича ушбу масалани кўриб чиқишида муайян тафовутлар мавжуд (4-жадвал).

Хусусан, ўрта ёшли ва ёш респондентларга нисбатан катта ёшдаги респондентлар оиласида беш ёки ундан кўпроқ фарзанд бўлишини билдириди. Бироқ бундай респондентларнинг жавоблари, аниқроғи, уларда тегишили миқдорда фарзанд борлигини тасдиқлашини таъкидлаб ўтиш зарур.

Сўраб чиқилган эркакларнинг 10,9 фоизи ва аёлларнинг 11,5 фоизи, 16–20 ёшли респондентларнинг 6,2 фоизи, 21–24 ёшли респондентларнинг 5,2 фоизи ва 25–29 ёшли респондентларнинг 4,3 фоизи бешта ва ундан кўпроқ фарзанд кўришни хоҳлашини билдириди.


Респондентларнинг миллати, маълумоти ва моддий ҳолати нуқтаи назаридан ушбу саволга берилган жавобларни кўриб чиқишида ҳам шунга ўхшаш манзара юзага келади. Бироқ, славян миллати вакиллари (8,7%) жуда камдан-кам ҳолатларда ҳатто тўртта фарзандли бўлишни ҳам хоҳлашмайди, тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли шахслар бошқалардан кўра кўпроқ бешта (11,6%) ва олтига (11,6%) фарзандли бўлишни хоҳлашини билдириди.

Ўзбекистон аҳолисида оиласида хоҳланган фарзандлар сони асосан улар режалаштирган фарзандлар сонига мувофиқ келади. Респондентларнинг нечта фарзанд кўрмоқчи эканлиги тўғрисидаги фикри 7-расмда келтирилган.

Ёши, миллати, маълумотига қараб «Оилада нечта фарзанд бўлиши керак?»  
деган саволга респондентлар томонидан берилган жавоблар тақсимланиши, %

Болалар сони	Ёши							Миллати					Маълумоти				Жами
	16–20	21–24	25–29	30–39	40–49	50–59	60 ва старше	Ўзбек лар	коракал поклар	МО халқлари	Славян лар	бошка миллат лар	тўлик бўлмаган ўрта	ўрта	ўрта маҳсус	олий	
Бирорта ҳам	1,2	0,5	–	0,7	0,2	–	0,7	0,6	0,1	0,1	–	0,1	0,9	0,6	0,3	–	0,5
Битта	5,6	3,4	3,2	3,2	2,0	3,9	10,1	3,8	1,3	3,0	8,7	–	3,2	3,6	4,9	2,5	3,7
Иккита	29,6	37,3	32,6	29,6	16,1	19,0	12,2	23,3	26,9	20,9	52,2	43,2	20,0	20,6	26,9	30,0	24,5
Учта	27,2	23,7	28,9	27,8	27,9	22,9	20,1	25,2	41,0	32,8	21,7	32,4	20,0	27,5	26,0	25,7	26,3
Тўртта	26,5	26,6	30,5	33,5	41,8	27,3	22,3	33,8	25,6	26,9	8,7	21,6	27,4	34,9	32,2	28,8	32,3
Бешта	4,3	5,1	4,3	2,7	9,4	16,5	10,8	7,7	3,8	7,5	8,7	–	11,6	7,9	5,3	8,1	7,4
Бештадан ортиқ	1,9	1,1	–	2,5	2,2	7,4	18,7	4,1	–	6,0	–	2,7	11,6	4,0	3,5	2,3	3,8
Худо канч берса шунча	1,2	–	–	–	0,2	2,6	2,2	0,7	–	1,5	–	–	4,2	0,4	–	1,3	0,7
Жавоб беришга қийналаман	2,5	2,3	0,5	–	0,2	0,4	2,9	0,8	1,3	1,5	–	–	1,1	0,5	0,9	1,3	0,8
Жами	9,0	9,9	10,4	24,5	25,6	12,9	7,7	87,3	4,3	3,7	2,6	2,1	5,3	42,3	30,5	21,9	100,0

7-расм. «Нечта фарзанд күрмөкчисиз?»  
деган саволга берилган жавобларнинг тақсимланиши, %



Кўриниб турибдики, сўровнинг деярли ҳар тўртинчи иштироқчиси фарзандлари борлиги туфайли бошқа фарзандли бўлмоқчи эмас. Кейинги ўринларда, иккита (21,5%), учта (21,2%) ёки тўртта (19,1%) фарзандли бўлишни хоҳлаган респондентлар сони камайиб бормоқда.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, эркаклар ва аёллар ўртасида ҳамда ёшлар бўйича оиласда маълум нафар фарзанд кўриш истакларида жиддий тафовутлар кузатилмади.

Ижтимоий нуқтаи назардан, кўпроқ дехқонлар (11,0%) ва фермерлар (13,6%) (ўртача республика бўйича 5,0%) кўп фарзандли (оиласда беш фарзанд), кўп болали оиласда таълим олувчиilar ва талабалар (36,3%, ўртача республика бўйлаб 21,5%) икки фарзандли оила қуриш истагини билдири.

Репродуктив дастурлардаги тафовутлар айниқса таълим нуқтаи назаридан диққатга сазовор бўлиб, улар 5-жадвалда кўрсатилган.

Кўпроқ тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли респондентлар (16,8%), ўрта маълумотли респондентлар (15,9%), ўрта-махсус маълумотли респондентлар (26,5%), олий маълумотли респондентлар (26,5%) икки фарзандли бўлиш истагини билдири. Тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли (28,4%), ўрта маълумотли (20,7%), ўрта маҳсус маълумотли (18,3%), олий маълумотли (15,0%) респондентлар тўрт фарзандли бўлиш истагини билдири.

**5-жадвал**

**Маълумотига «Нечта фарзандли бўлмоқчисиз?»  
деган саволга берилган жавобларнинг тақсимланиши, %**

Болалар сони	Маълумоти				Жами
	Тўлиқ бўлмаган ўрга	Ўрта	Ўрта махсус	Олий	
Бирорта хам	1,1	0,5	0,4	0,5	0,5
Битта	1,1	7,2	5,1	4,3	5,6
Иккита	16,8	15,9	26,5	26,5	21,5
Учта	18,9	22,5	21,6	18,6	21,2
Тўртта	28,4	20,7	18,3	15,0	19,1
Бешта	4,2	3,3	5,7	7,6	5,0
Бештадан ортиқ	7,4	2,6	1,6	1,8	2,4
Худо канча берса, шунча	1,1	0,4	0,2	2,0	0,7
Жавоб беришга кийналаман	1,1	0,5	1,3	1,3	0,9
Бошка фарзандли бўлмоқчимасман, етарлича фарзандларим бор	19,9	26,4	19,3	22,4	23,1
Жами	5,3	42,3	30,5	21,9	100,0

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, оиласдаги фарзандлар сони, биринчи навбатда, ота-оналарнинг саломатлиги ва имкониятларига қараб ва боланинг соғлом камол топиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган ҳолда ота-оналар томонидан аниқланishi керак.<sup>1</sup>

Сўровда иштирок этган респондентларнинг ярмидан кўпи (59,8%) улар оиласда фарзандлар сонини режалаштирмаётганини билдириди, қолган респондентлар (40,2%) ўз оиласарида фарзандлар сонини режалаштираётганини қайд этди. Бунда маълумотига қараб, бу масалада муайян тафовутлар аниқланди, бу эса қуидаги жадвалда келтирилган.

**6-жадвал**


**Респондентларнинг маълумотига қараб «Оиласдаги фарзандлар сонини режалаштирасизми?» деган саволга респондентлар берган жавобларнинг тақсимланиши, %**

Жавоблар	Маълумоти			
	Тўлиқ бўлмаган ўрга	Ўрта	Ўрта махсус	Олий
Ха	27,4	42,3	41,5	37,7
Йўқ	72,6	57,7	58,5	62,3
Жами	5,3	42,3	30,5	21,9

<sup>1</sup> И. Каримов. Соғлом авлодни тарбиялаш – ҳар биримизнинг мукаддас бурчимиздир // Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот-хизмати.

Социологик сўров Ўзбекистон аҳолисининг янги репродуктив дастурларини ҳосил қилувчи асосий омилларни аниқлаш имконини берди (8-расмга қаранг).

**8-расм. Ўзбекистонликлар оиласарида фарзандлар сонини белгилаб берувчи омиллар, %**



Биринчи навбатда, оиласининг иқтисодий ҳолати, эр-хотинлар саломатлилиги ва уларнинг дунёқарашибари, миллий ва маҳаллий урф-одатларнинг ўзига хос жиҳатлари, оиласадаги рухий муҳит ва диний дунёқарашибар (59,4%) оиласада фарзандлар сонини режалаштиришнинг асосий сабаби эканлиги кўриниб турибди. Бу оиласада фарзандлар сонини режалаштиришни хоҳлаганлар ўртасида ўз фарзандларини оёққа турғазишини ва уларнинг камол топиши учун мақбул шарт-шароитлар яратиб беришни хоҳлашидан дарак беради, бу кўп жиҳатдан ҳам оиласининг иқтисодий ҳолати, ҳам эр-хотинлар саломатлилиги билан ифодаланади. Бунда қишлоқ аҳолисига нисбатан (55,4%) шаҳарликлар (66,5%), аёлларга (56,5%) нисбатан эркаклар (62,2%) оиласининг иқтисодий ҳолатига каттароқ эътибор беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳолиси репродуктив дастурларининг жиддий ўзгариши натижасида кўп фарзандлиликдан ўртача фарзандлиликка ўтилди. Бугун қишлоқ аҳолиси оиласада 3–4 фарзандли бўлишни, шаҳар аҳолиси 2–3 фарзандли бўлишни хоҳлади. Мехнат билан банд бўлиш учун

зарур шарт-шароитлар яратиш ва республиканинг ҳар бир минтақасида янги иш ўринларини яратиш асосида ёш оиласар учун барқарор даромад манбаларини яратиб бериш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиш, ўз ишини ташкил этиш учун ёш оиласарга микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, йирик қорамалларни имтиёзли шартларда сотиш, ёш оиласарни қўллаб-куватлаш Ўзбекистондаги оила сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Шу муносабат билан 2007 йилда эълон қилинган мамлакат Президенти Фармони<sup>1</sup> катта роль ўйнайди, унинг қоидаларининг амалга оширилиши Ўзбекистон жамиятида ёш оила ҳолатини сезиларли даражада яхшилади.

Хусусан, Фармонда қуйидагилар назарда тутилган:

- ёш оиласарга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй ҳўжалигини йўлга қўйишида уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш;
- ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оиласарга амалий ёрдам бериш, уларга сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий, ахборот, маслаҳат ва бошқа, жумладан болалар соғлигини сақлаш ва тарбиялашни таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- ёш оиласарни маънавий қўллаб-куватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун ғурур ва масъулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий қадриялари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оиласар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўtkазишда кўшимча моддий ёрдам кўрсатиш;
- республикамизнинг ҳар бир худудида янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оиласарни моддий ва маънавий қўллаб-куватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 19 майдаги 3878-сон Фармони. Ҳар бирининг ёши 30 дан ошмаган илк марта никоҳ қурган эр-хотинлар ёш оиласарга киритилади.

қилиш, ёш оиласарга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равища қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оиласарнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратиш.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ёш оиласарни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаш кучайтирилмоқда, меҳнат фаолиятини бошлашда ва мустақил ҳаётга киришда уларга зарур ёрдам кўрсатилмоқда, барқарор даромад манбаларини ҳосил қилиш ҳамда уларнинг ҳаёт ва турмуш шарт-шароитларини яхшилашнинг самарали рағбатлари ва механизmlари яратилмоқда.

Ўзбекистоннинг оиласавий сиёсати доирасида оиласанинг моддий ҳолатини яхшилаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да оиласавий бизнесни тез ва кенг ривожлантириш назарда тутилган. Бизнесни ташкил этишнинг бу шакли мамлакатимизда юзага келган хусусий тадбиркорликни юритиш миллий анъаналарига тўлиқ мос келади ҳамда аҳолининг иш билан таъминланганлигини ошириш ва оиласанинг моддий шарт-шароитларини жиддий яхшилашга кўмаклашади.

«Ижтимоий фикр»<sup>1</sup> маркази томонидан ўтказилган социологик сўров Ўзбекистондаги оиласавий бизнес охирги вактда тез суръатларда ривожланиш босқичида эканини кўрсатди. «Оиласанинг оиласавий бизнеси борми?» деган саволга деярли ҳар тўртингчи респондент (22,5%) ижобий жавоб берди.

Ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ аҳолисидан шунга ўхшаш жавоблар олинди. Жумладан, шаҳарликларнинг 22,6 фоизи ва қишлоқ

<sup>1</sup> 2011 йил февраль ойида Тошкент шаҳрида, Коракалпогистон Республикасида ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларida ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб 1100 респондент сўраб чиқиди, шу жумладан уларнинг 51,7 фоизи – шаҳарликлар ва 48,3 фоизи – қишлоқ аҳолиси, 48,2 фоизи – эркаклар ва 51,8 фоизи – айлар. Ёш бўйича респондентлар таркиби: 18–19 ёш – 7,3%, 20–29 ёш – 25,7%, 30 – 39 ёш – 25,5%, 40 – 49 ёш – 17,7%, 50 – 59 ёш – 13,4%, 60 – 69 ёш – 6,4% ва 70 ёш ва ундан катта ёшдагилар – 4,0%; маълумоти бўйича: тўлиқ бўлмаган ўрта – 5,9%, ўрта – 36,0%, ўрта маҳсус – 16,7%, ўрта техник – 22,7%, тугалланмаган олий – 3,3% ва олий – 15,4%.

аҳолисининг 22,3 фоизи оилавий бизнес билан шуғулланади.

Республикада оилавий бизнеснинг қайси соҳаси ривожланганини билиш учун оилавий бизнес билан шуғулланадиган респондентларга қўйидагича савол берилди: «Қандай оилавий бизнес билан шуғулланасиз?». Ушбу саволга респондентларнинг учдан бир қисми (35,6%) уларнинг оилавий бизнес соҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш деб жавоб берди. Кейинги ўринларда қўйидаги жавоблар берилди: кийим-кечак етказиб бериш ва у билан савдо қилиш – 17,0%; хунармандлик, кундалик товарларини ишлаб чиқиш – 12,1%; транспорт хизматлари кўрсатиш – 6,5%; сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 5,3%; гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 4,9% ва ҳоказолар (7-жадвалга қаранг).

#### 7-жадвал

«Қандай оилавий бизнес билан шуғулланасиз?»  
деган саволга берилган жавоблар тақсимланиши

Оилавий бизнес турлари	%
Хунармандчилик, кундалик товарларни ишлаб чиқариш	12,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқариш	35,6
Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш	5,3
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4,9
Умумий овқатланиши, ресторон бизнеси соҳасида	4,0
Транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида	6,5
Кийим-кечак етказиб бериш ва савдо қилиш	17,0
Тиббий хизматлари	0,4
Кийим, шунингдек одеяло, ёстиқ ва ҳоказолар тикиш	3,6
Ижтимоий-маший хизматлар	4,4
Жиҳоз билан савдо қилиш	2,0
Қишлоқ хўжалиги материаллари ишлаб чиқариш ва уларни сотиш	0,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, улар билан савдо қилиш	2,4
Айтишим кийин	0,8

Сўраб чиқилганларнинг кўпчилиги оилавий бизнес билан 3 йилдан 6 йилгача шуғулланиб келмоқда. Одатда, у оила бошликлари бўлган эркаклар томонидан асосланган. Одамларнинг оилавий бизнес билан шуғулланиш истагини

аниқлаш сўровнинг мухим вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун сўров вақтида ўз оилавий бизнесига эга бўлмаган респондентларга қуидагича савол берилди: «*Сиз ёки оила аъзоларингиз ошлавий бизнес очишни хоҳлайдими?*».

Сўров респондентларнинг учдан бир қисми ўз оилавий бизнесини очишни хоҳлашини кўрсатди. Ўз оилавий бизнесини очишни хоҳлаганлар учун қуидаги савол берилди: «*Қандай турдаги ошлавий бизнесни очмоқчисиз?*». Бу саволга қуидагича жавоблар олинди:

- умумий овқатланиш – 3,4%;
- ҳунармандчилик – 4,5%;
- савдо-сотик – 37,4%;
- фермерлик – 9,4%;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 9,4%;
- тиббиёт хизматлари – 1,1%;
- интернет-кафе – 2,3%;
- парранда фабрикаси, чорвачилик – 2,6%;
- хизматлар соҳаси – 7,2%;
- ижтимоий хизматлар – 1,1%;
- ипчакчилик (тикиш, ямаш, чеварчилик ва ҳоказо) – 5,3%;
- транспорт хизматлари – 0,4%;
- юридик хизматлар – 0,4%;
- репетиторлик – 0,4%;
- айтишим қийин – 15,1%.

Кўриниб турибдики, респондентлар кўпроқ савдо-сотик (37,4%), фермерлик (9,4%), озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (9,4%), хизматлар соҳаси (7,2%) каби соҳаларда бизнес очишни хоҳлайди.

Респондентларнинг ошлавий бизнес билан шуғулланиш истагини аниқлаш учун қуидаги савол берилди: «*Бир йил давомида ўз ошлавий бизнесингизни очишни режсалаштироқчимисиз?*». Ушбу саволга деярли ҳар иккинчи респондент (42,9%) ижобий жавоб берди.

Бир йил давомида ўз ошлавий бизнесини очмоқчи бўлган респондентларга қуидаги савол берилди: «*Ошлавий бизнес*

*очиш* учун Сизда қандай қийинчиликлар мавжуд?». Респондентларининг ҳозирги вақтдаги жавоблари қуйидагича:

- дастлабки капитал ва молиявий маблағларнинг етишмаслиги – 32,6%;
- оилавий бизнес тўғрисида ахборотнинг етишмаслиги, оилавий бизнес юритиш бўйича маслаҳатларнинг йўқлиги – 17,1%;
- зарур техника ва техник маблағларнинг йўқлиги – 15,1%;
- ишчи кучининг йўқлиги – 5,9%;
- иш жойининг йўқлиги – 8,5%;
- айтишим қийин – 6,3%.

Ўзбекистонда оилавий бизнесни янада жадалроқ суръатларда ривожлантириш учун давлат томонидан қонунчилик базаси яратилмоқда<sup>1</sup>, унинг асосида оилавий бизнесни ташкил этиш учун маҳаллий ҳокимият органлари, маҳалла қўмиталари томонидан қулай шарт-шароитлар таъминланади; оилавий бизнесни ташкил этишда банк кредити, лицензиялар ва сертификатлар олиш, шунингдек уларни зарур хоналар, техник воситалар билан таъминлаш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратилади; оилавий бизнес билан шуғулланиш кенгайтирилди, ишлаб чиқариш соҳаларида илфор технологияларнинг турлари оширилди; ўз оилавий бизнесини яратишни хоҳловчилар учун хусусий тадбиркорлик соҳасида доимий амалда бўлган курслар ташкил этилди.

Шундай қилиб, оилавий бизнесни ривожлантириш учун қонунчилик базасини яратиш оилавий бизнеснинг хукуқий кафолатларини ошириш имконини беради, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг тез ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринлари яратиш учун шарт-шароитлар яратади.

Умуман олганда Ўзбекистон оила сиёсатининг асосий қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳар бир ўзбекистонлик оиласининг моддий ҳолати ва маънавий-ахлоқий ҳолати мустаҳкамланишида ўз аксини топмоқда.

<sup>1</sup> Хусусан, «Оилавий бизнес тўғрисида»ги Қонун кабул килинган.

## **Иккинчи боб**

### **ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ МАҶНАВИЙ ВА ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Оила – бу жамиятнинг таянч устуни, унинг ҳал қилувчи бўғини. Оилаларнинг мустаҳкамлиги асосида жамият тинчлиги ва барқарорлиги тўғрисида холоса қилинади. Унга қараб тараққиётдан башорат қилиш мумкин.

Оила – кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, фуқаролик жамиятининг таянч нуқтасидир. Бу муқаддас масканда инсон дунёга келади, айнан мана шу ерда у маҷнавий ва ахлоқий жиҳатдан камол топади. Оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга қўтариш алоҳида аҳамият касб этади. Оила мустаҳкамлиги – бу жамият мустаҳкамлиги ва демак, давлат барқарорлигининг асосидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир”<sup>1</sup>.

Оила, аввало, жамиятдаги улкан ижтимоий куч, унинг асоси. Унинг негизида кечаги кунимиз тарихи, бугунимизнинг ойдин саҳифалари, эртанги кунимизга умид туғилади. Биз шу оила билан ҳар куни тонгда янгидан дунёга келамиз. Бу туғилиш бизни дунёга меҳр туйғуси билан қарашга ундейди. Чунки кўз ўнгимизда кечагина бешикни тебратиб, овутганларимиз – фарзандларимиз ўсмоқда.

Оила ҳар бир инсоннинг табиий-ҳиссий эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилади. Унинг ёзилган ва ёзилмаган ҳаётий қонунлари мавжуд. Улар асрлардан асрларга ўтиб, сайқалланиб, бойиб келмоқда. Она Ўзбекистонимизда ҳам оила ҳамиша муқаддас деб саналган. “2012 йил – Мустаҳкам оила йили” деб номланиши ҳам давлатимизда аёлларга, келажак авлодларга берилаётган эътиборнинг нишонасидир.

Оила, аввало, боланинг мурғак юрагига, нозик вужудига, рухига меҳр берувчи бўстондир. Бола бу меҳрни онасининг иссиқ бағридан, майнин овозидан, кўзларидан, оппоқ сутидан олади. Бу

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маҷнавият – енгилмас куч. – Т.: “Маҷнавият”, 2009 йил – 58-бет.

унинг ҳар бир томирига жондай кириб бораркан, кўзи ёруғликка, вужуди товушларга, рухи оромга интилади. Бола чиндан ҳам дақиқа сайин ўсади.

Маълумки, она сутининг таркибида ҳар хил тузлар, витаминалар, оқсиллар, гормонлар ва бошқа ўта фаол биомоддалар мавжуд. Улар шундай мутаносиблиқдаки, шу туфайли бу моддалар бола меъда-ичак тизимида бенуксон ва ўз қиёмига етган ҳолда ҳазм бўлади. Энг асосийси, она сути таркибида пролоктин гормони бор. Бу модда ҳомиладорлик бошланган пайтдан бошлаб, она организмида кўпая бошлайди ва бола тугилган пайтда энг кўп миқдорда бўлади. Худди шу ўта фаол модда она сути билан бирга бола организмига ўтади ва қиз боланинг келажакда она бўлишини таъминловчи асосий восита бўлиб хизмат қиласи. Она сутидан пролоктин орқали ўғил болага жасурлик, мардлик, куч ва чаққонлик каби сифатлар берилади. Она сути билан болани тўйидириш орқали қатор вазифалар амалга оширилади. Бола тўлик овқатлантирилади, соғлиги таъминланади, тинч ухлайди.

Боланинг рухан ва жисмонан соғлом ўсишида ота-онанинг ўз бурчи ва вазифаларига садоқат, фидойилик билан ёндашишлари жуда муҳим. Улар боланинг нафас олишидан тортиб, ҳар бир ҳаракатига қизиқишлари, назорат қилиб туришлари, ҳар бир ишни сидқидилдан бажаришлари олдинга қўйилган мақсадга олиб келади. Шундагина ўсаётган боланинг жисми ва руҳида соғлом уйғунлик вужудга келади.

Бу ўринда оилада ота-онанинг бир-бирига самимий ва илиқ муносабатлари, ҳурмати ва иззати, бири-бирини тушунишлари катта аҳамият ва асос касб этади. Яъни меҳр бор жойда ҳаёт гуллайди. Бола тугилган кунидан бошлаб, худди шу жойда – оилада яшайди. Оилага хос қадрияллар, анъаналар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантириб боради. Энг муҳими, оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабарини англайди, хис этади.

Оила, энг аввало, болага тил ўргатувчи илк макон ҳисобланади. Бола шу ерда ўз она тилининг аллага йўғрилган оҳангларини, жозибасини беихтиёр руҳига, жисмига, юрагига жойлаб боради, у ота-онанинг кўз қарашида, сўзлашида, ҳаракатларида тилнинг кудратини кўриб улғаяди. Тил орқали ўзини таниб, ўзини танита боради. Шу боисдан ҳам бола тарбиясида тилни ўрганиб бориш энг муҳим ҳаёт қонунига

киради. Ота ва она ҳар бир сўзни болага аник, тўғри, содда, тушунарли қилиб, эркаловчи оҳангларда етказа олиши зарур. Ота-она боланинг биринчи муаллимидир дейилишида жон бор. Айнан шу оила мактаби жамиятнинг барқарорлиги, тинчлиги, тараққиётини таъминлайди. Бунинг асосида оиласида муносабатлар маданияти мухим ўрин эгаллайди. Бу ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият ривожи билан узвий боғлиқ ҳолда такомиллашиб боради. Бунда никоҳ тузиш, фарзанд кўриш, уларни тарбиялаш маданий тус ола бошлайди. Бу маданийлик замирида ота-онанинг бир-бирига, ота-онанинг болага, ўз навбатида, боланинг ота-онага муносабатлари шаклланади.

Оиласида, аввало, болага тарбия ва илм бериш орқали маданий-маънавий қадриятлар сингдириб борилади. Соғломлаштириш, оиласида, жамоатчилик орасида ўзини тутиш, кийиниш, овқатланиш одоблари ўргатилади. Бу масалада бола энг биринчи ибратни оиласдан, ота-онасидан олади. Уларнинг бир-бирига муомалалари, кийиниши ва овқатланиши, ҳатто қандай таомни хуш кўриши, сўзалашиш маданиятига эътибор беради, улардан андаза олади. Бола буларни ўзини англаган вақтдан бошлаб кузата бошлайди, бу кузатишларини уйдан ташқарига чиққач, кўчада, боғчада, мактабда кўрганлари, эшитганлари билан таққослайди, хулосалар ясади. Худди шу паллада оиласида самимий муносабатлар иқлимини сезса, ота-онанинг, аввало, бири-бирига, шунинг баробарида, болалари ва атрофдагиларга ўз ҳурматини сақлаган ҳолда, иззат кўрсатса, болани айнан шу фазилатлар бойитиб боради. Бу қадриятлар ҳаёт каби ҳамиша қадим ва навқиронлигини, ўзи ҳам ўзидан кейинги авлодларга қолдириш лозимлигини ҳис этиб, англаб ўсади.

Оиласида, аввало, ёш авлод оиласида ҳаётга тайёрлана бошлайди. Бу ота-она олдидағи ўта масъулиятли, ёшлар тарбиясида ахлоқий, жисмоний, маънавий, жинсий тарбияни ўзида мужассамлаштирувчи вазифа. Бу вазифа шуниси билан мураккабки, бир оила иккинчисига ўхшамайди. Чунки ҳар бир инсон ўзига хос дунё. Ҳар ким ўзидан келиб чиқкан ҳолда оиласида янги оиласида вужудга келтиради.

Оила деб аталмиш кўрғонда авлодлар камол топади. Шунинг учун бу кўрғоннинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига эришиш нафақат маълум бир мамлакат доирасида, балки дунё

микёсида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, масалага эътибор бериладиган бўлса, дунёдаги йирик ва нуфузли халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан эътиборан ҳар иили 15 майни *Халқаро оила* куни сифатида нишонлашга қарор қилгани таҳсинга лойикдир.

1948 йил 10 декабрда Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 217A(III) резолюцияси билан қабул қилинган “Инсон хукуқлари умумжаҳон Декларацияси”<sup>1</sup> 16-моддасининг 3-қисмида “Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳакли” деб белгиланган<sup>2</sup>.

Оила – бу давлат ичра кичик бир давлат, жамият ичра кичик бир жамиятдир. Унинг ҳам ёзилган нормаю қоидалари ва ёзилмаган тартибу интизомлари бор. Унга қараб жамият барқарорлиги ва тинчлиги тўғрисида хулоса қиладилар. Унга қараб тараққиётдан башорат қиладилар. Унга қараб ривожланишни белгилайдилар. Оила – кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик хужайраси, ижтимоий-маданий организм. Оила – кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, уй-рӯзгорни бошқариш), хуқуқий (масалан, никоҳни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи – ФҲДЁда рўйхатга олиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғуси ва шу кабилар) муносабатларига асосланадиган бирлик. Демак, оила кишиларнинг табиий, иқтисодий, хуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир.

<sup>1</sup> «Декларация» сўзи французча *declaration* – «баёнот» деган маънони билдиради. Декларация – алоҳида сиёсий-хукукий хужжатларнинг уларга тантанали хусусият бериш, уларнинг давлат микёсидаги аҳамиятини таъкидлаш мазмунига эга бўлган номи.

<sup>2</sup> Ўзбекистон “Инсон хукуқлари умумжаҳон Декларацияси”га 1991 йилнинг 30 сентябрида кўшилган. Мазкур халқаро хужжат мустакилликка эришган Ўзбекистон Республикаси кўшилган биринчи халқаро хужжат ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Конституциясида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг “инсон хукукларига ва давлат суверенитети гояларига содиклигини” (“Муқаддима”дан) тасдиқлайди. “Инсон хукуклари умумжаҳон Декларацияси”нинг ўзбекча матнни бўйича каранг: Инсон хукуклари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрнинг масъуль мухаррири А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2004; Сирожов Ф. Инсон хукуклари умумжаҳон декларациясига шархлар. – Т.: «Адолат», 1999; Инсон хукуклари тўғрисида халқаро билль. – Т.: «Адолат», 1992.

Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оиласи мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиизга айланишини истардим”, дея алоҳида таъкидлаган эди. Бу бежиз эмас. Чунки оила жамиятнинг пойдеворидир. У қанчалик соғлом, файзу баракали бўлса, жамият ҳам шу қадар мустаҳкам, қудратли бўлади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг 1 январь холатига Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси сони 29559,1 минг кишини ташкил этди ва 2011 йилнинг 1 январига нисбатан 435,7 минг кишига кўпайди. 2011 йилда туғилганлар сони 626,9 минг кишини, ўлганлар сони 144,6 минг кишини ташкил этди. Республика аҳолисининг 51 фоизи (15069,6 минг киши) шаҳар жойларда, 49 фоизи (14489,5 минг киши) қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. 2012 йилга мўлжалланган режаларда давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми, аввало соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда “Бизнинг йўлимин – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” мавзусида маъруза қилди. Унда Президентимиз мамлакатимизда 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилди. Бунинг негизида юртимизда оила институтини, аввало, ёш оиласларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, муҳтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам. Ҳақли савол туғилади: ҳар қайси йилга ном беришдан мақсад нима? Бундан кўзда тутилган асосий мақсад – бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган,

эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сон қарори билан “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури қабул қилинди. Давлат дастурида 8 та устувор йўналиш белгилаб берилди.

1. Бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик норматив-хукукий базани янада такомиллаштириш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш.

2. Ёш оиласарга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни хукуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан ёш оиласарни кенг кўламда кўллаб-кувватлаш, шу жумладан қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш.

3. Жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оиласарни кўллаб-кувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оиласарга зарур кўмак ва ёрдам бериш.

4. Оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оиласарнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий кўллаб-кувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оиласи мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш.

5. “Софлом она – соғлом фарзанд” тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш.

6. Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий мухитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва

кучайиб бораётган турли хил заарли таъсирларга қарши туришда оиласнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш.

7. Жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиласнинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлиги механизмини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

8. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури мақсад ва вазифалари ҳамда уни амалга оширишнинг бориши тўғрисида кенг ахборот-тушинтириш ишларини ташкил этиш.

Оиласнинг таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорлиги, яъни мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус қасб-хунар таълими муассасалари (лицей ва коллежлар), олий ўкув юртлари билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари Давлат дастуридан муҳим ўрин эгаллаган. Чунки ҳалқимиз орасида қарор топган азалий қадриятларни асраб-авайлашда, маънавий ҳаётни юксалтиришда, жамиятда инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, бизнинг миллий табиатимиз ва урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай заарли, бузғунчи ғоялар ва таъсирларга қарши туришда оила ва таълим-тарбия муассасалари мустаҳкам таянч вазифасини ўтайди.

Маълумки, 1998 йил ҳам мамлакатимизда “Оила йили” деб эълон қилинди. Республикаимизда “Оила” илмий-амалий маркази ташкил этилди. Мамлакатимизда оила манфаатларига қаратилган амалий тадбирларнинг мантикий давоми сифатида “Аёллар йили” (1999 йил), “Соғлом авлод йили” (2000 йил), “Она ва бола йили” (2001 йил), “Қарияларни қадрлаш йили” (2002 йил), “Обод маҳалла йили” (2003 йил), “Мехр-муруват йили” (2004 йил), “Сиҳат-саломатлик йили” (2005 йил), “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” (2006 йил), “Ижтимоий ҳимоя йили” (2007 йил), “Ёшлар йили” (2008 йил), “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” (2009 йил), “Баркамол авлод йили” (2010 йил) деб эълон қилинди. Масалан, 11 та йўналишни ўз ичига

қамраб олган “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг 2-йўналиши “Она ва болаларни репродуктив саломатлиги муҳофазаси тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини кучайтириш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш” деб номланган бўлиб, унда оналар, болалар ва ўсмирларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, уларга шарт-шароитлар яратиш мақсадида оналар ва ўсиб келаётган авлод учун репродуктив тиббий ёрдам сифатини янада ривожлантириш, қишлоқ худудларида бўлажак оналар учун бепул тиббий хизмат кўрсатиши янада такомиллаштириш, республикамиздаги кўпгина тиббий хизмат муассасаларини қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш, барпо этилган тиббий масканларни замонавий тиббиёт жиҳозлари ва мебеллари билан таъминлаш, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, болалар боғчаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ишларини олиб бориш кўзда тутилган эди.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг “Ёш оиласарга ғамхўрликни кучайтириш ва уларни ҳукуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда соғлом ва мустаҳкам оиласи барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиш” деб номланган 9-йўналишида эса ёш оиласарга нисбатан ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳукуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оиласарни шакллантириш мақсадида ҳокимликлар ёш оиласарга уй-жойлар харид қилиш учун кредитлар бериш, худудларда 32 та хонадонни ёш оиласарга кейинчалик харид қилиш шарти билан ижарага бериш, 42 та баҳт уйларини қуриш ва қайта таъмирлаш, ёш ва кам таъминланган оиласарга ҳар ойда моддий ёрдамларни амалга оширишда кўмаклашиш белгиланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, “оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаллас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон

бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор”<sup>1</sup>.

Оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллаларнинг ўрни юксайдир. Чунки фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бири – маҳалла оилалардан иборат. Маҳалла – бу шарқона “демократия дарсхонаси”. Ўзбекистонда фуқаролар йигинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларнинг сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. “Маҳалла” сўзи арабча “маҳал” сўзидан олинган бўлиб “истиқомат қиласидиган жой”, “худуд” маъноларини билдиради.

Тарихчи олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий “Бухоро тарихи” асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла ҳалқ бошқаруви бўлганини ёзган эди. “Маҳалла” атамасига Маҳмуд Кошгариининг “Девону луғатит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”<sup>2</sup> асарларида ҳам изоҳ берилган. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки маъмурӣ-худудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” асарида қуйидаги сатрлар учрайди<sup>3</sup>:

*Топгали таъйини маҳаллот<sup>4</sup> баҳр,  
Аҳли маҳаллот ойириб, шаҳр-шаҳр.  
Шаҳрлар отини маҳаллот эгиб,  
Бўлди чу юз шаҳр Ҳири от этиб<sup>5</sup>.*

<sup>1</sup> Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллият фаровонлиги. / Ҳавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 400-бет.

<sup>2</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим»). Сўзбоши муаллифи Б.Тўхлиев; Рассом Ш.Муҳаммаджонов. – Т.: Юлдузча, 1989. – 83-бет.

<sup>3</sup> Навоий А. Ҳайратул-аброр [Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошк.; Сўзбоши муаллифи А.Ҳайтметов; Масъул мухаррир: В.Рахмонов]. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 187-бет.

<sup>4</sup> «Маҳаллот» – «маҳалла» сўзининг кўплиги бўлиб, «маҳаллалар» маъносини беради. Қаранг: «Бобурнома» учун қисқаси изоҳи луғат/Гузувчи Фатҳиддин Исҳоқов./– Андикон: «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ, 2008. – 94-бет.

<sup>5</sup> Майноси: «Маҳаллалар тайинли бўлиши учун маҳалла ахлари шаҳар-шаҳарга бўлинган. Бу маҳаллаларга шаҳарларнинг оти берилган; шунинг учун Ҳиротда юзта шаҳарнинг номи бор». Насрий матн ушбу манбадан олинди: Навоий А. Ҳайратул-аброр [Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошк.; Сўзбоши муаллифи А.Ҳайтметов; Масъул мухаррир: В.Рахмонов]. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 332-бет.

Маҳалланинг “жой” деган мазмуни юқоридаги ташбехдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳирот шахри юзта кичик “шაҳарча” – маҳаллалардан ташкил топган экан.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришганидан сўнг маҳалла фаолиятининг хукукий асослари яратилди. Бунда маҳаллалар ҳаёти билан боғлик кўп масалалар билан бир каторда маҳалла оқсоқолини сайлаш тартиблари ишлаб чиқилди.

Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юргимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда<sup>1</sup>. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урфодатлари, анъана ва қадриятларини сақлаб қолиш, одамларни жипслаштириш, улар ўргасида меҳр-оқибат туйғуларини кучайтириш омили сифатида майдонга чиқаётганини яққол кўриб турибмиз.

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олингани билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эга. Мустақиллик йиллари мобайнида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан қучли жамиятга ўтиш борасидаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликларидир.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда, қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

<sup>1</sup> Масалан, Тошкентда XVIII асрда 150 та маҳалла ташкил топган бўлса, XIX асрда уларнинг сони 200 тага етган, XX аср бошларида эса 250 та маҳалла бор эди. Қаранг: Қораев С. Тошкент топонимлари./Масъул мухаррир А.Р.Мухаммаджонов./– Т.: «Фан», 1991. – 32-бет.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва огуллар, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва огуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йигинлари (бундан буён матнда фуқаролар йигини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларири.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимиға кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунасадаги мухрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак.

Маҳалла деганимизда, авваламбор, муқаддас урфодатларимизни сақлайдиган ва ривожлантирадиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидағи кўламининг кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамоилилар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда. Мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келибгина ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалланинг мақомини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатимизда шаҳарча, қишлоқ, огул ва маҳалла фуқаролар йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олди. Жумладан, мустақиллик даврида юртимизда 10 мингдан кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йигинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида

қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олди.

Ўзбекистон хукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Бугун юртимиизда оила институтини мустаҳкамлаш, янада такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун хужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш вазифаси бош устувор мақсад сифатида қаралмоқда. Хусусан, ёш оиласарни қўллаб-кувватлаш, улардан туғилажак зурриёдларни жисмонан соғлом, ақлан етук қилиб дунёга келтириш масъулияти бугун барчамизнинг олдимизда турган улкан вазифалардан биридир. Бу буюк мақсадга эришиш йўлида жамиятнинг асосий бўгини бўлган оила муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда оила институтиининг ривожланиши ва жамиятимизда оиласининг камол топиши йўлида асос бўладиган мустаҳкам қонунчилик тизими яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида айни шу масалага бағищланган маҳсус боб мавжуд. Бу Ўзбекистон Конституциясининг XIV боби бўлиб, у “Оила” деб номланган. Мазкур боб 4 та – 63-66-моддаларни ўз ичига олади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида қуйидаги фоят муҳим юридик норма белгилаб кўйилган: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хукуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг хукуқлилигига асосланади”.

Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда давлатнинг

<sup>1</sup> 1978 йилнинг 19 апрелида қабул килинган Ўзбекистон ССРнинг Конституциясида оила масаласига факат битта-51-модда бағищланган эди. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул килинган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса никоҳ ва оила масалаларига тўртта модданинг бағищланиши давлат томонидан оиласа канчалик эътибор қартилганлигини кўрсатади. Конституцияга эга бўлган давлатларнинг барчасида Конституция мамлакатнинг бош – Асосий Қонуни саналиб, унда давлат ва жамият хаётининг ўта муҳим масалалари тартибига солинади, бошка хеч бир норматив-хукукий хужжатнинг унга зид келиши мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб кўйилади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16-моддасининг 2-кисми мазмунида).

болаларга нисбатан ғамхўрлиги тартибга солинган: “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаши ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишлиланган хайрия фаолиятларни рагбатлантиради”. Оила аъзоларининг ўз хуқуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ўзбекистон Конституциясининг 65-моддасида шундай дейилади: “Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза килинади”. Ўзбекистон Конституциясининг 66-моддасида эса ушбу норма белгилаб қўйилган:

“Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”.

Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишида никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий хуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оиласида болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг хуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, хуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашишга йўл қўйилмайди.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг хуқуқлари факат қонунга асосан ва факат оиладаги бошқа аъзоларининг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, қадр-қиммати, соғлиғи, хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган

манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёрдагина чекланиши мумкин.

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эрхотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.



Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда давлатнинг болаларга нисбатан ғамхўрлиги тартибга солинган:

“Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбуурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишлиланган хайрия фаолиятларни рағбатлантириди”.

Оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир маҳсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-куватлаш йўли билан таъминланади.

Никоҳ ва оиласи муносабатларни ҳуқукий тартибга солувчи асосий манбалардан бири – бу Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидир. Оила кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан қабул қилинди ва ўша йилнинг 1 сентябридан эътиборан кучга киритилди. Мазкур Оила кодекси ўз номи ва мазмун-моҳияти жиҳатидан 1969 йил 6 июнда қабул қилинган

Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексидан тубдан фарқ қиласди. Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодекси 1968 йилнинг 27 июнида қабул қилинган “СССР ва иттифоқдош республикаларнинг Никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларини тасдиқлаш ҳақида”ги сабиқ СССРнинг Конуни асосида яратилган бўлиб, унда белгиланган юридик нормалар Асосларда назарда тутилган нормаларга мувофиқ бўлиши, зид келмаслиги талаб этиларди. Шу сабабли сабиқ Иттифоқдаги республикалар ахолисининг ўзига хос урф-одатлари, маҳаллий ва миллий хусусиятлари эътиборга олинмаган ва ҳамма учун бир хил шакл ҳамда мазмунга эга бўлган қоидалар жорий этилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча масалаларда, шу жумладан ҳуқуқ тизимида ҳам тобеликдан воз кечилди. Қонунлар Ўзбекистон шароити ва жамият талблари ҳамда эҳтиёжлари асосида, шу билан бир қаторда қарор топган тарихий ва миллий анъаналарни инобатга олган ҳолда янгича асосларда қабул қилинадиган бўлди. Ўзбекистоннинг Оила кодекси ҳам ана шундай қонунлардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва оила тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва хурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги хисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймаслиқдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўскинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Никоҳ ФХДЁ органларида тузилади. Никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органлари томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда никоҳни қайд этиш касалхона ёки уйда амалга оширилади. Никоҳни қайд этиш тантанали вазиятда амалга оширилиши мумкин. Никоҳланувчилар ФХДЁга никоҳ қайд этилишидан бир ой илгари никоҳга кириш тўғрисида ариза берадилар. Никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чогида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, илгари никоҳда бўлган шахслар эса,

аввалги никоҳ тугатилғанлиги ҳақидаги хужжатларни ҳам тақдим этиши лозим.

Никоҳ тузилғанлиги қайд этилганидан кейин никоҳ тузилғанлиги түғрисида гувохнома берилади. Шу билан бир вактда шахсни тасдиқловчи хужжатларга никоҳ қайд этилғанлиги түғрисида белги қўйилади.

Никоҳ тузиш вактида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади. Никоҳланувчи шахслар никоҳга кириш түғрисидаги аризаларида умумий фамилия олиш ёки никоҳ тузилғанидан кейин ҳам ўз фамилиясида қолиш ҳақидаги истакларини кўрсатишлари шарт. Эр-хотиндан бирининг фамилияси ўзгарганда шахсни тасдиқловчи хужжатга уни алмаштириш лозимлиги түғрисида белги қўйилади. Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши бошқасининг ҳам фамилияси ўзгаришига олиб келмайди. Никоҳга кириш вактида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилғандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли ёхуд унинг хоҳишига биноан суд томонидан никоҳдан ажратиш түғрисидаги қарор чиқарилаётганда унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ хукукий аҳамиятга эга эмас. Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг ФҲДЁга ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Узрли сабаблар бўлганда ФҲДЁ бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин. Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар) да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин. ФҲДЁ никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишига кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганида никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман (шахар) ҳокими никоҳ ёшини кўпич билан бир йилга камайтириши мумкин.

Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтадилар. Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўз розилиги билан ўтказилади. Никоҳ ФХДЁ органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан зътиборан улар ўргасида эр хотинлик ҳукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Эр ва хотин оиласида тенг ҳукуклардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Болалар тарбияси ва оиласи турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар. Эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яаш жойини танлашда эркинdir.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган заарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қофозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзгор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳаки ва бошқа даромадга эга

бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуқقا эга бўлади.

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тарикасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Қимматбаҳо буюмлар ва зебу-зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзal ва бошқа шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр *ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади*.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин. Оилавий муносабатлар тутатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда ортирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзal, мактаб ва спорт жиҳозлари,

мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўйинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўргадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч *йиллик даъво муддати* кўлланилади. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулқдаги улушларини аниқлашда эр *ва хотиннинг улушлари тенг* деб ҳисобланади. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

Агар эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни эр ёки хотиннинг эркига зид равишида ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра сарфлаган ёки бошқа шахсга ўтказган бўлса, уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ҳамда (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқук ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунинг қадар ҳам, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма *шаклда* тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айrim турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Эр ва хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли. Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳукуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ килиб қўйилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳукуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳукуқларини химоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳукуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳукуқ ва мажбуриятларини тартибга солишини, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтоҷ эр ёки хотиннинг ҳукуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномасининг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ёзма шаклда амалга оширилади. Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди, никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно. Никоҳ шартномаси суд томонидан Фуқаролик кодексида назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотин қонунда йўл қўйиладиган барча мулкий-шартномавий муносабатларга ўзаро киришишга ҳақлидир. Эр-

хотин ўртасида тузилган, улардан бирининг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган келишувлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди. Никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин. Никоҳдан ажратиш суд тартибида, Оила кодексида назарда тутилган ҳолларда эса ФХДЁда амалга оширилади. Хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзгатишга ҳақли эмас. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)да даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун 6 ойгача мухлат тайинлашга ҳақли. Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргалиқда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан ФХДЁ органларида ажратилади. Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда никоҳдан ажралишда ариза берувчилар ФХДЁ органига берган аризаларида ўргада вояга етмаган болалари ва мулкий низолари йўқлигини тасдиқлашлари шарт. Никоҳдан ажралиш ариза берувчиларнинг яшаш жойидаги ФХДЁ органига ариза берилган кундан бошлаб 3 ой муддат ўтгач қайд этилади. Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз мухтоҷ эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга мухтоҷ, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади. Никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр ва

хотин вояга етмаган болалари ким билан яшashi, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоj эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишга доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

Никоҳ ФХДЕ органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади. Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарорлари бекор қилинган ҳолларда, никоҳ эр-хотиннинг биргалиқдаги аризасига кўра ФХДЕ органи томонидан тикланиши мумкин. Агар эр (хотин) янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас.

*Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш* фақат суд тартибida амалга оширилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда паспортга ёки шахсни тасдиқловчи бошқа хужжатга тегишли белги кўйилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, 10 кун ичida ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги ФХДЕ органига юборилади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳали никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, унинг она-отаси ёки ҳомийси, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлиdir.

Иш судда ҳал қилиниш пайтигача эр ёки хотин никоҳ ёшига етган бўлса, никоҳ фақат унинг талаби билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Эр-хотиндан бири никоҳ ёшига етмаганлиги туфайли никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш, агар эр-хотин (улардан бири) иш судда кўрилаётган пайтда никоҳ ёшига етмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқилади.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни суд васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқади. Мажбурлаб тузилган никоҳ жабрланувчи ёки прокурорнинг аризаси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Эр-хотин сохта никоҳ қайд қилдирган ва оила қурмаган бўлсалар, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни прокурор талаб қилишга ҳақли, эр (хотин) оила қуриш мақсадисиз никоҳга кирган ҳолларда эса, бундай талаб хотин (эр) томонидан ҳам қўйилиши мумкин. Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин 300 кун ичida туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиқсан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликтининг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади. Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан – иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан – учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо. Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоказо.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир. Икки шахс ўртасида қариндошликтининг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиқсан авлодлар сони ҳисобга олинади. Ҳисоб аждодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон – улардан бошқасига қараб олиб борилади. Туғишган ака-ука ва опа-сингил қариндошликтининг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликтининг – учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса –

тўртинчи даражасида турадилар. Ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиқсан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки аксинча она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Ёт аралашмаган қариндошлиқда ака-ука ва опа-сингиллар тугишган, ёт аралашган қариндошлиқда эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўгай ҳисобланади. Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди. Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин (эр) қариндошларининг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайин-бўйинчилик ва кудандачилик) ўзаро хукуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) ФХДЁ органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади. Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганинги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг 300 кун ичida туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин 300 кун ичida бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиби хукуқига эга. Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг ФХДЁ органига биргалиқда топширган аризасига биноан белгиланади. Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик хукуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади. Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек бола

туғилғанлиги қайд этилғандан кейин ҳам берилиши мүмкін. Агар оталикни белгилаш тұғрисида бола туғилғандан сүңг эрхотин бирғаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушқул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида ФҲД҃га беришга ҳақли. Оталикни белгилаш рад этилғанда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мүмкін. Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Ҳар бир бола оиласда яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга. Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оиласда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади. Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, aka-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшashi боланинг ҳуқуқларига таъсир қilmайди. Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамоқقا олиш, ҳибсга олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибида кўришиш ҳуқуқига эга. Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бола ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган сунистъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқук ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим дараҷада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳукукларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқук ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганлигидан, унинг ҳуқук ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айни пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Шундай маълумотларни олгач, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқук ва қонуний манфаатларини химоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши шарт.

Оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир. Бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга. Болага исм ота-онанинг келишувига биноан, ота исми – отасининг исмига кўра берилади. Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиққан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

ФХДЁ органи ота-онанинг биргалиқдаги аризасига биноан бола 16 ёшга тўлгунча бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга, унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир.

Агар ота-она алоҳида яшаса ва бола билан бирга яшовчи ота (она) болага ўз фамилиясини беришни хоҳласа, васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани боланинг манфаатларини ва она (ота)нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қиласди. Ота ёки

онанинг турган жойини аниқлаш мүмкін бўлмаганда, улар ота-оналик хукуқидан маҳрум қилинганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, ота ёки она болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларини бажаришдан узрсиз сабабларга кўра бўйин товлаган ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган ва оталик қонуний тартибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг мурожаат қилган давридаги фамилиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли. 10 ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг хукуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Вояга етмаган ота-она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш хукуқига эга. Ўзаро никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-она улардан бола туғилганда ҳамда уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги белгиланганда 16 ёшга тўлишлари билан ота-оналик хукуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидиirlар. Вояга етмаган ота-она 16 ёшга ётгунга қадар, болани вояга етмаган ота-она билан биргаликда тарбиялаш учун болага васий тайинланиши мумкин. Боланинг васийси билан вояга етмаган ота-она ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Вояга етмаган ота-она ўз оталиги ва оналигини умумий асосларда эътироф этиш ёки бунга эътироz билдириш хукуқига эгадир. Ота-она ўз болаларини тарбиялаш хукуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун хукукка эга. Ота-она болаларининг қонун хужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт. Болаларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади. Ота-она ўз болаларининг

қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласидар.

Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт. Ота-оналик ҳуқуки болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим. Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуслари менсимаслик, шафқатсизлик, кўполлиқдан, инсоний кадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан ҳоли бўлиши керак. Ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Болаларнинг таълим-тарбиясига тааллукли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиқсан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар (улардан бири) бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Боладан алоҳида яшаётган ота (она) тарбия, даволаш, ахолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Ота (она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар бўлгандагина, уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин. Ахборот беришнинг рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Бобо, буви, aka-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга. Ота-

она (улардан бири) яқин қариндошларнинг бола билан кўришишига имконият бермасалар, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бирини) бундай имконият беришга мажбур қилиши мумкин. Агар ота-она (улардан бири) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи ҳолларни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд боланинг манфаатларини ва боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда низони ҳал қиласди. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда айбдор ота (она)га нисбатан қонун хужжатларида назарда тутилган чоралар кўлланилади. Ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Низо чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Бу талабларни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган холосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Агар суд ота-она ҳам, болани ўз қарамоғига олган шахс ҳам болага лозим даражада тарбия беришни ҳамда уни камолотга етказиши таъминлай олмайдилар, деб топса, болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради. Ота-оналиқ ҳукуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналиқ ҳукуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (vasийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади. Ота-оналиқ ҳукуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқиласди.

Ота-оналиқ ҳукуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласи суд томонидан уй-жой тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ота-онаси (улардан бири) ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандликка олинган бўлмаса, турар жойга бўлган мулк ҳуқукини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқукини сақлаб қолади, шунингдек ота (она)си ва бошқа қон-қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкий ҳуқукларини, жумладан мерос олиш ҳуқукини сақлаб қолади.

Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккалasi ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади. Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида 6 ой ўтгач йўл қўйилади. Ота-она (улардан бири) ўз хулк-авторини, турмуш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуки тикланиши мумкин. Ота-оналик ҳуқукини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тартибда амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқукини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқукини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ота-оналик ҳуқукининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқукини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

10 ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқукининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Бола

фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор килинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқукини тиклашга йўл қўйилмайди. Суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқукини чеклаши) мумкин. Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналик ҳуқукини чеклашга йўл қўйилади. Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-автори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқукини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-авторини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқукини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли. Ота-оналик ҳуқукини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юклатилган органлар ва муассасалар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари ва бошқа муассасалар, шунингдек прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқукини чеклаш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштироқида кўрилади. Ота-оналик ҳуқукини чеклаш тўғрисидаги ишларни кўришда суд ота-онадан (уларнинг биридан) боланинг таъминоти учун алимент ундириш масаласини ҳал қиласди. Ота-оналик ҳуқуки чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек, болали фуқаролар учун қонун хужожатларида белгиланган имтиёзлар ва нафакалар олиш

хуқуқидан маҳрум бўлади. Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-она ҳаётлигига болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулқдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулқдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан конунда назарда тутилган микдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак. Вояга етмаган болаларнинг мол-мулкини тасарруф этишга доир ваколатлар амалга оширилаётганда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади. Ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

Ота-она ва 14 ёшга тўлган вояга етмаган болалар ўртасида қонунда белгиланган тартибда умумий мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкин. Ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириш тўғрисида келишув тузишлари мумкин. Вояга етмаган болалар қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳадя, мерос тариқасида олган мол-мулки, шунингдек, шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида орттирган мол-мулки уларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Вояга етмаганларнинг тадбиркорлик фаолиятига қўшган маблағи ва ундан орттирган даромади, агар бола билан ота-она ёки оиланинг бошқа аъзолари ўртасида бошқача тартибни белгиловчи шартнома бўлмаса, вояга етмаганларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Вояга етмаганларнинг шахсий фойдаланишидаги буюмлари (кийим-кечак, пойабзal, ишлаб чиқариш куроллари, ўкув анжомлари ва бошқалар) уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот берishi шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув

қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади. Вояга етмаган болаларга алимент тұлаш ҳақида ота-она үртасида келишув бўлмагандан ёки алимент ихтиёрий равишида тўланмагандан ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир. Вояга етмаган болаларига алимент тұлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир. Вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир. Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тұлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тұлаш тартиби ва шакли ҳақида ота-она үртасидаги келишув қонунда белгиланган коидаларга ва боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она үртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир кисми; икки бола учун – учдан бир кисми; уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оиласвий аҳволини ва бошқа эътиборга лойик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир кисмидан кам бўлмаслиги керак. Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартдир.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она үртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибидан ҳал қилинади. Ота-онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд

томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий ахволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади. Ота-онадан болаларга ундириладиган алимент микдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақига ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушлар ҳисобида ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёинки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган алимент микдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин. Ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиқкан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт. Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий ахволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент Ўзбекистон ҳудудида ва унинг ташкарисида пул ёки натура тарзида олинган барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади. Чет эл валютасида олинадиган даромадлар алимент ундириладиган кунда амалда бўлган Марказий банкнинг расмий курси бўйича сўмларда ҳисобланади. Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган микдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент микдори суд томонидан камайтирилиши мумкин. Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки

онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент микдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Ота-онаси вафот этганлиги оқибатида етим қолган вояга етмаган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш давлат томонидан тўлиқ амалга оширилади.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот микдори болаларнинг оиласиб ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Ота-она, алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўйганлигидан қатъи назар, алимент микдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низоси узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судъя шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкин. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундирилаётган алимент микдори конун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи микдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-онасининг касаллигига ва бошқа узрли сабабларга кўра қилинадиган кўшимча харажатларда иштирок этишлари шарт. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар томонидан кўшимча харажатлар ихтиёрий равишда қопланмаса, талаб қилинаётган сумма суд тартибида ундирилиши мумкин.

Агар суд ота-онанинг ота-оналийк мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаганлигини аниқласа, болаларни меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиши мумкин. Алимент

ундириш түгрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи қонун хужжатларида белгиланган тартибида ижро этилади. Эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб 3 йил давомида, ўртадаги ногирон бола 18 ёшга тўлгунча ёки болалиқдан I гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга кодир бўлган хотин (эр)дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳукуқига эга.

Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент микдори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкин. Эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда эр ёки хотинга (собиқ эр ёки хотинга) суд тартибида ундириб бериладиган алимент микдори суд томонидан эр ёки хотиннинг (собиқ эр ёки хотиннинг) моддий ва оиласвий аҳволини ҳамда тарафларнинг зътиборга лойиқ бошқа манфаатларини зътиборга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади, бироқ бу сумма қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган ака-ука ва опа-сингилларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган ака-ука ва опа-сингиллар зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ака-ука ва опа-сингилларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият ака-ука ва опа-сингилларнинг зиммасига юклатилиши мумкин. Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаган ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмайдиган, амалда уларни тарбиялаганларга таъминот бериш мажбурияти уларнинг доимий тарбияси ва таъминотида бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

Бундай мажбурият васийликда (ҳомийлиқда) турган шахслар зиммасига юклатилмайди.

Ўгай ота ва ўгай онанинг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ота-онаси йўқ бўлса ёхуд ўз ота-онасидан етарли маблағ ололмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ота ва ўгай она зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган ёрдамга муҳтоҷ, меҳнатга лаёқатсиз ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун етарли маблағ ололмаса, ўгай ота ва ўгай онанинг зиммасига уларга нисбатан ҳам шундай мажбурият юклатилиши мумкин.

Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ ўгай ота ва ўгай онанинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ўғил ва ўгай қизлар зиммасига юклатилиши мумкин. Агар ўгай ўғил ва ўгай қизни ўгай ота ва ўгай она беш йилдан кам вақт давомида тарбиялаган ва таъминот берган бўлса, шунингдек, улар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган бўлса, суд ўгай ўғил ва ўгай қизни ўгай отаси ва ўгай онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилишга ҳақли. Қариндошлар ва бошқа шахслардан вояга етмаган болалар учун, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ шахслар таъминоти учун ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент ундирилаётган шахснинг ва алимент олаётган шахснинг моддий ва оиласи ахволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби) алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент оловчи ўртасида тузилади. Агар алимент оловчи муомалага лаёқатсиз бўлса, келишув унинг қонуний вакили билан тузилади.

Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишга муҳтоҷ бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик

вазифаларини амалга ошириш 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан халқ таълими бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимларига, соғлиғининг ёмонлиги сабабли ҳомий тайинланишига муҳтож муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан – меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари зиммасига юқлатилади.

Васийлик 14 ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Ҳомийлик 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз хукуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин. Боланинг ота-оналиқ хукуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органлари унинг ота-она тарбиясида қолиши бола манфаатларига жавоб бермаслигини, шунингдек боланинг хаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф борлигини аниқласа, унга васий ёки ҳомий тайинланади. Ота-она васийлик ва ҳомийлик органларининг васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органлари васий ёки ҳомий тайинлади. Васий ёки ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билангина тайинланиши мумкин. Васийлик ёки ҳомийлик тайинлаш лозимлиги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши лозим. Васий ёки ҳомийни тайинлаш вақтида унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажаришга қобилияти, мазкур шахс билан васийлик ёки ҳомийликка муҳтож шахс ўртасидаги муносабатлар, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг ўз хоҳиши эътиборга олиниши лозим.

Васийлар ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузадилар. Ҳомийлар ўз қарамоғидаги шахсларга улар ўз хукуқларини амалга оширишида ва мажбуриятларини бажаришида кўмаклашадилар, шунингдек уларнинг хукуқлари учинчи шахслар томонидан сунистъемол этилишидан ҳимоя қиласидилар.

Васийлик ва ҳомийлик вазифалари бепул бажарилади. Васий ва ҳомий хукуқларининг амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан васийлик ва ҳомийлик органлари назорат қиласиди. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мulkини бошқариш мол-мulk жойлашган ерда ўрнатилади. Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мulkини бошқариш, уларга тегишли мол-мulkни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш, мол-мulkни бошқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мulkини бошқариш ва сақлаш бўйича васий ва ҳомийларнинг ҳисобот бериш тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади. Суднинг шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ёхуд мерос олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинганда мол-мulkни бошқариш бекор қилинади.

## Учинчи боб

### МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ

Хозирги Ўзбекистон жамиятида анъналар, удумлар, урфодатлар, маросимлар ва миллий тарбия усулларига қизиқиш ортиб бормоқда. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва маданий инқироз ҳолатида яшар экан, инсон йўқотилган маънавий қадриятларга мурожаат қиласи, ижтимоий-маданий анъналарни қайта жонлантиради. Халқларнинг этник сафарбарлиги ва ўзлигини англаш жараёни ижтимоий институтлар фаоллигини кучайтириши, этник ўзига хосликнинг шаклланиш шарт-шароитлари ва омилларини аниқлашни талаб этади.

Этнопедагогик анъналарнинг асосий институти ва ифодаловчиси сифатида оила ижтимоий тараққиёт жараёнларига таъсир ўтказувчи, маданий сиёсатни ўзгартирувчи муҳим социал восита вазифасини ўташи мумкин. Ижтимоий-маданий ўзгаришлар оиласда вужудга келади, тарбия топади ва ривожланади. Айнан оила анънавий, маданий қадриятларнинг, жумладан, халқнинг маънавий мероси, авлоддан авлодга ўтиб келувчи тили ва тарихининг ифодаловчиси ва асрорчиси ҳисобланади.

Замонавий Ўзбекистон оиласида этнопедагогик қадриятлар ва анъналарнинг тарихан мерос бўлиб ўтиши юзага келди. Миллий тарбия қадриятлари, мазмуни асос сақланиб қолган ҳолда, ўзида шахслараро муносабатлар меъёрларини жамлаб, ўзига хос миллий маданий асос сифатида намоён бўлади ҳамда унда муҳим ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал килинади.

Оила шахсга миллий маданиятнинг қадриятлар мажмуи орқали маданий андозалар асосини тақдим этади, бу эса миллий ўзликни англашнинг ифодаловчиси ҳисобланади.

Моҳиятан миллий ўзликни англаш маълум идеаллар, қадриятлар ва миллий анъналарда намоён бўлади ва мазкур жараёнларни оиласидан уларга муносабати орқали ўрганиш ушбу қадриятлар тизимини аниқлаш имконини беради. Шу боисдан мазкур тадқиқотнинг вазифаси миллий ўзликни англашнинг мазмунини; миллий қадриятлар борасидаги билимлар даражасини; халқнинг ва буюк аждодларнинг тарихини, диний анъналар, урфодат ва маросимларга қизиқишини англашдан иборат.

Ўз миллатига мансубликни ҳис этиш нимада ифодаланади деган оммавий онг муносабатининг таҳлили шуни кўрсатадики, этник айнанликнинг муҳим индикатори ва унинг шахсга хос қадрияти миллатни аниқлаш мезони ҳисобланади ҳамда шундай тасаввур, характерли хусусият мавжудки, “биз” тушунчаси бир тарафдан бирлаштиради, иккинчи тарафдан эса ўзгалардан фарқлайди.

Ўз миллатига мансублик омили этник ўзликни англашнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Ўтказилган сўров натижаларига оид маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ватандошларимизнинг анчайин ифодаланган кўрсатмаси “менинг миллий урф-одатлар ва анъаналарга асосланган турмуш тарзим ва маданиятим – бу менинг миллий туйгуларимни акс эттиради ва мустаҳкамлайди” (49,1%) деган тушунчадан иборат. Шунингдек, улар ўзи вакили бўлган она тилига катта аҳамият берадилар (48,5%), “ўз ҳалқига мансублик туйгуси” (41,3%), Ватанга муҳаббат (40,5%) ҳамда ҳалқнинг тарихи (34,9%) муҳим рол ўйнайди.

Этироф этилишича, европача тарбия олган респондентларнинг бир қисми (5,9%) сўнгти пайтда ўз миллатининг тарихи ва маданиятини янада чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж сеза бошлиганлар. Уларнинг сони 2006 йилги (9,3%) тадқиқотга нисбатан камчиликни ташкил этади. Умуман олганда, кўлга киритилган маълумотлар миллий ўзига хосликни тасдиқлаш стратегияси муваффақиятли эканлигини акс эттиради.

Миллий ўзига хосликликнинг турли ёш гурухлари учун аҳамияти 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Ёш гурухларида ўз миллатига мансублик туйгуси, %

Жавоб вариантлари	Ёши			
	16–29	30–39	40–49	50 ёш ва ундан катта
Ўз ҳалқига мансублик туйгуси	35,4	45,0	43,5	43,2
Мен тутгилган ва аждодларим яшаб ўтган заминга муҳаббат	39,2	45,0	37,8	39,8
Мен ўз она тилимда гапираман ва фикрлайман	50,4	48,6	53,0	41,5
Менинг турмуш тарзим ва маданиятим миллий урф-одатлар ва анъаналарга асосланган	45,0	49,6	46,1	57,3
Менинг миллатим бой тарихга эга	32,6	36,4	37,0	34,4

Кўриниб тургандек, миллий урф-одат ва анъаналарга асосланган турмуш тарзи ва маданият миллатни ҳис қилишда асос вазифасини ўташи кўрсаткичлари юқори бўлган аҳоли тоифасига 50 ёш ваундан катта ҳамда 30–39 ёш тоифасидаги аҳоли вакиллари мансуб. 16–20 (57,4%), 40–49 (58,0%), 50–59 (62,3%) ёшдагилар миллатни ҳис қилишда она юрга муҳаббат кўрсаткичлари юқори бўлган тоифага мансуб. Турли ёшга мансуб гурухларда миллий мансублик омилини танлашда ўзгариш кузатилади. Масалан, сўровда қатнашган 40–49 ёшлилар (53,0%) ва 16–29 ёшлилар (50,4%) миллий мансубликни она тили билан боғлайди, ўз миллатига мансублик туйғусини эса 30–39 ёшлилар (45%), 40–49 ёшлилар (43,5%) ҳамда 50 ёш ваундан катталар (43,2%) кўпроқ ҳис қилишади.

Шаҳар – қишлоқ кесимида сўров ўтказилган шаҳарликларнинг ярмидан кўпроғи орасида (51,0%) “мен ўз она тилимда гапираман ва фикрлайман” дейдиганлар биринчи ўринни эгаллайди, бу борада қишлоқликлар улуши 46,0% ни ташкил этади, уларнинг орасида аёлларга (47,7%) нисбатан эркаклар (49,7%) кўпчиликни ташкил этади. Миллий ўзликни англашнинг иккинчи шундай бир таркибий қисми, анъана ва урф-одатларга асосланган турмуш тарзини шаҳарликлар 49,7% ва қишлоқликларнинг (48,4%) ҳар иккинчиси қайд этади. Ўз халқига мансублик туйғуси шаҳарликларга қараганда (37,9%) қишлоқликлар орасида нисбатан сал ёрқинрок (44,8%) ифода этилган. Миллий ўзликни англашни ифода этишнинг аҳамиятидаги фарқни турли ижтимоий аҳволдаги респондентлар жавобларида кузатиш мумкин. Хусусан, ижтимоий аҳволи ўта яхшилар орасида (71,9%) миллий ўзликни англаш киндик қони тўкилган заминга муҳаббат орқали англашилади, “ўта ёмон моддий аҳволдагилар” гурухида (75,0%) она тили асосий ҳисобланади, “ёмон моддий аҳволдагилар” (68,0%) гуруҳидагилар эса “урф-одат ва анъаналарга асосланган турмуш тарзи”ни танлашади.

“Моддий аҳволи ўта яхшилар” тоифаси (59,4%) жавоб варианtlарида аҳамияти жиҳатидан миллий анъана ва урф-одатларга асосланган турмуш тарзи иккинчи ўринни эгаллайди. Моддий фаровонлик даражаси қанчалик ошгани

сайин, ўзининг киндик қони тўкилган ерга, миллий анъаналарга, урф-одатлар ва тарихга муҳаббат орқали ўзликни ҳис этиш шу қадар тез-тез кузатилади. Ўта ёмон моддий ахволдаги респондентлар (24,0%), ўта яхши фаровонликка эга тоифалар (39,7%) билан қиёслангандা ўз маданиятларига мансубликларини тарих орқали ҳис қилишларини камдан кам изҳор этадилар. Миллий кесимда фикрлар тафовути 9-жадвалда келтирилган:

#### 9-жадвал


Турли миллатлар орасида ўз миллатига мансублик туйғусининг фарқланиши, %

Миллати	Менинг турмуш тарзим анъана ва урф-одатларга асосланган	Ўз она тилимда гапираман ва фикрлайман	Ўз ҳалкига мансублик туйғуси	Ўз киндик қони тўкилган ерга муҳаббат	Миллатнинг бой тарихга эгалитидан ғурурланиш	Европача тарбия топганиман, аммо мамлакатининг тарихи на маданиятни урганиншга эхтиёж сезаман
Ўзбеклар	49,9	49,2	42,9	41,2	35,3	4,7
Марказий Осиё миллиатлари	50,5	39,2	28,9	44,3	23,7	7,2
Славянлар	50,0	55,6	27,8	16,7	66,7	27,8
Бошка миллиатлар	47,6	57,1	33,3	14,3	38,1	38,1

Кўриниб турганидек, ўз миллатини ҳис этиш типи кўпроқ ўзбек респондентлари орасида ифода этилган.

Сўров натижалари сўралганларнинг ҳар иккинчиси (49,9%) ўзбек оиласаларида миллий ўзликни англаш шаклланган дея ҳисоблайди деган хulosага келишга имкон беради. Респондентларнинг 29,5%и эса у сўзсиз шаклланган деган хulosага келишди. Ҳар еттинчи респондент (13,1%) эса у “етарлича шаклланмаган” дея ҳисоблайди. Баъзи респондентлар ушбу масалага нисбатан ўз муносабатларини аниқлай олмаганлар (9-расм).

9-расм. Миллий ўзликни англашнинг шаклланганлик даражаси хусусида респондентлар жавобларининг тақсимланиши, %



2006 ва 2011 йиллардаги мониторинг тадқиқотлари натижаларининг қиёсий таҳлили шуны күрсатады, ҳозирги тадқиқотда респондентларнинг күпчилиги ўзбек оиласарда миллий ўзликни англаш шаклланган ва сўзсиз шаклланган дея ҳисоблади (17,1% га қарши 49,9%). Уларнинг ичидаги 30–39 (55,0%) ва 16–29 (51,9%) ёшли респондентлар кўпроғини ташкил қилади, эркаклар – 50,7%, қониқарли моддий аҳволга эга бўлганлар – 52,0%, фермерлар – 70,6%, ўқувчи ва талабалар – 58,2%, тадбиркорлар – 56,2%, соғлиқни саклаш тизими ходимлари – 52,4%. “Шаклланган” деган вариантни ёмон моддий аҳволга эга (25,0%) ва ишсиз респондентлар (3,3%) ҳаммаддан кўра камроқ белгилашган.

Сўров натижалари ўзбекларда миллий ўзликни англаш шаклланганлик даражасининг анчайин кескин баҳосини юзага чиқарди. Хусусан, Ўрта Осиё миллатлари вакилларининг ҳар иккинчиси “етарлича шаклланмаган” деб ҳисоблади. Ўрта Осиё миллатлари вакиллари (53,6%) ҳамда ўзбеклар (49,9%) “шаклланган” деган вариантни ҳаммадан кўпроқ қайд қилишади. Бошқаларга қараганда кўпроқ славянлар (55,6%) жавоб беришга кийналгандар.

Тадқиқотлар давомида респондентларнинг ўзбек халқининг маънавий ўз тақдирини ўзи белгилаш борасидаги муҳим омиллари хусусидаги тасаввурлари таҳлил этилди. Респондентларга тақдим этилган 10 та жавоб варианти ёрдамида “Сизнингча, ўзбек халқи асосан нимаси билан дунёда машхур?” деган саволга муносабат билдириш таклиф этилди.

Берилган жавоблар уларни респондентлар учун аҳамияти даражасига кўра гурухлаштиришга имкон беради (10-жадвал).

10-жадвал  
Ўзбек халқи дунёда нимаси билан машхур, %

Жавоб варианatlари	16–20 ёш	30–39 ёш	40–49 ёш	50 ёш ва ундан катта	Жами
Мехмондўстлиги билан	56,2	57,5	56,5	62,2	57,9
Буюк аждодлари билан	36,6	50,7	39,6	49,0	43,5
Мехнатсеварлиги билан	34,9	29,6	33,9	33,2	33,0
Илмий мероси билан	28,8	32,1	32,2	25,3	29,6
Тарихий мероси билан	27,1	31,1	30,0	29,5	29,2
Маънавий-ахлоқий мероси билан	32,3	25,0	35,7	21,1	28,7
Тинчликсеварлиги билан	19,3	25,7	25,2	28,2	24,1
“Оқ олтин”и – пахтаси билан	23,9	20,7	19,6	23,2	22,0
Адабий мероси билан	15,9	18,2	15,7	16,6	16,6
Спортдаги ютуклари билан	2,3	2,1	2,6	1,2	2,1

Ўзбекистонликлар фикрига кўра, ўзбек халқининг киёфасини белгиловчи омиллар ичидаги қуйидагилар кўпроқ аҳамиятга эга (пасайиб бориш тартибида): меҳмондўстлик, буюк аждодлар, меҳнатсеварлик, илмий ва тарихий мерос. Таъкидлаш жоизки, 2006 йилда ўтказилган тадқиқотлар машхурлик борасидаги устунлик ўзгарганлигини кўрсатди: буюк аждодлар, тарихий ўтмиш, меҳмондўстлик, илмий ва адабий мерос, пахта ва х.к. Шундай қилиб, маданий меросга устувор аҳамият бериш кўзга ташланади. Тинчликсеварлик, адабий мерос ва спортдаги ютуклар сингари миллий андазалар заиф ифодаланган.

Шу нарса эътиборни жалб этадики, кўплаб шаҳарлик респондентлар ўзбек халқининг тарихий меросини юқори изчиллик билан қайд этадилар (“меҳмондўстлик” жавоб вариантини танлаш шаҳарда – 63,0%, қишлоқда – 52,5%, “буюк аждодлар билан”: шаҳарда – 39,8%, қишлоқда – 47,5%). Сўров ўтказилган шаҳар аҳолисининг ҳар иккинчиси (38,2%) ўз меҳнатсеварлиги билан фаҳранади, бу борада қишлоқ аҳолисининг улуши (27,4%)ни ташкил этади. Ўзбекларнинг анъанавий ижобий хусусиятларидан бири бой тарихий мерос

ҳисобланади ва ушбу андаза қишлоқда (34,1%) шахарга (24,6%) нисбатан катта аҳамият касб этади. Мехмондўстликнинг намоён бўлиши эркакларга нисбатан (56,8%) кўпроқ аёллар ўртасида (59,0%) қайд этилади. Ёш улғайиши билан меҳмондўстликка бериладиган аҳамият орта боради. Катта ёш гуруҳидаги респондентлар тоифаси кичик ёш гуруҳидагилар тоифасига нисбатан меҳмондўстлик масаласига катта аҳамият берадилар. Шунингдек, ўрта ва катта ёш гуруҳидагилар ҳам буюк аждодлар билан фаҳрланадилар.

Славян (83,3%) ва бошқа миллатларга мансуб (76,2%) кўплаб респондентлар ўзбек халқининг белгиловчи хусусияти унинг меҳмондўстлиги дея ҳисоблашади. Шунингдек, славянлар (55,6%) ва Марказий Осиё миллатлари (49,5%) ўзбек халқини бирлаштирувчи асосий омил сифатида буюк аждодларни белгиладилар. Сўров ўтказилган славянлар (66,7) ва бошқа миллатларнинг (61,9%) ярмидан кўпи ўзбек халқининг меҳнатсеварлигини қайд қилдилар. Ўзбек халқининг илмий мероси кўпроқ асосан ўзбеклар (31,3%) томонидан қайд этилган. Марказий Осиё миллатларига мансуб респондентларнинг ҳар учинчиси (32,0%) ўзбек халқининг тарихий меросига эътибор қаратган.

#### 11-жадвал

Турли миллат вакилларининг ўзбек халқи нимаси билан машҳурлиги тўғрисидаги мулоҳазалари, %

Афзал кўриш	Ўзбеклар	Марказий Осиё миллатлари	Славянлар	Бошқа миллатлар
Мехмондўстлиги билан	57,6	52,6	83,3	76,2
Буюк аждодлари билан	42,6	49,5	55,6	47,6
Меҳнатсеварлиги билан	32,1	28,9	66,7	61,9
Илмий мероси билан	31,3	18,6	5,6	23,8
Тарихий мероси билан	28,8	32,0	22,2	42,9
Маънавий-ахлоқий мероси билан	27,5	38,1	27,8	38,1
Тинчликсеварлиги билан	24,1	18,6	55,6	23,8
“Оқ олтин”и – пахтаси билан	22,1	24,7	16,7	9,5
Адабий мероси билан	16,6	19,6	–	14,3
Спортдаги ютуқлари билан	1,8	4,1	5,6	4,8

Эмпирик маълумотлар таҳлили ўзбек халқи ҳакидаги тасаввурларни аниқлаш ва умумлашма тасаввур ҳосил қилиш имконини берди: бу ўзининг меҳмондўстлиги билан, буюк аждодлари билан, меҳнатсеварлиги билан, ўзининг бой илмий, тарихий, маънавий-ахлоқий мероси билан, тинчликсеварлиги, пахтаси билан, бой адабий мероси ва спортдаги ютуқлари билан машҳур бўлган халқдир.

Сўров натижалари, сўровга жалб қилинган ўзбекистонликларнинг деярли ярми буюк аждодлар билан фахрланишни ўзбек халқининг асосий қадр-қиммати ҳисоблайди, деган хulosага келишга имкон беради. Шу билан бирга, “Амир Темур, Алишер Навоий, Беруний, ал-Хоразмий ва Мирзо Улуғбекдан ташқари ўзбек халқига шон-шуҳрат олиб келган яна қандай буюк аждодларни биласиз?” деган саволга берилган жавоблар таҳлили, мазкур билимлар етарли эмаслигини кўрсатди. Ҳаммаси бўлиб 40 дан ортиқ жавоб вариантлари олинди. Шулардан бир фоиздан ортиқ овоз олганларига тўхталиб ўтамиз (*12-жадвал*).

#### *12-жадвал*

Респондентлар ўзбек халқига шуҳрат келтирган буюк аждодлар ҳакида, %


Номлари	2011	2006
Абу Али ибн Сино	27,2	30,9
Захиридин Бобур	26,3	34,5
Имом ат-Термизий	13,7	11,9
Имом ал-Бухорий	10,7	11,5
Фаробий	8,2	5,8
Жалолиддин Мангуберди	7,4	3,0
Нодирабегим	4,6	5,8
Баҳоуддин Нақшбанд	4,6	3,4
Фарғоний	4,6	8,6
Ўвайсий	2,8	2,2
Аҳмад Яссавий	2,8	—
Марғилоний	2,7	—
Ал-Мотуридий	2,6	—
Али Қушчи	2,2	—
Фуркат	1,9	—
Машраб	1,8	4,1
Ғафур Гулом	1,5	—

Диний ҳаётни анъанавий шаклларда ташкил этишда оила асосий негиз ҳисобланади. Ўзбекистондаги оиласаларнинг диндорлик даражаси ва хусусиятини аниқлашда уларнинг диний маросимлар ва анъаналарга муносабатини очиб бериш мақсадида бир қатор саволлар тақдим этилди.

Исломда диний фаолият ва байрамлар билан боғлиқ ўзига хос расм-русумлар мавжуд. Маросимлар ва байрамлар исломнинг ажралмас кисми ва муҳим атрибутидан бирини ташкил этадики, уларсиз мазкур динни тасаввур этиш қийин. Амалга ошириладиган ушбу маросим ва урф-одатларга оиласа амал қилиниши даражасини аниқлаш мақсадида респондентларга “Сизнинг оиласизда ҳалқнинг қайси диний расм-русумлари ва маросимлари амалга оширилди?” деган савол берилди.

Кўлга киритилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, кўплаб сўров ўтказилганларнинг оиласида мусулмонча “Никоҳ” маросими муқаддаслаштирилган – 89,2%. Кўплаб оиласарда “Суннат” тўйи тантаналари ўтказилган – 79,2%, респондентлардан ярмидан кўпининг оиласида вафот этган қариндошларга “Жаноза” ўқилган – 71,3%, 68,8% респондентлар оиласарида диний эҳсон маросими – “Худойи” ўтказилган, 63,5% оиласарда Рамазон ойида “Ифторлик” берилган, 38,9% оиласарда фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ “Ақиқа” маросими ўтказилган (*10-расм*).


*10-расм. “Сизнинг оиласизда ҳалқнинг қайси диний расм-русумлари ва маросимлари амалга оширилди?”, %*



Шу билан бир қаторда, кичик ёш гурухидагилар учун (16–20 ёш) “никоҳ” ва “суннат”га ўхшаш диний маросимларнинг ўтказилиши бошқа ёш гурухидагиларга нисбатан ўта муҳим саналади. Катта ёш гурухидагилар (40–49 ёш, 50 ёш ва ундан катта) учун марҳумни сўнгти йўлга кузатиш маросими – “Жаноза”да иштирок этиш муҳим.

Шундай эмпирик факт диққатни жалб этадики, халқнинг диний расм-руsum ва маросимлари кўпроқ қишлоқлардаги оиласаларда амалга оширилади (*11-расм*).

*11-расм.* Шаҳарда ва қишлоқда халқ диний расм-руsum ва маросимларига амал қилиниши, %



Сўров натижасида кўлга киритилган маълумотлар аҳолининг халқ диний расм-руsumлари ва маросимларига нисбатан умуман ижобий муносабатидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, “Никоҳ” ва “Жаноза”га исломга эътиқод қилувчи барча этник гуруҳлар томонидан бир хил даражада амал қилинади.

Маълумотлар таҳлилига кўра, сўров ўтказилган респондентларнинг кўпчилиги (71,7%) Ўзбекистонда мавжуд қадамжоларга зиёратта бориб турғанлар. Респондентларнинг ҳар бештадан биттаси (18,4%) ҳали ташриф буюрмаган, аммо келажакда ташриф буюришни режалаштирган, 9,9% респондентлар эса жавоб беришга қийналганлар.

Сўров зиёратчилар кўплаб ташриф буюрадиган энг машхур “муқаддас жойлар”ни аниқлаш имконини берди. Кўйидаги мақбара ва қадамжолар анча кенг тарқалганлари хисобланади: Ал-Бухорий мажмуаси – 32,7%; Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси – 27,5%; Зангита мақбараси – 19,3%; Шоҳимардон мақбараси – 16,5%; Заркент бува – 4,4%; Ат-Термизий – 4,4%.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг ёш гурухи тоифалари орасида муқаддас қадамжоларга энг катта ёш гурухи (50 ёш ва ундан юқори) вакиллари бошқаларга нисбатан кўпроқ ташриф буюришади.

Сўров натижаларига кўра, сўралганларнинг 37,6% ўз қариндошларининг (ота-оналари, ака-ука ва опа-сингиллари) қабрини “диний байрамлар ва хотира кунида” зиёрат қилишади. Ҳар беш кишидан биттаси (21,0%) – зарурат сезганда зиёрат қиласди, респондентларнинг 18,0 %и бу масалага ижобий муносабатда, аммо қабрлар зиёратига боришмайди. Шу билан бирга 16,6% респондентлар мунтазам бориб туришади, ўтганлар ҳаққига уйларида дуо қилишади, сўралганларнинг 6,8 %и саволга жавоб беришга қийналдилар.

Тахлиллар кўрсатишича, мунтазам зиёратга бориб туриш кўпроқ аҳолининг катта ёш гурухи 40–49 (19,7%), 50 ёш ва ундан юқори (18,2%) тоифаларига хос, аёлларга (15,0%) нисбатан эркаклар (18,0%) кўпроқ, славянлар учун 22,2%, яхши моддий аҳволга эга бўлганлар – 20,1фоиз. Фермерларнинг 35,4 фоизи, тадбиркорларнинг 40,9 фоизи, пенсия ёшидаги респондентларнинг ҳар учтадан биттаси (36,1%), мұхандис ва технологларнинг 22,6 фоизи яқинлари ва қариндошларининг қабрини мунтазам зиёрат қилиб туришга эҳтиёж сезишади.

Респондентларнинг хотирлаш маросимиға муносабатларини аниқлаш мақсадида, уларга “Сизнинг оиласизда мархумларни хотирлашга оид қандай диний расм-руслар қабул қилинган?” деган савол бериљди, тадқиқотлар респондентларнинг барчаси мотам маросимларига амал қилишда анчайин барқарор эканликларини кўрсатди (*13-жадвал*).

## 13-жадвал

Мотам маросимларига амал қилишлари бўйича респондентлар жавобларининг тақсимланиши, %

Жавоб вариантлари	%
Уч	37,0
Пайшанба	32,3
Етти	28,3
Йигирма	38,9
Кирк	64,5
Йил	82,8

Кўриниб турганидек, “йил” (82,8%), “кирк” (64,5%), “йигирма” (38,9%) билан боғлиқ хотирлаш маросимлари анча кенг тарқалган.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги маълумотлар таҳлили шаҳар аҳолиси барча хотирлаш маросимларига қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпроқ амал қилишини кўрсатди. Шаҳар аҳолисига (82,3%) нисбатан қишлоқ аҳолиси (83,2%) “йил” маросимини ўтказишни сал кўпроқ маъқуллайди. Аёллар (66,7% ва 40,9%) эркакларга (63,1% ва 33,1%) нисбатан “йил” ва “уч” маросимларига мунтазамроқ амал қилишади. Миллий кесимда барча миллатлар вакиллари “йил”, “кирк”, “йигирма” хотирлаш маросимларини маъқуллайдилар, хусусан: ўзбеклар – 82,5%; 65,4%; 42,0%; Марказий Осиё миллатлари – 86,7%; 60,0%; 15,6%; славянлар – 83,3%; 55,6%, 5,6% маъқуллайдилар.

## 14-жадвал

Турли иқтисодий аҳволга эга бўлган респондентлар орасида хотирлаш маросими таомилларига амал қилиниши, %

Жавоб вариантлари	Ўта яхши	Яхши	Коникарли	Ёмон	Жуда ёмон
Уч	31,2	37,3	36,3	33,3	25,0
Пайшанба	28,1	28,9	35,6	38,1	100,0
Етти	9,4	27,5	29,5	52,4	25,0
Йигирма	31,2	34,1	43,3	52,4	25,0
Кирк	40,6	62,3	67,3	57,1	100,0
Йил	59,4	78,5	87,7	71,4	100,0

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, моддий фаровонликка эга бўлган аҳоли иқтисодий даражаси паст бўлган аҳолига нисбатан хотирлаш маросимларига суст амал қиласди.

Ўтказилган сўровлар хотирлаш расм-руsumларига амал қилишда респондентлар ўртасида маълум ўзгаришлар юз беришини кўрсатди. Бу ўзгаришлар хотирлаш расм-руsumларини маросимларга боғлаб юборишнинг зарурлиги ва аҳамиятига бўлган муносабатда ифодаланади. Сўров ўтказилганларнинг ярмидан кўпроғи барча анъанавий тадбирларда иштирок этадилар (57,7%). Халқ маросимлари ва тадбирларида иштирок этадиган респондентларнинг кўпчилиги тўй (42,9%) ва жанозани (40,6%) афзал биладилар. Ҳашарларда (32,2%) ҳамда ҳар беш респондентдан биттаси эҳсон маросимларида (20,5%) иштирок этадилар. Дўстлар ва қариндошлариницида ўтказиладиган гап давраларида қатнашадиганларнинг кўрсаткичи анча паст – 6,1% (12-расм).

12-расм. Халқ маросимлари ва тадбирларида иштирок, %



Маълумотлар таҳлили респондентларнинг турли тадбирларда иштирокининг ортиб бориш тенденциясини кўрсатади. Гарчи, тўй, жаноза, ҳашар сингари анъанавий маросимларда иштирок этиш барқарорлигича қолаётган бўлса-

да, кичик ёш гурухидагиларга нисбатан катта ёш гурухидагилар кўпроқ асосан тўйлар, жаноза ва диний эҳсон маросимларида иштирок этадилар (15-жадвал).

15-жадвал  
Ёш гурухларининг анъанавий тадбирларда иштирок этиши, %


Жавоб вариантлари	Ёши			
	16–29	30–39	40–49	50 ёш ва ундан катта
Тўйлар	42,9	44,6	39,6	44,0
Дафн маросимлари	40,1	43,6	37,4	41,1
Ҳашарлар	30,8	35,5	31,7	31,5
Диний эҳсон маросимлари	18,7	23,9	21,7	22,4
Гап	5,2	6,8	8,3	4,6
Барча мросим ва тадбирларда	59,1	54,6	60,0	57,3

40–49 ёшдаги респондентларнинг ярмидан ортиги (60,0%), 16–20 ёшдагилар (59,1%), 50 ёш ва ундан катталар (57,3%) барча халқ маросимлари ва байрамларда иштирок этадилар.


Тўй ва дафн маросимларига шаҳарликлар (49,4% ва 46,9%) қишлоқликларга (36,0% ва 34,0%) нисбатан кўпроқ ташриф буюрадилар. Аммо барча маросимларда иштирок этиш кўрсаткичидаги қишлоқ аҳолисининг (65,1%) салмоғи шаҳарликларга (50,8%) нисбатан устун. Қиёсий таҳлил шундан далолат берадики, тўйлар, дафн маросимлари ва ҳашарларда иштирок этиш кўрсаткичи энг юқори фаровонлик даражасига эга бўлганлар орасида юқори (50,0%; 46,9%; 43,7%).

“Сизнинг оиласидаги ўзбек халқининг тарихи ва унинг миллий қадриятлари хусусида сухбатлар бўлиб турадими?” деган саволга жавоб беришда ўзбекистонликларнинг фикрлари кўйидагича тақсимланди: 45,7% респондентларнинг уқтиришича, шундай сухбатлар бўлиб туради, сўралганларнинг 43,7% камдан-кам бундай сухбатлар бўлади дея жавоб беришди. Респондентларнинг 3,6% ининг оиласида бундай сухбатлар умуман олиб борилмайди (13-расм).

13-расм. Оилаларда ўзбек халқининг тарихи ва унинг миллий қадриятлари тўғрисидаги сухбат, %  
2011 йил



2006 йил



Маълумотларнинг қиёсий таҳлили кўрсатишича, ҳозирги тадқиқотда ўзбек халқининг тарихи ва унинг миллий қадриятлари тўғрисидаги сухбат олиб бормайдиганлар сонининг камайиб бориш тенденцияси (3,6% дан 9,1% га қадар) аниқланди.

“Ҳа, олиб борилади” деган жавоб вариантини белгилаганлар орасида 40–49 ёшлилар (48,3%) қўпроқ, 16–29 ёшлилар – 46,1%, моддий аҳволи ўта яхшилар орасида – 62,5%, моддий аҳволи ёмонлар – 50,0%, олий маълумотга эга бўлганлар – 57,5% таълим соҳаси ходимлари – 64,6%, фермерлар – 52,9% ни ташкил этади.

Оила мураккаб ва серқирра ижтимоий тузилмани англатади: ижтимоий институт тушунчаси кенг ижтимоий истиқболда оиланинг аҳамиятини бошқа ижтимоий институтлар ва ижтимоий жараёнлар ўзгариши, ривожи ва модернизацияси билан ўзаро алоқадорликда очиб беради. Шунингдек, ижтимоий муносабатлар ва ҳаётнинг бутун тизими ўзгаришида оиланинг фаол роли, оиланинг истиқболли кичик референт (таъсир кўрсатувчи) ижтимоий гурух сифатидаги таҳлилида акс этади. Социал тизимнинг фаолияти ижтимоий алоқадорликларнинг

жойлашувида ва муносабатларнинг таркиблашувида яхшироқ амалга ошади. Оила дастлабки гуруҳ сифатида оилавий ҳаёт фаолиятининг шундай сифатларига эгаки, бу оилани унинг таркибига киравчи индивидларнинг оддий йифиндисига айлантиришга имкон бермайди.

Социологияда оилани ўрганишга гурухли ёндашув шунчаки оиланинг социал-психологик яхлитлик сифатидаги маҳсус сифатларини аниқлашга қаратилмайди, балки, унинг индивид учун ўзига жалб этувчи хусусиятларига ҳам қаратилади, мазкур хусусиятлар туфайли оиланинг муҳим ижтимоий функцияларни бажарувчи таркибий қисм сифатида барқарор фаолият олиб бориши мумкин бўлади. Оиланинг айнан мана шу шахс ва жамият (давлат) манфаатларини мувофиқлаштиришдаги воситачилик роли уни социологик тадқиқ этишнинг етакчи предмети ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот ўз зътиборини оилани жамиятнинг таркибий қисми сифатида амал қилишига қаратади ҳамда оила функцияларининг ўзгариш тенденцияларини ва уларнинг келгусидаги ҳаракат эҳтимолини аниқроқ белгилаш мақсадида оила ташкил топишининг омиллари ва шарт-шароитларини, таълим ва бола тарбиясидаги ролини тадқиқ этади.

Республика респондентларига тақдим этилган саволлар мажмуи оила ташкил топишидаги асосий омилларни аниқлашга қаратилди.

Бизнинг жамиятда никоҳга киришишдаги етакчи сабаб муҳаббат ҳисобланади. Муҳаббатдан ва у туфайли юзага келадиган мажбуриятлардан оила вужудга келади. Бу бизнинг жамиятнинг ахлоқий ва ҳукуқий меъёрлари билан мустаҳкамланган қонуниятга айланди. Ўзбекистонликларнинг мутлақ кўпчилиги баҳти оила қуришнинг муҳим шарти муҳаббат (59,2%) ва унга яқин маънавий-ахлоқий қадриятлар (нуқтаи назарлар бирлиги, маълумот ва тарбия даражаси) дея ҳисоблайди. Фақат 7%игина мутлоқ манфаатпарастликка асосланган мулоҳазаларни (моддий фаровонликни) биринчи ўринга қўяди.


58,7% ўзбекистонликлар фикрига кўра, оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигига бўлгуси эр-хотинларнинг саломатлиги катта рол ўйнайди. Ушбу маълумотлар – соглиқни

сақлашда, соғлом турмуш тарзи учун шароит яратищда оиланинг ролига тұғридан-тұғри далилдір.

Турмуш ўртоқ танлашда ва никоҳ ахдина түзищда, бүлгуси жуфтликнинг биргалиқда ҳаёт кечириши учун дунёқараашларининг мослик даражаси, уларнинг интеллектуал ва маданий даражасини белгиловчы маънавий-ахлоқий мотивларнинг аҳамияти ҳам кам эмас. Деярли ҳар иккинчи респондент (45,1%) томонидан маънавий яқинликнинг, яъни келин ва куёв дунёқараашларининг, идеалларининг, қадриятлар мүлжалининг, ҳаёттій режаларининг, социал интилишларининг ўзаро мос келиши муҳимлиги қайд қилинади. Сўралғанларнинг анчагинаси бўлгуси эр-хотиннинг тарбияси (26,5%) ва маълумотлилик даражасини (10,5%) кўрсатишади. Респондентларнинг ҳар бештадан биттаси (20,1%) оила қуришда маданий омилнинг кам аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлашади.

Ўтган галги сўров билан қиёслаб, белгиланган нуқтаи назарларнинг ҳар бирини ёқловчилар сонини қайд қилиш мумкин (17-жадал). Бугунги кунда респондентлар, биргалиқда уйғун турмуш кечиришга таъсир ўтказувчи бир қатор омиллардан вазминлик билан энг муҳимларини ажратиб олиб, бир-икки муроҷаға фойдасига анча ишонч билан ҳукм чиқарадилар (14-расм).

14-расм. Оила қуришнинг асоси масаласида кўрсаткичлар тақсимланиши динамикаси, %



Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги маълумотларнинг киёсий таҳлили оила қуришнинг қуйидаги асосий таркииб қисмларини кўрсатиб берди (16-жадавал).

## 16-жадвал

Шаҳар ва кишлөк ахолиси ўртасида оила қуришнинг асосий омиллари  
кўрсаткичларининг таксимланиши, %

Оила қуришнинг асосий омиллари	Шаҳар	Кишлөк
Мұхаббат	59,6	58,7
Куёв (келин) нинг саломатлиги	53,9	64
Келин ва күёвнинг мъянавий-ахлоқий яқинлиги	45	45,2
Куёв (келин) нинг тарбияси	28,7	24,2
Куёв (келин) нинг маданиятлилик даражаси	21,1	19,1
Куёв (келин) нинг маълумотлилик даражаси	11,7	9,2
Куёв (келин) нинг ота-оналарининг моддий бойлиги	5,7	8,4
Ота-оналарнинг жамиятдаги обрў-эътибори	8,1	3,6
Куёв (келин) нинг ташқи кўриниши, гўзаллиги	5,5	3,9

Кишлөк жойларидағи респондентлар оила қуришнинг асоси сифатида кўпроқ саломатлик ва моддий фаравонликни белгилаб, никоҳ ва оиласи муносабатларга нисбатан прагматик ёндашувни устун даражада кўллаб-қувватлади.

Мухим аҳамиятли гендер тафовут фақат бўлғуси умр йўлдошларнинг эстетик жозибадорлиги омили бўйича кузатилади. Мазкур омил аёлларга нисбатан эркаклар учун аҳамиятлироқ ҳисобланади (мос равища 3,8% ва 5,7%).

Оила қуришнинг у ёки бу асосларининг аҳамиятлилик даражаси респондентларнинг ёшига боғлиқ равища анча катъий фарқланади, боз устига жавоблар амалда чизикли шаклни эгаллади (*17-жадвал*).

## 17-жадвал

Ёшга мутаносиб равища омиллар ўзгариши кўрсаткичларининг таксимланиши, %

Омиллар	16–19 ёш	30–39 ёш	40–49 ёш	50 ёш ва ундан юкори
Мұхаббат	68,6	61,4	55,2	46,9
Куёв (келин)нинг саломатлиги	55,3	60,0	60,9	60,2
Куёв (келин)нинг ота-оналарининг моддий бойлиги	5,8	6,4	8,7	7,9
Ота-оналарнинг обрў-эътибори	4,3	6,1	6,1	7,9

Кўриниб турганидек, энг ёш респондентлар (16–29 ёшдагилар) оиласи муносабатлар бобида мұхаббатга устунлик берадилар, анча катта ёшдаги респондентлар ҳам ушбу қадриятга қўшиладилар, аммо кам даражада қўшиладилар.

Бошқа тарафдан, катта ёшдаги респондентларда саломатлик, моддий фаровонлик ва ота-оналар обрў-эътибори кўрсаткичларига кўпроқ юқори аҳамият берилиши кузатилади. Шундай қилиб, респондентнинг ёши қанча катта бўлса, у оила ва никоҳ масалаларида шунча кўпроқ прагматик, рационал ёндашув тарафдори бўлади.

Кўлга киритилган натижалар респондентнинг маълумоти даражаси билан, оиласда ахлоқий-маънавий яқинлик асосий ҳисобланади деган таъкидни кўллаб-куватлаш даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради (ўрта маълумотлилар – 43,4%, ўрта маҳсус маълумотлилар – 43,8%, олий маълумотлилар – 50,9%).

Оилавий баҳт нимадан ташкил топиши тўғрисидаги тасаввурларни тизимлаштириш мушкул. Бу кўпинча субъектив, туйғу ва ҳиссиёт даражасида идрок этилади. Шу билан бирга, ҳар қандай инсон ўз келажаги ҳақида фикр юритар экан, у ўзи баҳтиёр деб билган келгуси оилавий ҳаёти қандай бўлиши мумкинлигини тасаввур этиши мумкин. Ўзбекистонликлар фикрига кўра, баҳтиёр оилавий ҳаёт биринчи галда турмуш ўртоқлар ўртасидаги самимий муносабатлар орқали таъминланади. Муваффакиятли никоҳ жуфтлиги – бу ўзаро ишонч, муҳаббат ва сабр-тоқат асосига курилган иттифок. Ушбу қадриятлар бир қатор йиллардан бўён қайд этиб келинмоқда (18-жадвал).

#### 18-жадвал

Оила куриш шартлари кўрсаткичларининг киёсий таҳлили, %

Шартлари	2003	даражা	2006	даражा	2011	даража
Эр-хотиннинг ўзаро ишончи	48,9	2	47,8	1	52,3	1
Эр-хотиннинг ўзаро муҳаббати	52,6	1	45,7	2	43,5	2
Фарзандлар мавжудлиги	27,7	4	36,4	3	35,7	3
Сабр-тоқатлилик ва ҳаётдан қоникиш	34,9	3	34,6	4	43,6	2
Моддий фаравонлик	20,5	5	23,5	5	21,6	4
Эр-хотиннинг бир-бирини ўзаро курмат қилиши ва тушуниши	18,4	6	16,6	6	19,3	5
Маънавий-ахлоқий яқинлик	7,5	7	14,7	7	17,2	6
Оила аъзоларининг саломатлиги	7,5	7	11,4	8	12,9	7
Бир-бировни ўзаро кечира олиши	5,3	8	8,0	9	10,6	8

Никоҳга кириш сабаблари қуидаги изчилликда тақсимланди. 75% респондентлар инсонлар оила куриш ва фарзандларни дунёга келтириш мақсадида уйланади ва турмушга чиқади дея ҳисоблайди. Одамлар наслни давом эттириш мақсадида никоҳга киради, деган фикр иккинчи ўринда (сўралгандарнинг 57,5 фоизи). Шундай қилиб, оила куриш, болаларни дунёга келтириш ва тарбиялаш, наслни давом эттириш учун никоҳга киришиш барқарор тенденцияси сакланиб қолмоқда (*19-жадвал*).


#### *19-жадвал*

Никоҳга киришиш сабаблари кўрсаткичининг тақсимланиши, %

Никоҳга киришиш сабаблари	2003	2006	2011
Оила куриш ва фарзандларни дунёга келтириш мақсадида	70,6	66,8	75
Наслни давом эттириш учун	48,1	51,0	57,5
Кариндошлар орттироқ учун	6,2	22,9	16,8
Ҳамма қатори бўлиш учун	6,0	6,5	11,3
Ёлғиз қолмаслик учун	13,8	9,2	34,5
Табиий эҳтиёжларни кондириш учун	–	–	10,7

Кўриниб турганидек, ёлғизлиқдан қочиш мотиви кўрсаткичлари ошган. Хусусан, 34,5% респондентнинг тахминига кўра, никоҳланаётганларнинг мақсади – ўз ҳаётини ёлғизлиқда ўтказмаслиқдан иборат. 16,8% ўзбекистонликлар эса никоҳнинг эҳтимолий сабабларидан бири сифатида кариндошлар орттириш истагини белгилаганлар. Респондентларнинг янада кам қисми инсонлар шундай таомил қабул қилингани учун уйланадилар дея ҳисоблайдилар – улар атиги 11,3%. Яна деярли шунча қисмининг фикрича, инсонлар ўзларининг шаҳвоний шерикларига эга бўлиш учун уйланадилар (10,7%). Кейинги иккита жавоб вариантлари кўпроқ шаҳарликлар томонидан қайд этилган, қишлоқ респондентлари билан қиёслаганда ўртача 5%га кўп. Умуман олганда эса ижтимоий-демографик характеристика бўйича никоҳланиш сабаби хусусидаги нуқтаи назарлар ўхшашлиги кузатилади.

15-расм. Норасмий никоҳга муносабатлар динамикаси, %



15-расмда ўзбекистонликларнинг норасмий (гражданский) никоҳга муносабати акс эттирилган. Беш йил мобайнида жамоатчилик фикрида бундай никоҳларга нисбатан салбий муносабат қатъйлашди. Расмий қайддан ўтмасдан биргаликда яшашга салбий муносабатнинг умумий кўрсаткичи 61%ни ташкил этади.

Жамиятнинг ялпи муносабати анчайин бир хилда бўлишига қарамасдан, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, турли миллат вакиллари қарашлари ўргасидаги фарқ сезиларли. Норасмий никоҳ 7,1% қишлоқ аҳолиси, 15,9% шаҳарликлар томонидан маъқулланади. Славян миллатига мансуб аҳоли вакиллари норасмий никоҳга энг кўп рағбат изҳор этадилар (33,3% салбий муносабат, 22,2% – ижобий, 16,7% – локайд).

Кўплаб ўзбеклар учун никоҳнинг ушбу шакли номақбул (62%). Фақат 11% и учун ижобий нуқтаи назар характерли, 10% респондентлар ушбу масалага лоқайд, 16,8% и эса саволга жавоб беришга қийналадилар.

Оила маънавий маданият ривожига, шахснинг ижтимоий интилишларига, феъл-автори мотивларига фаол таъсир ўтказади. Оила бола учун жамиятнинг микромодели бўлиб, ижтимоий мўлжаллар тизимини ҳосил қилишда муҳим омил вазифасини ўтайди. Жамоатчилик қоидалари илк бор оиласда тушуниб этилади, жамиятнинг маданий қадриятларидан оила орқали тасарруф этилади, бошқа инсонларни билиш оиласдан бошланади.

Сўров маълумотларига кўра, замонавий оилада асос солинадиган энг муҳим қадриятлар – бу катталарга хурмат, жамиятда ўзини муносиб тарзда тута билиш, камтарлик ва меҳнатсеварлик, кичикларга ғамхўрлик. Қиёсий таҳлил ушбу асосий қадриятлар йўналишига эътибор ортиб бораётганлигини кўрсатди. Шу билан бирга оилада диний тарбиянинг аҳамияти кўрсаткичлари икки карра камайди (20-жадвал).

#### 20-жадвал

Оилада никохгача ёшда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш қадриятлари даражаси кўрсаткичларининг таҳсимланиши, %

Маънавий-ахлоқий тарбия қадриятлари	1999	2003	2006	2011
Катталарга хурмат	72,4	56,8	37,7	65,8
Қизлар ва йигитлар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар	15,3	11,7	28,4	26,1
Жамиятда ўзини муносиб тута олиш	33,4	32,2	18,8	45,3
Диний тарбия	3,1	1,3	18,3	8,9
Камтарлик ва меҳнатсеварлик	27,5	31,8	17,8	42,4
Кичикларга эътибор	15,3	18,4	13,0	31,4
Дунёвий тарбия	23,9	10,7	10,9	14,8

Қадриятларни гурухлаштириш шуни кўрсатадики, улар турли миллатлар вакилларида жиддий фарқланмайди. Барча этник гурухлар вакиллари асосий қадрият сифатида катталарга хурматни танладилар ва бу оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг асосидир.

#### 21-жадвал

Миллатга боғлиқ равишда оилада никохгача бўлган ёшда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш қадриятлари кўрсаткичлари, %

Маънавий-ахлоқий тарбия қадриятлари	Ўзбеклар	Марказий Осиё миллатлари	Славянлар	бошқалар
Катталарга хурмат	66,1	56,7	83,3	76,2
Кичикларга эътибор	32,5	16,5	55,6	28,6
Жамиятда ўзини муносиб тута олиш	45,2	44,3	55,6	42,9
Камтарлик ва меҳнатсеварлик	41,9	48,5	33,3	47,6
Қизлар ва йигитлар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар	26,1	27,8	27,8	19
Дунёвий тарбия	15,1	16,5	–	9,5
Диний тарбия	8,6	12,4	5,6	9,5

Оилавий педагогик маданият қадриятларининг авлодлараро ворисийлиги муаммосига мурожаат қиласр эканмиз, шуни қайд қилиш мумкинки, умуман олганда ёш авлодда оиласда катта авлодлар томонидан кўллаб-қувватланадиган қадриятларни тан олиш кузатилади. Катта авлод томонидан айтилган шахснинг қадриятга оид тавсифини ёшлар томонидан тан олинган сифатлар билан қиёслаш, даражалар нуқтаи назарининг қуйидаги изчилиқда айнан бир-бирига мос келишини кўрсатади: катталарга ҳурмат, жамиятда ўзини муносиб тута олиш, камтарилик ва меҳнатсеварлик, кичиклар ҳақида ғамхўрлик қилиш. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, энг мухим қадриятлар мўлжали бўйича ёш авлод ўз ота-оналарининг нуқтаи-назарларига қўшилади.

Жамиятнинг педагогик маданияти ўзбекистонликлар кундалик ҳаётининг мухим таркибий қисми ҳисобланади ҳамда катталарга ҳурмат, ахлоқий меъёрлар ва жамиятда ўзини тутиш меъёрлари сингари асосий қадриятларга оиласда асос солинади.

Оила – бу аъзолари ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш сингари умум ишига ўзларининг бетакрор ҳиссасини қўшадиган яхлит тизимdir. Болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила аъзолари қандай роль ўйнашини аниқлаш мақсадида қуйидаги савол билан мурожаат қилинди: “Оила болаларнинг ахлоқий тарбияси билан ким шуғулланиши керак?” 16-расмда ёш авлод тарбиясида ота-оналарнинг ва кекса авлоднинг ролига берилган баҳо акс эттирилган.

16-расм. Болаларнинг ахлоқий тарбиясида оила аъзоларининг роли кўрсаткичлари тақсимоти, %



Оилада тарбиявий жараён билан ота ва она шуғулланиши лозимлиги борасида кўпчилик респондентларнинг ишончи қатъий (65%). Ҳар учинчиси эса ахлоқий тарбия билан барча оила аъзолари шуғулланиши лозимлигига шубҳа қилмайди (32,1%).

Болалар тарбиясида кекса авлод вакилларининг роли нақадар ортганлигини таъкидлаш жоиз (28,7%), яъни кекса авлод томонидан тўпланганди қимматли тажриба бугунги кунда долзарб ва унга талаб ошиб бормоқда. Бобо ва бувилар нафакат ўзларида тарбия тажрибасини намоён этадилар, балки ўзларини анъналар манбай сифатида ҳам намоён этадилар. Янги авлодларга урф-одат ва анъяналарни тақдим қилас экан, кекса авлод уларни ёшларда қайта шакллантиради, шу боисдан маънавий-ахлоқий ютуқлар авлодлар ҳаётида сақланиб қолади.

Болалар тарбиясида ота ва онанинг алоҳида-алоҳида роли шаҳарда (9% ва 14,2%) қишлоққа қараганда (6,6% ва 10,5%) юқори. Онанинг биринчи даражали роли Тошкент вилоятида (41,2%) ва Тошкент шаҳрида (30,7%) қайд этилади. Навоий ва Сирдарё вилоятларида ахлоқий тарбиядаги муҳим рол оталар зиммасига тўғри келади (18,2% ва 17,9%). Ўсиб келаётган авлод тарбиясида жуда катта рол Фарғона вилоятида боболар ва бувилар хиссасига тўғри келади – сўралганинг 77 фоизи.

Умуман ўзбекистонликлар болаларнинг ахлоқий тарбиясида бутун оила аъзоларининг масъуллигига жуда юқори аҳамият беришади. Шу муносабат билан кўпавлодли оилада тарбиявий потенциални ошириш заҳираларини излаш зарурати юзага келади.

Боланинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оила муҳити кучли таъсир кўрсатиши борасида жинси, ёши, миллати ва минтақавий хусусиятидан қатъий назар, ўзбекистонлик респондентларнинг мутлақ кўпчилиги – 85,8% (2006 й. – 78,4%) шубҳа қилмайди. 11,7% респондентлар эса таъсири аҳамиятсиз дея ҳисоблайди. Фақат 0,5% респондентларнинггина фикрига кўра бола тарбиясига оила муҳити мутлақо таъсир кўрсатмайди.

Шундай қилиб, ўзбекистонликлар фикрича, замонавий оила мұхым маънавий-аҳлоқий потенциалга эга.

Оила тарбия жараёнида ҳам ижобий, ҳам салбий омил сифатида намоён бўлиши мумкин. Оиланинг бола шахсига ижобий таъсири шундан иборатки, одоб-аҳлоқ асослариға айнан оиласда тамал тоши қўйилади. Ҳамда шу билан бирга, бошқа бирор бир институт потенциал жиҳатдан болалар тарбиясига оиласалик катта зиён етказа олмайди.

Кўпчилик ўзбекистонликларнинг – 70,2% болалар тарбияси оиланинг ижтимоий мақомига боғлиқ эканлигига ишончи комил эканлиги бежиз эмас. 22-жадвал мәълумотлари аҳлоқан соғлом, Ватанга содиқ болалар меҳнатсевар, ҳалол, аҳлоқан соғлом, аҳил оиласарда тарбияланишини кўрсатади, ўзбекистонликларнинг ярмидан ортиғи шундай фикрда. Барча ижтимоий-демографик гурӯҳ респондентлари ушбу масалада ўзларининг хайриҳоҳ эканликларини ифода этадилар.

#### 22-жадвал


“Сизнингча аҳлоқан соғлом, ватанга садоқатли болалар  
кандай оиласарда тарбия топади?” деган саволга жавобларнинг  
таксимланиши, %

Оила типи	2006	2011
Меҳнатсевар ва ҳалол оиласарда	58,5	62,9
Аҳлоқан соғлом оиласарда	43,3	57,6
Аҳил ва тотув оиласарда	21,8	53,3
Зиёлилар оиласарида	27,4	36,5
Кўяблоли оиласарда	4,0	12,7
Диндор оиласарда	11,8	8,4
Моддий жиҳатдан таъминланган оиласарда	0,2	0,7

17-расмда оила аъзолари ўргасида ҳокимият турли типда тақсимланган оиласарда баркамол ривожланган болалар тарбияси кўрсаткичлари акс эттирилган. Шундай қилиб, ўзбекистонликларнинг 59,7% аҳлоқан соғлом, баркамол ривожланган болалар икки ўргада: ота ва она томонидан бошқариладиган оиласарда тарбия топади дея ҳисоблайди. Респондентларнинг 45,6% бундай болалар ҳамжиҳатлик ва

яқдиллик ҳукмронлик қилувчи оиласарда тарбия топишини қайд этишади. Респондентларнинг учдан бири эса баркамол ривож топган болалар бобо ва буви бош бўлган оиласарда тарбия топишини уқтиришади (31,1%). Ушбу масалада аёллар ва эркаклар ўртасида ихтилоф мавжуд эмас. Қўлга киритилган маълумотлар илгари қилинган холосани, яни ўзбекистонликлар болалар тарбияси учун барча оила аъзолари масъул дея ҳисоблаши ҳамда ахлоқан соғлом ва баркамол ривожланган авлодни шакллантиришда кекса авлодларнинг алоҳида ролини тан олиши тўғрисидаги холосани тасдиқлайди.

17-расм. Оила мажбуриятлари турлича типда тақсимланувчи, бола тарбиялаётган оиласар кўрсаткичларининг тақсимланиши, %



Ахлоқий тарбия – бу ахлоқий сифатларни, феъл-атвор хусусиятларини, ўзини тутиш кўникмалари ва одатларини шакллантириш жараёнидир. Ўзбекистонликлар фикрига кўра ахлоқлиликнинг энг муҳим, таянч категорияларига ҳалоллик (41,9%), ватанпарварлик (37,9%), миллий анъаналарга хурмат (36,1%), ўз ҳалқининг тарихини билиш (34,0%) киради. Ахлоқли инсонга қалби тозалик (32,1%), миллий ғурур туйгуси (28,3%) ва ўзга миллатлар ҳамда динларга нисбатан бағрикенглик (19,4%), камтарлик (16,8%), экстремизмга нисбатан салбий муносабат (8,1%) сингари феъл-атвор хусусиятлари тааллуқли бўлади.


**Яшаш жойига боғлиқ равишида асосий маънавий фазилатлар мезонлари  
кўрсаткичларининг таҳсиланиши, %**

Ахлоқий сифатлар	Яшаш жойи		Жами
	шаҳар	қишлоқ	
Ҳалоллик	38,4	45,6	41,9
Ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат	35,4	40,5	37,9
Миллий анъаналарга ҳурмат	39,2	32,6	36,1
Ўз халқи тарихини яхши билиш	35,2	32,6	34,0
Қалби тозалик	33,6	30,4	32,1
Миллий гурӯр түйгуси	29,4	27,2	28,3
Миллатларо тотувлик ва динлараро бағрикенглик	20,9	17,8	19,4
Камтарлик	13,8	20,1	16,8
Экстремизмга салбий муносабат	8,8	7,3	8,1

Ҳалоллик, ватанпарварлик, камтарлик кўпроқ қишлоқ аҳолиси томонидан қайд этилади, шу билан бирга шаҳарлик респондентлар асосий қадриятлар сифатида миллий анъаналарга ҳурмат, халқнинг тарихини билиш, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни ажратиб кўрсатишади.

Ушбу барча ахлоқий сифатлар инсонда унинг бутун ҳаёти давомида ривожланади, аммо болалик, ўспиринлик, ўсмирлик ёшида асосан оиласидаги таъсирида сингдирилади. Ўзбекистонликларнинг ўз фарзандларининг ахлоқий қиёфаси хусусида қайғуриши респондентларнинг улар оиласида ахлоқий тарбияга берилётган эътибор борасидаги қарашларида ифодаланади (12-чизма). Мутлақ кўпчилик оиласарда болаларга катъий маънавий қадриятлар ва ахлоқий тамойиллар сингдирилади.

**18-расм. Оиладаги фарзандларнинг маънавий тарбиясига бўлган эътибор даражаси, %**



Респондентлар фикрига кўра, бугунги кунда болалар тарбиясида эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий мезонлар – бу меҳнатсеварлик (54,9%), ота-онага қулок солиш (51,7%), ўқиш (43,7%), ростгўйлик (33,6%). Сўров ўтказилган ўзбекистонликларнинг ижтимоий-демографик мақомидан қатъий назар, уларнинг оилаларида болаларга биринчи галда меҳнатсеварлик (66,3%), ҳалоллик (66,9%), катталарга хурмат (38,5%), камтарлик (35,1%) туйғулари сингдирилади. Шундай қилиб, оиласда нафақат қандай яшаш кераклиги хусусида сўз юритилади, балки болаларда ўзини тўғри тутиш одатлари ҳам шакллантирилади. Ахлоқий маданият ва одоблилик тўртта муҳим манбадан озиқланади: ҳалоллик, хурмат, меҳнатсеварлик ва Ватан олдидағи бурч.

Социолог ва педагогларнинг якдил фикрига кўра, оила ўзининг маданий ресурсларини болаларга топширади, шу орқали касб ва ўқув юртини танлаш чоғида имкониятларни олдиндан белгилаб қўяди. Ҳар қандай оиланинг асосини ташкил этувчи қадриятлар тизими фарзандларга топширилиши эҳтимоли жуда юқори. Агар илм олишга оиласда қадрият сифатида қаралса, унда боланинг илм олиш эҳтимоли юқори, агар илм олиш ортиқча дабдаба ҳисобланса, унда табиий равишда ўқишга назар-писанд қилмасдан муносабатда бўлиш келгусида боланинг – бўлғуси фуқаронинг паст малака эгаси бўлишига олиб келади. Таълим олишни қадрият сифатида ўрганиш мақсадида: “Сиз нима деб ўйлайсиз, болаларга олий маълумот бериш зарурми?” деган савол билан мурожаат этилди. Респондентларга ўғил ва қиз болалар учун олий маълумотнинг аҳамиятини табақалашган тарзда баҳолаш таклиф этилди (*19-расм*).

19-расм. Боланинг жинсидан келиб чиқкан ҳолда олий маълумот мақбуллиги даражаси кўрсаткичларининг тақсимланиши, %



Кўриниб турганидек, ўз болаларига анъанавий олий таълим бериш мақбуллиги кўпроқ ўғил болаларга нисбатан намоён бўлади – 71,4% (2006 йилда – 63,4%), қизларга нисбатан аксинча 56,9% (2006 йилда – 46,8%), ушбу қонуният ўғил болаларга – 1,9% ва қиз болаларга – 12% “олий таълим олиш зарурати йўқ” деган жавобда янада яққолроқ ифодаланади. Таъкидлаш жоизки, кейинги беш йилда боланинг жинсидан қатъий назар уларга олий таълим беришнинг аҳамияти ошганлиги кузатилади.


Олий маълумотга эга ота-оналар қизларига ҳам шундай маълумот беришга мойил (61,6%): 90,5% соғлиқни саклаш соҳаси ходимлари, 61,4% маориф соҳаси ходимлари, 61,4% муҳандис-технологлар, 61,3% давлат органлари ходимлари қизларга албатта олий маълумот бериш лозим дея хисоблашади, дехқонларнинг эса фақат 39,2% и шундай йўл тутишга мойил.

Аёллар ва эркаклар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси тенг даражада фарзандларининг олий маълумот олишларини хоҳлаган бўлардилар, ўғил болалар кўпроқ даражада, қиз болалар – камрок. Шаҳарда респондентларнинг қиз болаларга олий маълумот бериш борасидаги хоҳиши жамланма фоизи – 83,7%, қишлоқда – 81,6%; шаҳарда ўғил болаларга – 96,8%, қишлоқда – 95,5%. Умуман, қиз болаларга олий маълумот бериш истагининг

умумий фоизи 82,7% (2006 йилда – 78,3%), ўғил болаларга – 96,2% (2006 йилда – 93,2%).

Ўғил ва қиз болалар учун олий маълумотнинг аҳамиятини эътироф этиш респондентларнинг ёшига мос равишда ўта табақалашган (20-расм).

**20-расм. Ўғил ва қиз болаларга олий таълимнинг зарурлигига мутлак ишончнинг ёш кесимидағи күрсаткичлари, %**



Кўриниб турганидек, энг ёш респондентлар таълим соҳасида гендер ёндашувини қўллаб-кувватлайдилар (олий таълимнинг зарурлиги борасида ўғил ва қиз болалар ўртасидаги фарқ 10% дан камрокни ташкил этади), шунингдек, 30–39 ёшдаги респондентлар ўғил болалар томонидан олий маълумт олиниши муҳимлигини қўллайдилар, аммо қиз болаларга нисбатан уларнинг ишончи камроқ (фарқ 18% ни ташкил этади). Бошқа тарафдан биз энг катта ёшдаги респондентларда (50 ёш ва ундан юқори) ушбу масалада ҳам ўғил, ҳам қиз болалар учун бир вактнинг ўзида олий таълимнинг аҳамияти пасайиши билан бирга, гендер масофасининг қисқаришини кузатамиз (14% гача). Шундай қилиб, энг ёш ва энг катта ёшдаги инсонлар ўртасида, тегишли равищда, маълумот олишга гендерча ёндашув тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. 30–49 ёш оралигидаги инсонлар бу масалага анчайин анъанавий нұктай назардан ёндашадилар.

Қиз болалар ахлоқи моделининг Ўзбекистонда қабул қилинган маълум андозалари, оиласдаги анъанавий тарбия, оиласда ва жамиятда аёлнинг ролини англаш таълим олиш ва касб танлашга таъсир ўтказади. Касб танлаш ота-оналар ва яқин қариндошлар томонидан “аёллар” касби фойдасига амалга

оширилади ва бу ҳамиша ҳам олий таълим соҳасига тааллуқли бўлавермайди. Яна баъзи бир шарт-шароитни ҳам хисобга олиш лозим. Биринчидан, жаҳон тажрибаси ҳамда Ўзбекистон аҳолисининг анъаналари шуни кўрсатадики, умуман олганда ота-оналар қиз болалар маълумотига нисбатан ўғил болалар маълумоти харажатларини қоплашга кўпроқ мойил, мазкур сўров натижалари буни яна бир бор тасдиқлайди. Иккинчидан, “аёллар” ва “эркаклар” касби ҳамда машғулоти борасида ҳам гендерча стереотиплари ёйилганлигини инобатга олган ҳолда тахмин қилиш мумкинки, ота-оналар мазкур гендер андозалардан келиб чиқкан ҳолда ўз болалари учун қўшимча машғулотлар танлайдилар ва уни молиялаштирадилар. Бунинг устига кўплаб ўзбекистонлик қизларнинг олий ўқув юртида ўқиш даври никоҳ ва репродуктив жараён билан қўшилиб кетади, шу боисдан қиз бола кўпинча оила куриш, фарзанд кўриш ва тарбиялашни мақбул кўради.

Бугунги кунда 16–29 ёшдаги респондентлардан ҳар тўртингчиси (24,6%) ўрта маҳсус маълумот олишни, 41,2% коллеж ва лицейларни тугаллашни хоҳлаган бўларди, ҳар ўнинчиси (11,5%) магистр даражасини олишга, 5,2% и илмий даража олишга интилади.

Тадқиқотлар натижалари ўзбекистонлик ёшларнинг нафақат олий маълумот олишга, балки ўрта маҳсус маълумот олишга ҳам қизиқиши орта бораётганлигини кўрсатади (*21-расм*).


*21-расм.* Маълумот даражасининг кўнгилдаги кўрсаткичлари тақсимланиши, %



Коллеж ва лицейлар обрў-эътиборининг ортиб бориши асносида – мутахассисларни професионал тайёрлашнинг юкори сифати, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг самарали амалга оширилишини таъминламоқда.

Оилада нафакат талабани таъминлаш учун, балки унинг ўқиш харажатларини қоплаш учун ҳам маълум моддий маблағларнинг мавжудлиги, болаларни олий ўқув юртларида ўқитишининг муҳим гаровига айланмоқда. Бугунги кунда ўзбекистонликларнинг 22,9 фоизида фарзандларини олий ўқув юртларида ўқитиши учун шароит мавжуд, сўралганларнинг 50 фоизи айтишича, уларда муайян шароит мавжуд, уларнинг 12,6 фоизида бундай шароит йўқ, 14 фоизи эса жавоб беришга қийналишди. 22-расмда ўтган галги сўровлар билан қиёслаган ҳолда, болаларни олий ўқув юртларида ўқитиши учун моддий шароитнинг мавжудлиги ҳакидаги маълумотлар тақдим этилган.

**22-расм.** Болаларни олий ўқув юртларида ўқитиши учун моддий шароитнинг мавжудлиги кўрсаткичлари динамикаси, %



Кўриниб турганидек, кейинги йилларда болаларни олий ўқув юртларида ўқитиши учун шароитга эга одамлар сони ортиб бориши тенденцияси мустаҳкамланди.

Беш йил мобайнида ўзбекистонликларнинг келажакка ишончи анча мустаҳкамланди, уларнинг фарзандлари ҳаётий мақсадларига мустақил эриша олишга қодирликларига қатъий ишонч юзага келди.

Сўнгти сўров натижасида ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам ўз ҳаётий мақсадларига мустақил эриша олишлари мумкинлиги

аниқланди, жами кўрсаткич қизларда – 89,1%, шулардан жавоб варианtlари бўйича сўралганларнинг 60,3% – “албатта эриша олади”, 21,7% – “эриша олади”, 7,4% – “эришиши эҳтимол” дея жавоб беришди. Ўғил болаларда умумий кўрсаткич – 92,3%, шулардан жавоб варианtlари бўйича сўралганларнинг 66,9% – “албатта эриша олади”, 21,1% – “эриша олади”, 4,3% – “эришиши эҳтимол” дея жавоб беришди.

Ўзбекистонликларнинг 85,9% ўз кучига қатъий ишонади, шулардан 48,7% и ўз мақсадларига эриша олишига ишонади, 28,9% уларга эриша олишим мумкин дея ҳисоблайди ҳамда 8,3% бунинг эҳтимоллигини тан олади.

Ҳар қандай масъулиятли ота-она ўз фарзандининг муваффақиятли инсон, баркамол шахс бўлиб ўсишини орзу килади. Ўзбекистонликларнинг ўз фарзандлари баркамол ривожланган инсонлар бўлиб вояга етишларига ишончи комил. Ушбу савол бўйича жами кўрсаткич – 96,9%, шулардан жавоб варианtlари бўйича сўралганларнинг 40% – “ҳа, тўла ишонаман”, 51,2% – “ҳа, ишонаман”, 5,7% – “ҳа, қисман ишонаман” дея жавоб беришди. Ушбу ишонч шахснинг ўсишига, оиласинг ҳамда унинг алоҳида ҳар бир аъзосининг ички потенциалини очишга кўмаклашади, болаларда ўз қадр қимматини ҳис қилиш ва бошқа инсонларга хурмат туйгусини ривожлантиради. Болалар маънавий ва жисмоний ютуқларни мужассамлаштирган ҳолда, баркамол тараққий топган шахс сифатида шаклланадилар. Кўп жиҳатдан оила болаларнинг жисмоний машқларга муносабатини, уларнинг спортга қизиқишини, фаоллиги ва ташаббускорлигини белгилайди. Болаларни жисмоний жиҳатдан тўғри тарбиялаш, оиласа уларнинг саломатлигига доимий ғамхўрлик қилишини тақозо этади. Болаларнинг саломатлиги нафақат уларнинг жисмоний хусусиятларига, балки оиласидаги турмуш шароити, санитария саводхонлиги ҳамда гигиена маданиятига ҳам боғлик.

“Сизнинг оиласизда фарзандларнинг жисмоний тарбиясига қандай эътибор қаратилади?” деган саволга жавоблар натижалари шуни кўрсатадики, ўзбекистонликлардан ҳар тўртингчисининг оиласида ривожланишнинг ушбу томонларига жуда катта эътибор берилади (23,9%), ҳар учинчи оиласа – катта эътибор (37,5%), ҳар бешинчи оиласа – кўнгилдагидек эътибор (20,3%) қаратилади. Ота-оналарнинг шахсий намунаси, соғлом турмуш тарзи – оиласа

жисмоний тарбия муваффакиятининг муҳим таркибий қисми эканлиги шубҳасиз.

Спорт – вақтни унумли ўтказиб, болаларни ҳаётга ижобий кайфиятга, ўзига ишонишга, қатъиятлилик ва тартиб-интизомга ўргатади, ўз қадр-қимматини ҳис этиш туйғусини тарбиялайди. Жисмоний тарбия ва спорт ўйнаши мумкин ва лозим бўлган муҳим социал-иқтисодий ролга қарамасдан, бугунги кунда болаларнинг 57,7 % и жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланмайди.

Тадқиқот маълумотларига кўра 42,3% болалар спорт билан шуғулланади. Қиз болалар учун волейбол (11,6%), гимнастика (10,8%), югуриш (8,6%), тенисга (6,9%) талаб анча юқори. Ўғил болалар учун футбол (41,1%), қураш (17,2%), бокс (17,8%) оммалашган. Болалар асосан мактаб, лицей, коллеж, олий ўкув юртларининг спорт тўгаракларида шуғулланадилар (44,7%), ҳар учинчи ёш спортчи (33,5%) шахар ёки маҳалла спорт тўгарагига қатнашади, 17,8 % и спорт билан мустақил шуғулланади.

## ХУЛОСА

Оила Ўзбекистонда жамиятнинг асосий бўғини бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, у ҳамиша давлатнинг ишончли ҳимоясидадир. Оилада инсон қадриятлар, идрок, афзалликлар, йўналиш, одат ва хатти-ҳаракатлар тизимининг асосини ўзлаширади. Оилада инсоний қадриятлар, эътиқодлар, идеаллар инсоннинг шахс сифатидаги барқарор тавсифларига айланади, келгусидаги ҳаётий хатти-ҳаракатлар ва феъл-атворни, том маънода шахснинг маънавий қиёфасини шакллантиради.

Оиланинг маънавий-ахлоқий ривожи, унинг мўлжаллари ва устуворликлари-мутахассислар ва жамоатчиликнинг доимий диққат-эътиборини талаб этадиган долзарб муаммолардир. Уларни тизимли ижтимоий таҳлил ёрдамида аниқлаш мамлакатнинг ўсиб келаётган ёш авлодини шакллантиришда оиланинг ижтимоий ўрнини, Ўзбекистон жамиятининг иқтисодий ва маданий ривожланишини жадаллаширишда оиланинг тарбиявий ва ахлоқий салоҳиятидан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини беради. Ижтимоий таҳлил маълумотлари оила муаммоларини аниқлаш ва оиланинг барқарор ривожи мақсадида уларни ҳал этиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мустақиллик йилларида давлат оиланинг ривожига катта аҳамият бермоқда. Ўзбекистонда оиланинг барқарор ривожини таъминлаш давлат ижтимоий сиёсатининг, оила ва жамиятда юқори маънавиятни мустаҳкамлашнинг муҳим таркибий қисми сифатида оила сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Оила муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ишончли равишда таъкидлайдики, Ўзбекистон аҳолиси учун оила муҳим ҳаётий қадрият ва баркамол авлодни тарбиялаш омили бўлиб қолаверади. Давлатимиз Раҳбарининг оила ривожланиши муаммолари ва самарали оила сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш борасида кўрсатаётган катта эътибори туфайли

мустақиллик йилларида Ўзбекистон оиласарининг моддий ахволи ва турмуш даражаси изчиллик билан яхшиланмоқда, уларнинг маънавий-ахлоқий ахволи мустаҳкамланмоқда.

Тадқиқот кўрсатдиги, замонавий Ўзбекистон оиласида маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий қадриятлари катталарга хурмат, ўзини жамиятда муносаб тутиш, камтарлик ва меҳнатсеварлик, кичикларга эътибор ва ҳ.к.лардир.

Катталарни хурмат қилиш, жамиятда ўзини тутиш ва ахлоқий меъёrlар каби асосий қадриятлар дастлаб оиласада шаклланадиган ўзбекистонликлар учун маънавий-ахлоқий тарбия кундалик ҳаётнинг муҳим таркибий қисмидир.

Оиласавий муҳит боланинг маънавий-ахлоқий шаклланишига кучли таъсири кўрсатишига респондентларнинг асосий кўпчилиги жинси, ёши, миллатидан қатъи назар ишонадилар. Кўпчилик ўзбекистонликлар маънавий соғлом, Ватанга содик фарзандлар меҳнатсевар, ҳалол, маънавий соғлом, ахил оиласарда тарбияланадилар, деб хисоблайдилар.

Ўзбекистонликларнинг фикрига кўра, ҳалоллик, ватанпарварлик, миллий анъаналарга хурмат, ўз ҳалқи тарихини билиш ахлоқнинг туб категориялари туркумига киради. Ахлоқли одамга соғдиллик, миллий ғуур ҳамда бошқа элат ва динларга нисбатан бағрикенглик ҳисси, камтарлик, экстремизмга салбий муносабат хосдир.

Бу барча ахлоқий сифатлар инсонда бутун умри давомида ривожланиб боради, лекин уларга болалик, ўсмирилик ва ёшлиқ пайтида асосан оиласарни таъсири остида асос солинади. Ўзбекистонликларнинг ўз фарзандларининг ахлоқий қиёфаси ҳакида ғамхўрлиги респондентларнинг уларнинг оиласарида ахлоқий тарбияга кўрсатилаётган эътиборга ўzlари берган баҳоларда кўринади.

Мутлақ кўпчилик оиласарда болаларга барқарор ахлоқий тушунчалар ва ахлоқий тамойиллар сингдириб борилади. Респондентларнинг фикрига кўра, ахлоқий маданият ва маънавиятни ҳалоллик, хурмат, меҳнатсеварлик ва Ватан олдидаги бурҷ каби тўртта энг муҳим манбалар озиқлантириб туради.

Ўзбекистонликларнинг мутлақ кўпчилиги уларнинг фарзандлари баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига ишонади. Бу ишонч шахс сифатида ўсишга, оиланинг ва унинг алоҳида олинган ҳар бир аъзосининг ички салоҳиятининг очилишига хизмат қиласи, болаларда ўз қадр-қимматини билиш ва бошқаларга ҳурмат ҳиссини ривожлантиради.

Шундай қилиб, сўров кўрсатди, Ўзбекистонда оила юқори маънавият манбаси, бугуннинг ўзида Ўзбекистон оиласи моддий фаровонлигининг доимий ўсиши ва маънавий-ахлоқий ривожига йўналтирилган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи кучига айланган маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялаш асоси бўлиб ҳисобланади. Бунга асосий вазифаларидан бири баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ҳисобланган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг бажарилиши ҳам кўмак берди.

## ТАРБИЯ – ҲАР КУНЛИК ИШ (социопедагогик этюдлар)

*Албатта, фарзандга меҳр қўйши, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чогидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айrim ота-оналар, балки бутун жасамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда қўриши мумкин.*

*Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.*

*Эшиштмадим, деманг...*

*2012 йил 19 июнда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 175-сон Қарори чиқди. Қарор баркамол авлод(демак, ҳар биримизнинг боламиз, невараларимиз) тарбиясига шахсан жавобгарлигимизни яна бир бор эслатди.*

Унга кўра мактаб, лицей, коллеҷ, институт, университетларда маҳалла фаоллари билан бирга “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги янги дараҷага кўтарилади. Бу ҳамкорликни ривожлантириши учун Жамоат кенгаши тузилди<sup>1</sup>.

“Жамоат кенгаши” оила, умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари билан маҳаллалар ҳамкорлигининг самарадор, натижадорлигини, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашаади, таълим муассасаларидағи таълим-тарбия

<sup>1</sup> “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 175-сонли Қарори. 2012 йил 19 июнь.

*сифатини ўрганиб, уларни янада тақомишаширишга оид табдирларни амалга оширади. Ўқувчи-ёшларнинг зарарли одатлар йўлига киришининг олдини олишига қаратишган манзили профилактик табдирларни амалга оширади.*

Ҳар йили 500 000 нафардан ортиқ жажоки ўғил-қиз мактабга кириб келади. Улар фақат мактабга эмас, ҳаётга кириб келишаётир. Уларнинг қалблари дафтарлари каби тоза. Таълим қалами ёзаётган нарсалар уларнинг дафтарларини очиб, кўрилгач, бир зумда баҳоланади. Бироқ, уларнинг қалбларига тарбия қалами ёзаётган нарсаларни бир зумда кўриб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам бугун сиз билан шарқона ва замонавий назар билан, тарбия деган қадимий сўз устида бирга ўйласак. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидаги дастурий фикрларга таянамиз.

*“Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўнижма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши – буларнинг барчаси аввало унинг тугма табиати, шу билан бирга, ошада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради”.*

**“Юксак маънавият – енгилмас куч”.**

### **Гап нимада?**

Тарбия. Ҳар бир авлод бу сўзни ишлатиб келади. Биз уни глобаллашаётган замонда, модернизациялашаётган маконда қандай тушунамиз? Қандай тушунмоғимиз керак? 2012 йилда.

1012, 1112, 2012 йилда туғилган бир кунлик чақалокларни қатор қилиб ётқизиб қўйилса, уларни фарқлаб бўлмаса керак. Албатта, 2012 йил чақалоклари соглом, дуркун. Вақт ҳам ўша ўша. Бир йил тўрт фасл. Бир кун 24 соат. Бироқ, бола кўз очиб кўраётган, эшигаётган нарсалар – ҳаёт, уни тўлдирган овоз, мусиқа, гоялар, мафкуралар, бинолар, воситалар, орзулар олами, мамлакат, техника-технологиялар бошқа. Янги.

Чақалоқнинг илк олами – оила. Чунки “... хонадондаги ҳар бир нарса – дараҳат ва ўсимликлар бўладими, турли ўйинчоқлар, уй ҳайвонлари бўладими – буларнинг барчаси боланинг кўзига гўёки оламнинг беқиёс мўъжизаси бўлиб кўринади ва шу тариқа у ёргу дунёни ўзи учун кашиф қиласди”.

### **“Юксак маънавият – енгилмас куч”.**

Демак, бола тарбиясини янги, ўзгарган, айниқса, эртанги ҳаёт талабларига мослаш керак. Чунки боламизни бундан 5, 10, 20 йил олдинги тарбия мақсадлари билан тайёрласак, унга жабр қилиб қўямиз. У шиддатли замонада рақобатбардош бўла олмайди. Мўрт бўлиб қолади. Кейин қийналади. Ўшандা биздан хафа бўлади. Бироқ, унда кеч бўлади. Шундай бўлмаслиги учун мамлакатимизда таълим-тарбия – энг устувор масала.

#### **Янги замон шиддати**

Илгари Тошкентдан Самарқандга поездда 6 соатда етиб бориш, “Жигули”ларда юриш, пастқам, гувала кулбаларда яшаш бизларга бўлаверар эди. Президентимиз маррани баланд кўтардилар. “Йўқ. Энди бизга бўлавермайди. Кимларгадир 300 км масофа деб 6 соатини йўқотиш, XXI асрда “жигулилар”да юриш, гувалаларда яшаш бўлаверар. Лекин ўзбекистонликларга бу бўлавермайди.

Ўзбекистонликлар 300 кмга 2 соатда европаликларни миндириб юрадиган “Талго”ларда етиб боришга муносиб. Шунинг учун совет паровозларидан “Талго”га ўтказилиб, халқимизнинг иззати жойига қўйилди.

Қишлоқда яшайдиган юртдошларимиз шаҳар уйларидаги комфортда яшашга муносиб. Шунинг учун халқимиз гувала уйлардан – кошоналарга кўчаётир. Бутун республика бўйлаб.

Ўзбекистонликлар ҳозир кўшни мамлакатлар кўчаларини тўлдириб юрган “Запорожец”, “Жигули”, “Москвич”ларни метал-ломга топширдилар. Дунёning назокатли одамлари минадиган “Нексия”, “Эпика”, “Кобальт”ларнинг рулларига ўтирилар.

## БҮЛАР ЭКАНКУ!!!

Бу мўъжизами? Йўқ. Чунки Ўзбекистоннинг ўзи кўзлаган юксак, нурли манзилга тез ва соз, соғ-омон элтувчи равон рельси бошдан, мустаҳкам пойдеворга қурилди. У “Афросиёб” тезлигига елаётир. Ҳар бир авлод ана шу улуғ ишларга ўз хиссасини қўшиши, яна кучайтириши керак. Бунинг учун ҳар бир ота-она ўғил-қизига Афросиёб шиддатини сингдириши керак. Маррани жуда юқори кўтариши керак.

Ҳар бир оиласда тарбия маррасининг юксак кўтарилиши азму шижаоти қатъий, тадбирли, шиддатли миллатни яратади. Бунинг учун ҳар бир ота **ҳар куни** педагогик иш қилиши керак.

Болаларга уларнинг келажагини ўйлаб, пухта, мақсадли тузилган мазмунли, қизиқарли кун тартиби керак. Болангиз эртага қачон, қаерда нима қилишини аниқ биладими? Билмайдими? Сиз-чи? Бу яхши эмас. Бунда сиз кўзини юмиб олдинга кетаётган одамга ўхшайсиз. Болага ота-онанинг пуллари эмас, ўzlари керак. Боласи қизиқкан нарсаларга қизиқишлари керак. Эътиборлари, боласи билан бирга ўtkазадиган соатлари керак.

### Тарбия тақдирни белгилайди

Эртани ўйлаб яшаш хайрли. Шунинг учун биз бугуннинг шукронаси, эртанинг умиди билан яшайдиган миллатмиз. Эртага деб иморатлар қурамиз, қизимизнинг сеп сандигини тўлдирамиз, банкларга маблағлар кўямиз. Эртага, тўйга деб қўй боқамиз. Эртага деб боғ экамиз. Шунинг учун бугунимиз кечамиздан, эртамиз бугунимиздан фаровон бўлиб бораётир.

“Корнингни ўзинг тўйдиарсан, аммо қўнглингни бошқалар тўйдиради”, дейдилар. Эртага қўнглимизни тўйдирувчилар энг аввало фарзандларимиз. Демак, эртага қўнгил тўқ бўлиши учун ҳам бугун нималардир қилиш керак. Ҳар куни.

Ҳар куни қиладиган ишларингиздан 5тасини айтинг, дейишса нималарни кўрсатардингиз? Сиз яхши уддалайдиган 5та ишни ёзиб беринг, дейишса-чи? Қайси ишни биринчи ўринга қўярдингиз? “Боламни тарбиялаш”, деган иш неchanчи ўринда экан?

Албатта, биримиз гиш теришни, биримиз провайдерликни, биримиз автомобиль ҳайдашни, биримиз беморнинг тишини сугуришни қойиллатамиз. “Бола тарбиялаш”, деганда ўйланиб қоламиз. Чунки яқин ўтмишимизда бу саволни беришмас эди-да. Ҳа. Совет даврида фарзанд тарбияси ҳар кимнинг шахсий иши эди. Ота-онамисан, керак бўлса, тарбияла. Бу сенинг проблеманг. “Сеники бала ямон. Айда детдомга！”, дейиларди.

### **Тўхтанг! Болалар билан гаплашинг.**

Мустақиллик шарофати ила тарбия шахсий ишдан давлатимизнинг устувор сиёсати мақомига кўтарилиди. Ёшлар тарбиясида давлатимиз билан ижтимоий ҳамкор, ижтимоий шерикмиз. Бу масала ҳар биримизнинг, етти қўшнининг, маҳалланинг миллат, Ватан олдидаги муқаддас бурчи деб белгиланди. Энди сиз фақат ўзингизнинг эмас, етти қўшнингизнинг боласи учун ҳам ота, ҳам онасиз. Маънавий жавобгарсиз. Қўшнингизнинг боласи диний экстремист чиқса, бу шахсан сизга ҳам иснод. Чунки унинг етти ота-оналаридан бири – Сиз.

Сизнинг болангиз учун миллати, дини, ёши, касбидан қатъий назар, етти қўшнингиз жавобгар. Чунки Ўзбекистонда боланинг бегонаси йўқ. Бу бизнинг миллий шиоримиз. Бу шиорни мамлакат бўйлаб кўп кўрасиз. Масалан, Тошкентнинг Хадра майдонида (2012.16.08).

Энди бобомиз Ал Хоразмийнинг “Сўз – гул, иш – мева” деган ўгитларини эслаб, бу масалада амалимиз қандайлигини ўйлаб кўрсак. Сиз қўшиларингизнинг болаларини танийсизми? Исмларини биласизми? “Бир болага етти қўшни ота-она”, деган мақолга Сизнинг мослигингизни мана шу саволга жавобингиздан билсангиз бўлади. Билдингиз, раҳмат. Мабодо, иш билан бўлиб, эътибор қила олмаган бўлсангиз, буни ҳам тузатса бўлади. Эртагаёқ, ишга кетаётганингизда кўчада ўйнаётган маҳаллангиз болакайларига эътибор кўрсатинг. Машинангиздан тушинг. Улар билан гаплашинг. Танинг. Ҳазиллашинг. Далда беринг. Сизни ҳам таниб олишади. Кутишади...

– “Дадам келдила-а-р!

– Бор, бор ойингга!”

Тарбияни кўпинча мавҳум тушунамиз. Уни “ушлаб кўриш” учун “парвариш” деб тушуниш қулай. Бунинг учун аниқ иш – бирор нарсани парвариш қилаётган одамлардан иборат олиш керак. Масалан, фермер. Ҳар йил бошида еримдан, ишлаб чиқаришимдан кўпроқ даромад олай, деб мақсад қиласди. Ҳар куни, ҳар соат ўйлайди, изланади, ишлайди. Ерни тайёрлаб, зўр уругни топиб, экиб, культивация қилиб, сугориб, парвариш қиласди. Натижа мақсадига тенг бўлгач, хотиржам, дам олади.

Бола тарбияси ҳам шунга ўхшайди. Бунда натижа нимага боғлиқ? Бу бизнинг ҳар кунлик педагогик фаоллигимиз (ёки педагогик лоқайдлигимиз)га боғлиқ.

Педагогик лоқайдлик ҳам бўладими? Ҳа. Бўлади. Кўчадан кириб келиб, боламизни кўрсак, қучоқлаб, ўпамиз. Кувонамиз. Кейин кийимларимизни алмаштириб, ювениб, телевизор кўра бошлаймиз. Боламиз интиқ бўлиб бизга қараб туради. Яқин келади. Биз буни сезмаймиз. Савол берса, “Ойингга бор”, деймиз. Бу ҳол 3–4 ҳафта тақрорланади. Энди у бизнинг олдимизга келмайди. Шунга ўрганади. Бизга ҳам шу керак. Ишдан келгандан уйқугача ўтган 6 соат вақт турли ишларга сарфланади. Бироқ, тарбияга эмас. 6 соатда боламиз қалбини парвариш қилиб, уни бойитиш мумкин эди. Бироқ, ҳеч нарса қилмадик. Афсус.

“... ошадаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмидил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниши қийин эмас”.

*“Юксак маънавият – енгилмас куч”.*

**Пул тикмай фойда олиш йўли**

Фермер картошкадан яхши даромад олиш учун унга пул, вакт, билим ва парваришдан иборат инвестиция киритади. Бир йилга етадиган зўр ҳосил, даромад олади. Тарбияга инвестиция керакми? Ҳа, албатта. Бироқ бунда пул асосий масала эмас. Масалани бошқача инвестиция – вақт, билим ва ҳафсала ҳал

қиласи. Фарзандингиз балогатга етаяпти. Унга қўшилиб сиз унга тушунтирган, кўрсатган, ўргатган фазилатлар сизни ҳар куни(!) мамнун қила боради. Ич-ичингиздан қувониб қўясиз. Орадан 15–20 йил ўтиб, саодат эгаси бўласиз.(Саодат бу – кетмас баҳт дегани). Бунинг учун эса, ҳар биримиз ҳар куни камида 20 минут педагогик иш қилишимиз керак, холос. Кам-кам, ҳар куни. Бугунги ишимиз кечаги ишимизнинг давоми, эртанги ишимизнинг боши бўлсин.

Афуски, тарбия деганда қовоқларимиз осилиб, қиёфамиз жиддийлашади. Чунки яқин ўтмишимизгача бу сўз асосан жазо, “гаплашиб қўйиш”, койиш, “тъзирини бериб қўйиш”, деган маънода тушунтириб келинди-да.

Аслида тарбиянинг ўндан тўққиз қисми хуш кайфият, очиқ чехра, ҳаракат, ўйин, қизиқарли сұхбат, жўшқин фаолият дегани. Ўндан тўққиз қисми ҳал қила олмаган муаммони унинг охирги чора сифатида охирги бир қисмига – жиддий сұхбатга қолдириш мумкин. Бунинг ҳам бир қатор шартлари бор. Яъни болангиз билан шундай гаплашингки, “ота-бола” зиддияти пайдо бўлмасин. Аксинча, “ота+бала – камчилик” зиддияти пайдо бўлсин. У сизни ҳам, ўзини ҳам эмас, балки ўзидаги камчиликни ёмон қўриб қолсин. Тезда ундан қутулсин.

Биз эса кўпинча тарбиянинг ўндан тўққиз очиқ чехра, сұхбатли шартларини бажаришдан эринамиз. Тезроқ сўнгти чорани қўллаш – адабини бериб қўйиш учун хўмрая, хурпая бошлаймиз. Боламиз ... биздан(отасидан(!))ўзини ҳимоя қила бошлайди. Отасидан...

Ўйлаб қарасангиз, болангиз қилган ҳар бир хатонинг олдини олиш мумкин эди. Ўзимизни касал, боламизни хафа қиласиз. Ўзимиздан совутамиз. Чунки иситишнинг тўққиз чорасини қўллашни ё билмаймиз, ё эринамиз. Шундай эмасми?

Тарбиянинг ўн шартига ҳар куни амал қилсак, бу бизни ҳар куни, аста-аста баҳт пиллапоясига кўтара боради. Ана шундагина сиз дунёнинг энг баҳтиёр ота-оналаридан бири бўласиз. Акс ҳолда, болангиз ҳам, ўзингиз ҳам қотиб қолаверасиз. Жойида қотиб турган одамлар эса юқорига

күтарила олмайди. Энди айтингчи, *Кеча сиз баҳтили ота-она бүлии учун нима қылдингиз?* Ўтган бир ҳафта ичидә болангиз билан неча марта, қанча вақт дилдан сұхбатлашиңгиз?

### **Ким айбдор?**

Парвариши – фермернинг “тарбия”си. Буни күриш, баҳолаш осон. Ўтаётган йўловчилар яшнаб турган боғни кўриб, тан бериб, мақташади. Боғ ҳам эгасини мақтаб, тўлқинланиб шовуллади. Ана шу жойда бир тўхтаб олайлик. Аслида йўловчиларнинг баҳоси фермернинг маънавиятига, тадбиркорлигига, бурчига, масъулиятига, ўз ишига муносабатига берилган баҳо эмасми?

Серхосил боғ бу – Али фермерга ота-онаси болаликда тушунтирган, кўрсатган, ўргатган ундаги маънавият, тадбиркорлик, бурч, масъулият бугун унинг ишида юзага чиқиши эмасми? Демак, маънавият, тадбиркорлик, бурч, масъулият деган фазилатлар ишлади. Отаси ҳар куни ўғли Алига берган тарбиянинг 20 йилдан кейинги натижаси эмасми бу?

Вали фермернинг боғи эса ношод. Даражат шохлари сарғайган, қуриган. Ери – тошдек, кесаклари – бошдек. Чунки эгасининг бошига ота-онаси бундан 15–20 йил илгари маънавият, тадбиркорлик, бурч, масъулият деган фазилатларни экмаган экан. Ўт босиб, қақраб ётган боғ бунга гувоҳлик бераёттир. Бу ота-онанинг 15–20 йил олдин фарзанд тарбиясига лоқайдлигининг юзага чиқиши эмасми?

Бундан 20 йил олдин ота йўл қўйган педагогик лоқайдлик бугун ўғли Валининг боғини қуритаёттир. Валининг юзини ерга қарататеёттир. У Валини ёмон тарбиялаган ота-онадан арз қилаёттир гўё.

### **20 йил**

Ўйлаб қарасак, биз тарбияда ҳам йўловчига, ҳам фермерга ўхшаймиз. Бошқа болаларни кузатамиз, ўз болаларимизни тузатамиз. Экинлар йил охирида, дараҳтлар 2–3 йилда меваси билан сизни рози қиласи. Ёки қилган агротехник хатонгиз

даромадингизни қияди. Келаси йил хатонгизни тузатиб, яхши ҳосил оласиз.

Лекин одам авлоди 20 йилда ҳосилга киради. Тарбияда йўл қўйган хатоларингиз ҳам 20 йилдан сўнг, 20га киради. Куч ийғиб олиб, болангизни бўғади. Бироқ, энди уларни тузатиш учун 20 йил, 20 карра зўриқишиш ва 20 карра кучли “дори”-чоралар керак бўлади. Нега бундай бўлди?

Чунки сиз болангизни яхши боқдингиз. Бироқ, унга эзгу фазилат, одатларни экиб, парвариш қилмадингиз. Унинг нималарга қизиқишини билмай, боқавердингиз. Мактаб, коллежга ота-оналар мажлисига кўп чақиришди. “Онаси, ўзинг бор”, деб кутулдингиз.

*“Таассуфки, баъзи ота-оналар ўз фарзандининг ана шундай қизиқишига ва интишишларига, унинг онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш рўй бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига аҳамият бермайди. Боз устига, агар ота оиласда ўзини туттишини бишмаса, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнак бўлиши ўрнига қўтолжумалана қиласидиган бўлса, бу ҳолат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланинишига салбий таъсир кўрсатади, вақти-соати келиб, унинг характерида инсон деган номга нолойик, хунук бир одат сифатида намоён бўлади”.*

**“Юксак маънавият – енгилмас куч”.**

**Ҳар куни – 20 минут? Ҳа!**

Бунинг олдини олиш мумкинми? Албатта. Ҳар куни болангиз билан камида 20 минут дўстона гаплашиб бориш керак эди, холос. Унинг муаммолари, қизиқишлиарини ўзингизнинг муаммоларингизга, қизиқишиларингизга айлантириб олиш керак эди. Арзимайдими? Ахир, аслида мана шундай ажойиб фарзандингиз учун яшамаяпсизми? Бунинг учун ҳар куни атига 20 минутлик ҳафсала кифоя.

Афсуски, баъзи ота-оналаримизда собиқ совет давридан қолган ёндашув учраб турибди. (Бу мавзу бўйича Собиқ Иттифоқ микёсида 80-йилларда педагогик тадқиқотлар

ўтказилган. Тадқиқотлар ота-оналарнинг болалари билан сухбатлашишга бир кунда атига 9 минут ажратишларини кўрсатган).

Айрим оталар “Бошимни оғритма”, деб болаларига 20 минутлик ҳафсала ўрнига даста-даста пул тутишмоқда. Болалари отасидан узоқлашиб, интернет клубга, ё “сотка”сидаги “фейсбук”, “твиттер”, “синфдошлари”га бориб қўшилмоқда. Ота тинч, пиво ичиб, футбол томоша қиласпти. Уни 20 йилдан кейин бошланадиган, тузалмас “бош оғриғи” кутаётганидан бехабар. Мамнун ва ғофил.

### **2001 йилда бўлган бир воқеа**

Абдували ака(зиёли, 2012, апрель): Ўзлум Эркинжон чет элда темир йўл институтини битираяпти. Тунов куни Гамбургдан 5ta курсдоши билан тушган суратини MMS қилиб юборибди. Қиёслаб, қарадим. Ўзлум ўртоқлари орасида энг норгули, қомати баланди, келишгани. Шунда 2001 йилда қилган бир ишимни эслаб, хурсанд бўлдим.

Воқеа мана бундай бўлган эди: Мен бўйим бироз паст(166см)лигидан ўқиниб ўсганман. Келинингиз билан болаларимизнинг ўзимиздан кучли, басавлат бўлишини орзу қилардик. Эркин 5 синфда ўқирди. (Биз “болам-дўстим” деган қоидага доим амал қиласми). У билан кечқурунлари бирга сайд қилиб, эркин гаплашардим. Бир куни унга спорт, спортчилар, уларнинг кўринишлари ҳақида гап очдим. Кейин: “Эркин, сен бўйинг баланд, қоматинг келишган бўлишини истайсанми”, дедим. “Ҳа”, деди у кўзлари порлаб. “Унда кел, бир иш қиласми”, деб режамни очдим. “Бўпти, дада”, деди. Бирга киришиб кетдик. Уйимиз ёнига бир турник қуриб бердим. Ҳовлимиз деворига 2 метр баландликни чиройли қилиб чизиб қўйдим. “Турникка осилсанг, бўйинг ўсар экан. Бир бола шундай қилибди. Бўйи 23 сантиметрга ўсибди”, дедим.

Эркинбойим ишга тушиб кетдилар. Ҳар куни деворга жисп турраб, “Дада, қанча ўсибман”, дейди. Рағбат бериб бордим. Ҳай-ҳай, ўзингни уринтириб қўйма”, деб турдик ойиси билан. Хуллас, турникдан бошланган спортга ҳавас, бизнинг

*ҳар қунлик эътиборимиз уни волейбол, теннис майдонларига олиб борди. Бўйи ўсиб, қомати чиройли бўла борди. Мана ҳозир 177 см. (Меники 166 см эди.).*

*Бунга биз қандай эришдик? Биринчи сабаб – “ота+бала = дўст” формуласига амал қилдик; иккинчи, асосий сабаб – ҳар қунлик ҳафсала.*

*Бахтлимиз. Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмас экан. Сиз ҳам шундай қилинг. Албатта хурсанд бўласиз. Яна шунга ўхшаган икки-учта яхши ишлар қилдик. Кейинги сафар учрашганда айтиб берарман. Неварамни шахмат тўгарагига элтаётган эдим. Узр”.*

*“Айнан мана шу давр(5–7 ёш)да бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг бегубор онги бамисоли босма қозог сингари ошладаги, ён-атрофдаги барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларни ўзига шимиб-сингдирив олади. Унинг ота-онасига, бобо ва момоларига меҳри ва ҳурмати, ўзини ўраб турган муҳитга нисбатан муносабати кундан-кунга такомиллашиб боради”.*

*“Юксак маънавият – енгилмас куч”.*

### **Тарбиянинг сифати**

Ҳар бир ота-она ўз болаларининг Бош тарбиячиси. Бу эса ҳар биримиздан тарбия тўғрисидаги билимларни талаб қиласи. Демак, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш қанчалик зарур бўлса, фарзанд кўришдан олдин ва ундан кейин ҳам тарбия тўғрисида аниқ, замонавий билимларга эга бўлиш керак. Акс ҳолда “Ласетти” ҳайдаб кетаётган гувоҳномасиз ҳайдовчига ўхшаб қоламиз.

Рулда кетаётган ҳайдовчилик гувоҳномаси(ҳаққи) йўқ одам жамиятга қанчалик хавфли эканлигини тушунтириб, кўркитиб ўтирамайлик. Лекин, тарбия тўғрисида билими йўқ ота-онанинг болалари қандай инсонлар бўлиб чиқишиади? Бундай ота-она, аввало, ўзларини баҳтсиз кексаликка, ундан кейин ўз фарзандларини баҳтсизликка маҳкум қилиб кўйишлари мумкин. Энг ёмони – сифатли тарбияланмаган

фарзандлари туфайли ўз невараларини ҳам тақдир ҳукмига топширадилар. (Улар худонинг “Сендан ҳаракат – мендан баракат” деган вაъдасини билишади, лекин айтишмайди. “Бир гап бўлар. Худо хоҳласа, бир қунини кўриб кетар”, деган ширин ёлғон билан ўзларини алдашади.).

Сифатсиз тарбия олган йигит қиз ўзига ҳам, ота онасига, оиласига ҳам, энг ёмони – халқи, Ватанига ҳам фойда келтирмайди. Зиён келтиради. Ё жиноятчи бўлади, ё оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган одам бўлади. Нари борса, ўзини, оиласининг таъминотини эплай олмайдиган ландовур бўлади. Ким боласини шундай бўлишини истайди? Сиз истайсизми? Демак, ўзбекистонлик ҳар бир ота-она фарзандидан умидлари бўлса, уни севишдан олдин педагогик билимларни эгаллаб олиши керак. Болани билимсиз(меъёрсиз) севиш уни балога айлантиради. Афсуски, бунга мисолларни ҳам сиз биласиз. Бадавлат, обрўли оилалар мисолида ҳам.

### **Сизга бир фан ёрдам беради. Бу ....**

XXI асрда ҳар бир ота, она фақат боласини бокувчи эмас, балки педагог ҳам бўлиши керак. 20 ёшли, яхши боқилган, юзлари қип-қизил ўғил ё қизимизнинг қимматбаҳо авто ичидан изга қараб турган ўқрайган кўзларини кўрмайин, десак. Бу педагогиканинг сир-асрорларини билиш, қўллай олиш дегани. Шунинг учун болангизга қимматбаҳо ўйинчок, “Барби” қўғирчоқ сотиб олаётганингизда ўзингизга педагогик тавсияларни ҳам қўшиб олинг. Ҳудудингизда яшайдиган педагог олимлар билан танишиб, маслаҳатлашиб, улар берган тавсиялардан фойдаланиб, билимларингизни янгила борсангиз, бахтли ота бўласиз.

Педагогика одамни ИНСОНга айлантириш илми. Фанлар орасида энг қадимийси. У ер юзида туғилган биринчи гўдак билан бирга туғилган. Педагогиканинг тарихи ер юзида бирорта бола қолмаса, тугайди. Демак, у азалий ва абадий илм. У ота-она, ўқитувчиларнинг миясида туриб, уларнинг болаларини ўқитади, тарбиялайди. Ўзбекистонимизни –

озод ва обод Ватан, ҳаётимизни – эркин ва фаровон қилишга ўргатади. Ишлайди.

XIX асрда педагогика болаларни ўқитиш, тарбиялаш тўғрисидаги фан, дейилар эди. XX асрга келиб педагогиканинг қамрови тобора кенгайиб борди. Бугун унинг ёшларни, косиб, ҳунармандларни, иқтисодчиларни, ҳарбийларни, жисмоний нуқсони бор инсонларларни тарбиялаш даражасига кенгайди. XXI асрга келиб у ҳар бир инсонни ва жамиятни тарбиялаш илми сифатида эътироф этилди.

Бугун “Оммавий маданият” ёш қиз-аёлларнинг қулоқларига: “О! Қара, сен қандай гўзалсан! Оила қурма. Оила нимага керак? Бола туғиши керак бўлади. У кечаси туриб, йиглайди. Уст-бошини булғайди. Тўйиб ухлай олмайсан. Гўзал юзларингга ажинлар тушади-я! Билиб қўй. Ўшанда кўчада одамлар сенга ҳозиргидек сукланиб қарашмайди”, деган файриинсоний, файриўзбекона гояларни қуяётир.

Педагогика ана шундай “оммавий маданият”га қарши курашади. Негаки, ядро бомбаси одамзодни бир зумда йўқ қилса, “оммавий маданият” одамзодни демографик бомба билан юз йилда қириб юбориши мумкин. Кўриб турибсиз, натижа бир хил. Шу топда муҳтарам Президентимизнинг “ядро полигонларидан мафкура полигонлари кучлироқ”, деган ҳикматлари эсга тушади. Беихтиёр бу огохликка даъват фақат ўзбекистонликларнинг эмас, балки Ер курраси болаларининг ҳимоясига қаратилганлигига имон келтирасиз. Шундай эмасми?

### **Тарбия натижасини қачон, қаерда кўрса бўлади?**

Боланинг саломатлигини қачон кўрса бўлади? Ҳар куни, ҳар соатда кўрса бўлади. Унга тиббий нуқтаи назардан қаралса, бўлди. Демак, тарбиянинг натижасига педагогик нуқтаи назардан қараш шарт. Натижани гаплашиб, кузатиб, ўрганиб билса бўлади. Врач бир беморга диагноз кўйишига қийналиб қолса, консилиум (мутахассислар кўриги) чақиради. Тарбияда буни “педагогик консилиум” дейдилар. Яъни сизнинг болангизни яхши билувчи устозлар, мутахассислар сизга унинг

маънавияти, маънавий саломатлиги ҳақида қимматли маълумотларни беришади.

Болангизнинг соғлигини ўйлаб ҳар 6 ойда бир марта тиббий кўриқдан ўтказасиз. Демак, болангизнинг маънавий соғлигини ўйлаб ҳар 6 ойда бир марта педагогик консилиумдан ўтказиб турсангиз, доғда қолмайсиз.

Тарбия натижасини қачон кўрса бўлади? Бу саволга жавоблар ота-оналарни икки тоифага бўлади. Бирлари – *тарбиянинг мевасини бола катта бўлиб, ишларга кирганда кўрамиз-да, худо хоҳласа. Аъ?*”, дейишмоқда. Қай биримиз “Буни вакт кўрсатади”, дейди.

Кимдир “Энди, худо инсоф берса, болалар катта бўлса, бир гап бўлар”, деймиз.

Яна биримиз “*Тарбиянинг меваси йигит-қиз вояга етганда, коллежни битирганда билинади*”, деймиз.

Бошқалари эса “*Йў-ўқ. Тарбиянинг мевасини ҳар куни кўриб бораямиз. Уларнинг бизга, қўшиниларга, ўз-ўзига, ўқишига, соғлигига, бурчларига муносабатида. Гапларида. Қилаётган қарорларида. Ишларида. Менга, қўшиниларга, ўртоқларига муомаласида. Ахир натижаларни ҳозир кўриб бормасак бўлмайдику. “Бир гап бўлар”, десак, бу насия тарбия бўлади. Ҳозир кўрмаётган нарсангизни кейин кўришингизга қандай ишонасиз? Кейин, тузатаман, деганингизда, вақт ўтиб кетган бўлади. Одам ўз боласи ҳақида бунақа, таваккал қилмаслиги керак*”, дейишади.

Яна биримиз: “*Боламиздан кутган нарсаларни эшитганимизда, кўрганимизда, олганимизда*”, деймиз.

Яна биримиз: “*Боламизга нималарнидир тушунтирамиз, кўрсатамиз, ўргатамиз. Ўша тушунтирган, кўрсатган, ўргатган нарсаларимизни боламиздан эшитганда, кўрганда*”, деймиз.

Жуда жиддий фикр. Тўғрими? Энди бу саволни ўзимизга ўзимиз бериб кўрамиз: *Мен ўғлимга кеча нималарни тушунтиридим? Нималарни кўрсатдим? Нималарни ўргатдим?*

Демак, тарбиянинг натижасини жорий(буғунги) ва яқуний (боламиз балоғатта етганды) күрса бўларкан. 15 ёшли ўғлингизга берган тарбиянгизнинг жорий натижасини, мевасини ҳозир кўришни истайсизми? Жуда соз. Аввал у билан сұхбат режасини тузиб олинг. Кейин у билан самимий гаплашинг. Бирор нарсаларни сўранг. Илтимос қилинг. Ҳазиллашинг. Биргаликда бирор ишларни бажаринг.

15 минутда ўзингиз берган тарбия натижалари тўғрисида кўп нарсаларни билиб оласиз. 30 минутдан сўнг ё хурсанд бўласиз, ё .... Қани, бошладик. Ўғлингизни чақиринг. “Қозонда бори чўмичга чиқади”, дейдилар. Сиз тарбия қозонига нималарни солган эдингиз? Чўмичингизни солиб, ковлаб кўринг. Қани! Ҳа!

### Ўрда кўприги – тарбия кўприги

Тарбияни кўприкка ўхшатиб кўрайлик. Кўприкнинг ўнг томонидан анҳорга гул ташласангиз, бир оздан сўнг сўл томондан қалқиб чиқади. Фижимланган қоғоз ташласангиз ҳам. Ҳеч нарса ташламасангиз, ҳеч нарса чиқмайди. Ёки сувга бошқалар ташлаган, ёки сув йўл-йўлакай “кўриб”, ўзига олган хас-хашак, “баклашкалар” чиқади.

Кўприкнинг эни 20 қадам чиқса, тарбия кўпригиники 20 йил. Демак, сиз 20 йилда болангизга нималарни атайлаб ўргатган, кўрсатган, бўлсангиз, унинг сўзларида, одатларида, меҳри(ё қаҳрида), хулқида қалқиб чиқади.

Боламизни яхшилаб боқиб, кийинтирсаг-у, ҳеч нарсани атайлаб тушунтирмасак, кўрсатмасак, ўргатмасак-чи? 20 йил ўтиб, ёнимизда қош-кўзи бизга ўхшаган, лекин биз билан иши йўқ, қалби бегона, соғлом, бақувват, яхши боқилган ёш одамни кўрамиз.

Уни ёмон фарзанд, дейишади. Лекин бу адолатданми? У сизнинг хонадонингизда бешикда ётганида ёмон эдими?! Йўқ. У қўшнининг ўғлидай ажойиб, билимли, спортчи, хушмуомала, давранинг гули бўлиши мумкин эди. Унинг отаси оддий ўқитувчи. 10 йил ҳар куни, эринмай боласининг ўйлари, орзулари билан яшади. Қизиктириди, ёрдам берди. Мана энди оёғини узатиб, мазза қилиб дам олаётир. Дам олаётир.

Кимларнингдир эса роҳати тугаб, 20 йиллик хатоларни тузатишнинг азобли меҳнати бошланаётир. Бола ёмон эмас, уни ёмон тарбиялаган ота-она ёмон. Кулок ўрганмаган хулоса учун узр.

Сиз болангиздаги иллатларни кўриб ранжийверасиз. Булар – болангизга Сиз эмас, сизнинг ўрнингизга кеча ва кўча ўргаттган қиликлар, қўполлик, иллатлар. Болангизга, оиласнгизга, невараларингизга заарли одатлар. Болангизга қўшилиб унинг иллатлари ҳам ўсади. Кучайиб, Сизга қаттиқроқ озор бера бошлайди. Буларни қон босимингиз ошганида; “тез ёрдам” машинаси келиб кетганда; аёлингиз кўз ёшларини сизга кўрсатмай артаётганини сезганда, эслайсиз.

*“Ота-она тарбияламаса, болани кеча ва кундуз тарбиялайди”.*

*Кобуснома.*

### **Ривожланган мамлакатларда**

2012 йил 17 февраль куни Президент Ислом Каримов XXI асрни рақобат асли деб атади. Бунда жуда кўп киррали, чўнг маъно бор. Ота-оналарга ҳам даъват бор. Нега десангиз, биз дунёning энг юксак ривожланган давлатлари қаторига чиқиб бораяпмиз. Бу ишни тезлаштирувчи энг муҳим шартлардан бири – тарбия. Ёшларимизни энг юксак ривожланган давлатда яшаш, ишлаш ва муваффақият қозонишга тайёрлаш. Дунёning энг юксак ривожланган давлатлари қандай тарбия орқали буғунги мақомга чиқишиди? Ота-оналар бунда қандай вазифани бажардилар?

Ота оналар болаларини бозор иқтисодиётидаги қучли рақобатга тайёрлашди. Болам, сен ўз кучингга, ўз ақлингга, ўз имкониятларингга таяниб яшашинг керак. Бунинг учун ўз ақл, куч ва имкониятларингни ривожлантиришинг керак, деб, бунинг йўлларини ўргатишиди, чиниктиришиди. Бошқа кишиларга (қариндош-урӯғ, таниш-билиш, ҳатто ота-онага ҳам) таяниш, суюниб яшаш, мансабга эришиш каби иллатлар тафаккурдан чиқариб ташланди.

Бу нима берди? Бу – ҳар бир йигит-қизни рақобатларга тұла ҳаётнинг курашлар майдонига чиниқишиңга мажбур қылды. Ёшликдан ўз келажагини ўз құллари билан яратышдан бошқа йүл йүқ эканлиги билан юзма-юз қилиб қўйди. Буни кўрган ёшлар хеч ким “Ўқи!” демаса ҳам бор кучини иродасини сарф қилиб ўқиди. Ҳеч ким “Янгилик ярат!” демаса ҳам янгиликлар ярата бошладилар. Чунки улар бозор иқтисодиёти, кучли рақобатлар шароитида фақат ўз кучига, фақат ўз аклига, фақат ўз имкониятларига таяниб яшаш учун ўз ақли, кучи ва имкониятларини ривожлантиришга ўргатилган, чиниктирилган эдилар-да.

Агар биз болаларимизни жақондаги tengdoшлари билан интеллектуал, маънавий рақобатта тайёрламасак, улар ожиз бўлиб қоладилар. Шундай бўлишини ҳоҳлайсизми? Асло, дедингиз. Демак, кимнинг уйида фарзанд ўсаётган бўлса, унга(спорт тилида айтганда) “бўлажак жақон чемпиони”, деб қарасин. Унинг ривожланишига барча шароитни яратиб, бир соат ҳам вактини бекор сарфламаслигига эришишимиз керак. Ана шунда ҳақиқатан ҳам ҳар бир ўзбек ўғил қизи ўз иши, соҳасининг чемпиони бўлади. Биз эса устоз, мураббий, тренер сифатида хурмат-иззатларга сазовор бўлиб яшаймиз.

### **Манзара**

Ниманинг яхшилигини билиш учун ниманинг ёмонлигини, нима қилиш кераклигини билиш учун нима қилмаслик кераклигини билиш керак, дейдилар. Энди ана шу тамойил билан айрим манзараларни гойибона кузатсак.

Икки қизча сув бўйида ўйнаб ўтиришибди. Шунда биттаси:

– Вой. Шиппакчанг оқиб кетаяпти, Дилноз!” дейди. Шунда Дилноза ўрнидан туриб, югуриб бориб, жилғачада секин оқиб кетаётган шиппакчасини тутиб олишга ҳаракат ҳам қилмайди. Ва:

– Шунга шунчами!? Эртага ойимлар яп-янгисини оберадила!” дейди.

Шиппакчадан соткага, эртага автомобилдан квартиralарга айланадиган “мехрибонлик” душман кила олмайдиган ёмоникларга қодир. Истаган нарсасини бирор мухайё қилишга ўргатиш билан дадаси Дилнозани баҳтсиз килиб қўйиши мумкин. Чунки олдинда Дилнозани турмуш ўртоғига ҳам “Сан бўлмасанг бошқаси”, деб гапиришни ўргатувчи қўшиклар кутиб турибди.

### Ота “отганда”

Отамиз. Бир-биrimизга гап, тўйлар килиб едирдимиз. “Отамиз”. Боламиз уйимизга келган бир уй меҳмоннинг олдида: “Ада, бугун ҳам ичиб маст бўласизми? деб завқ билан сўраса, “Жим бўл” деб ўшқирамиз. “Вой, нега ундан дейсан (ўйлайсан)?” деб ойиси уришади.

*“Боланинг онги асосан 5–7 ёшида шакланишини инобатга оладиган бўлсақ, айнан ана шу даврда унинг қалбида ошадаги муҳит таъсирида маънавиятнинг иш куртаклари намоён бўла бошлиди. Халқимизнинг «Куш уясида кўрганини қиласди», деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яқъол акс эттиради”.*

### *“Юксак маънавият – енгилмас куч”.*

Мехмонлар кетишади. Ҳалиги гапини эслаб, унга қаттиқроқ дагдага қиласми. “Нега ундан (ўйладинг) дединг?” деймиз. Боламиз “Қандай (ўйлай) айттай?” деса, “Жим бўл” деб энди ўшқирамиз. “Мана бундай айтиш керак” деб ўргатмаймиз. “Жим бўл, дедим” деймиз. Бола эса “Нега дадам ўзи қилган ишни айтсан, уришадилар?”, деб хайрон қолаверади. Шундай килиб пок, ростгўй боламизнинг тилини дили билан уриштириб қўямиз.

Вақт ўтиб, у кўриб-ўйлаётганини эмас, бизга ёқадиган гапни айтишга чиниқа боради. Буни боғча опасида тасдиқлатиб, маҳоратини мактабда оширади. Мақтов олади. Дил билан тил эса, юз кўрмас бўлиб қолади. Риё фазилат тўнини кияди.

Боламиз улғаяди. Яхши топади, яхши яшайди. Бири куни унинг улфатлари ҳам носамимий эканлигини сезиб қоламиз. Бизни совуқ тер босади. Дўстларингга ишонма. Сени тушириб кетади. Кўриниб турибди. Улфатларингнинг тили билан дили

бир эмас. Нияти ёмон, сириңгни билдирма. Айтма. Сир бой берма. Дүстингдан күрк. “Дүстингдан топ деган ҳадис бор” деб ҳам юборамиз (Таъсир қылсын деб). Боламиз болаларига буни ўргатади.

“... ойлада құни-құйниларни күролмаслик, фиску фасод, иғво мұхити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради”.

**“Юксак маънавият – енгилмас куч”.**

### **Такрор айтилган бир ҳақиқат**

Айтинг, бирорта ота-она ўз жигарбандини заарли оқимлар гирдобига тушиб қолишини истайдими? Ота-онасини, оиласини, маҳалласини, эл-юртини менсимайдиган, куним ўтса бўлди, деб яшайдиган одам бўлишини истайдими? Асло. Нуқул ширин орзу, дуолар қилиб ётиб, ёзни ўтказиб юборган фермер юқори ҳосил ола олмайди. Худди шунинг каби, ота-она ҳам фарзанди тарбиясида нуқул орзу, дуо қилиб, тарбия фаслини ўтказиб юборса, худо уради. Ҳаётининг қузида уни фарзандлардан оқибат хирмонлари эмас, пушаймон, армонлар хирмони кутади.

Ана шунинг учун ҳам Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч”да ота-оналарнинг баҳтини ўйлаб, “оммавий маданият”нинг бузғунчи таъсири тўғрисида шундай ёзадилар: “Агарки биз бундай ҳатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчилик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирлиб кириши, ёшлиаримизни ўз гирдобига тортиб кетишими, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидағи бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланыб қолиши мумкинligини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг мұхими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаған олишини истардим.

*Такрор айтишига тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”.*

Аччиқ ҳақиқат бу. Дарднинг сабаби ширин, дориси аччиқ бўлади. Оталарнинг огоҳликлари, билимлари болаларини маънавий касалликдан сакловчи дори. Буни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она чукур англаб олиши керак. Ана шунда ҳар бир оила, демак бутун жамият маънавий соглом, кудратли, енгилмас, баҳтиёр бўлади.

*Ҳақиқий тарбия – машқлардан иборат (Гелвеций).*

### **«Менинг болаларим танбал бўлмас. Танбаллик одамни бўшаштиради». Соҳибқирон Амир Темур**

Биз болаларимизни «Хаммаси яхши бўлади, қўявер. Биз куриб берадиган баҳтли жамиятда мазза қилиб яшайсанлар!», – деб тарбиялашимиз керакми? Ёки «Эртага давлатлар, уларнинг манфаатлари, мафкуралари орасида баҳс бўлади. «Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айлантиридилар ва бу соҳада бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошлидилар» (А.Авлоний.1913).

Ватан сизнинг қўлларингизда бўлади. Сизни алдашга, мулкингизни эгаллашга ҳаракат қилишади. Ана шунда Ўзбекистонни ҳимоя қила олишингиз керак. Ёки, муте, ожиз, ғамгин, муте миллат бўласизми? Деган миллий ориятни, бурчни шахсий бурчга айлантирувчи саволларни бериб тарбиялашимиз керакми?

«Хаммаси яхши», «Яхши бўлади» деб аллалаш – бегоналардан чиқади. Бу овунтириш методи. Бу беғамликни ўстиради. Беғамлик эса лоқайдликнинг онасидир. Зоро Президентимиз таърифлари билан айтганда «**Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё најот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир**» деган сўзлар асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам

биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда.

“Биз ўз фарзандларимизнинг баҳту саодатини, иқболи ва камолини кўришини истар эканмиз, нафақат ошладаги, балки маҳалла-кўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соғ қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур”. “Юксак маънавият – енгилмас куч”

## АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси. – Т.: Адолат, 2007.

И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 6-жилд.

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз сари. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимиизда эркин ва обод, фаравон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганигининг 15 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси, 08.12.2007 г. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

Соғлом авлодни тарбияламоқ – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир // Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

Антонов А. Социология семьи. – М., 2005.

Ата-Мирзаев О., Уманский Я., Ганиева М., Каюмов У. и др. Женщины независимого Узбекистана (по результатам

социологического исследования). Отв.ред. Убайдуллаева Р.А., Райнхард Крумм. – Т. 2004.

Ата-Мирзаев О.Б. Семья в Узбекистане: воспитание гармонично-развитого поколения (социологическое исследование). В сб. «Здоровая семья – здоровое общество». Материалы международной конференции. – Т., 2012.

Буриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т., 1997.

Возможность содействия раскрытию социального потенциала женщин Узбекистана на рубеже ХХI века. Результаты социологического исследования / Под. ред. Акад. АН РУз Р.А. Убайдулаевой. – Т.: Ижтимоий фикр, 1999.

Ганиева М.Х. Этносоциология. Т.: НУУз, 2006.

Голод С.И. Семья и брак: историко-социологический анализ. СПб., 1998.

Голод С.И. Стабильность семьи: социологические и демографические аспекты. – М.: Наука, 1984.

Джаббаров С. Эволюция семьи и традиционные нормы семейно-брачных отношений в Узбекистане // Демократлаштириш ва инсон хукуклари. 2004. №2.

Женщины – семья – право // Материалы круглого стола / Отв. ред. академика АН РУз Р.А. Убайдулаева. – Т.: Ижтимоий фикр, 1998.

Женщина в исламе / Ред. сост. Г. Нурулина. – М.: Умман, 2005.

Женщины независимого Узбекистана / Отв. ред. Р.А. Убайдуллаева, Ф. Крумм. – Т., 2004.

Каюмов У.К. Семья глазами молодежи (социологическое исследование). В сб. «Здоровая семья – здоровое общество». Материалы международной конференции. – Т., 2012.

Обзор законодательной базы Республики Узбекистан и основных международных документов, регулирующих семейные отношения и положения женщин в обществе / Под. ред. академика АН РУз Р.А. Убайдулаевой. – Т.: Ижтимоий фикр, 1998.

Семья и семейные отношения в современном Узбекистане / Под. ред. академика АН РУз Р.А. Убайдулаевой. – Т.: Академия Наук Республики Узбекистан, Центр «Ижтимоий фикр», 2012.

Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Ганиева М.Х., Каюмов У.К. Ислам в жизни населения Узбекистана (на русском, узбекском и английском языках). – Т.: Ижтимоий фикр, Фонд им. Ф. Эберта, 2003.

Убайдуллаева Р.А. О гендерном подходе к изучению семьи и общества // Общественные науки в Узбекистане. 2005. №1.

Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане, традиции и современные тенденции // Мониторинг общественного мнения. 2005. №3.

Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аел, оила ва жамият. – Т.: Фан, 2006.

Убайдуллаева Р.А. Духовно-нравственные ценности узбекистанской семьи. В сб. «Здоровая семья – здоровое общество». Материалы международной конференции. – Т., 2012.

Убайдуллаева Р.А. Современные репродуктивные установки населения Узбекистана. В сб. «Демографическое развитие Узбекистана в годы независимости». – Т., 2012.

Убайдуллаева Р.А. Молодежь Узбекистана и здоровый образ жизни. В сб. «Баркамол авлод – буюк келажак». Материалы республиканской научно-практической конференции. – Т., 2012.

Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане. – Т., 2012.

Шевченко И.О., Шевченко П.В. Большая семья – какая она? // Ж. Социологические исследования. – М., 2005, №1.

Куронов М. Миллий тарбия. – Т.: “Маънавият”, 2007.

Куронов М. Ўзбек характери ва миллий фоя. – Т.: “Маънавият”, 2008. 158 б.

Куронов М. Эзгу тоялар рўёби. – Т.: “Маънавият”, 2011.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>Биринчи боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА СИЁСАТИНИНГ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>5</b>
<b>Иккинчи боб. ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ МАҲНАВИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>35</b>
<b>Учинчи боб. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ.....</b>	<b>74</b>
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>108</b>
<b>Илова. ТАРБИЯ – ҲАР КУНЛИК ИШ (социопедагогик этюдлар) .....</b>	<b>111</b>
<b>АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>132</b>

**Убайдуллаева Раъно Ахатовна,  
Ата-Мирзаев Озод Баба-Мирзаевич,  
Куронов Мухаммаджон**

**ОИЛА ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ**

Муҳаррир Абдуллаева Ш.  
Техник муҳаррир Абдикаримова Г.  
Компьютерда саҳифаловчи Абиджанова Д.

Босишга 30.07.2012 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60x90 1/30. Ҳажми 8,56 т. Адади 150 нусха.  
Буюртма № 236.

Х.Ф. «Супер-Принт» корхонасида чоп этилди